

*Устоз - жуалымсиз қолғанда замон,
Нодонлардан қаро бұларды замон.
(Абдурахмон Жомий)*

**ХОТИРА МУҚАДДАС-
УМР АБАДИЙ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

ХОТИРА МУҚАДДАС – УМР АБАДИЙ

Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси, филология фанлари номзоди,
доцент

ИКРОМОВ ИСОМИДДИН ИКРОМОВИЧ
таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан унинг ёрқин хотирасига
бағишиланган эъзозлаш мақсадида юзага келган эътироф ва эҳтиром
мақолалар жамланмаси

“ЎЗБЕК ТИЛИ УСЛУБИЯТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”
мавзусидаги Республика илмий – амалий анжуман материаллари

(1-китоб, 1 - шуъба)

Тошкент

“VNESHINVESTROM”

2021

УЎК: 821.512.133КБК: 83.3(5Ў)

*Мазкур тўплам Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартағи 78–Ф сон фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси”га киритилган буйрганинг 2-илювасига мувофиқ Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси, филология фанлари номзоди, доцент **Икромов Исомиддин Икромович** таваллудининг **70 йиллиги** муносабати билан унинг ёрқин хотирасига бағишиланган “Ўзбек тили услубиятининг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаларининг I шуъбаси асосида тайёрланди.*

*Ушбу китоб орқали доцент **Икромов Исомиддин Икромовичнинг** ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Зеро олим бундан кўп эътироф ва эҳтиромга лойиқ.*

Бош мухаррир:

Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани, ф.ф.номзоди
доц. в.б. **Сунатулла Сойипов**

Масъул мухаррир:

Ўзбек адабиёти ўқитиши методикаси кафедраси мудири, ф.ф. доктори,
проф.в.б **Шоира Дониярова**

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

ЖДПИ доценти, ф.ф. номзоди **Нодира Соатова Исомиддиновна**
ЖДПИ доценти, ф.ф. номзоди **Сурайё Эшонқурова Исомиддиновна**
Тошкент вилояти Чирчик педагогика
институти доценти, ф.ф.ф.д. (PhD) **Шахло Ботирова Исомиддиновна**

Тақризчилар:

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, ф.ф. доктори,
проф. в.б. Усмонжон Қосимов
Ўзбек адабиёти ўқитиши методикаси кафедраси катта ўқитувчisi
Муродулла Жўраев
Ўзбек адабиёти ўқитиши методикаси кафедраси ўқитувчisi
Паризод Туропова

Ушбу тўплам Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти Илмий Кенгашининг 2021 йил 27 майдаги 9-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

*Бирорким қылса олимларга таъзим,
Қилур гүё Пайгамбарга таъзим.
Ҳадис ўлмиши Набийдан бўйла ҳадис,
Ки олим келди Пайгамбарга ворис.*

(Алишер Навоий)



*Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси, филология фанлари номзоди,
доцент
Икромов Исомиддин Икромович*

ЭСЛАШГА, ҚАДРЛАШГА АРЗИГУЛИК ИНСОН

Шавкат Шарипов,

*Абдулла Қодирий номидаги ЖДПИ ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор*

Кимки одамларга ўргатиш учун илмдан бир бобни ўрганса, унга етмишта сиддиқнинг савоби берилади.

(И мом ад Дайламий)

Дарҳакиқат, инсон билим, ақлу идрок сабаб муҳтарам. Бугунда Жиззах давлат педагогика институти жамоаси томонидан 70 ёшга тўлиши муносабати билан хотираланаётган, кенг омма томонидан эътироф этилиб, эъзозланаётган, халқнинг фидоий фарзанди, чин инсон, ҳақиқий олим, филология фанлари номзоди, доцент Исомиддин Икромов чин маънода шундай эҳтиромга муносиб. Унинг ибратли ҳаёт йўли бунга далил.

Исомиддин Икромов 1951 йил Жиззах вилояти Жиззах туманида ишчи оиласида дунёга келди. Илмга бўлган интилиш уни Садриддин Айний номли Самарқанд давлат педагогика институтига етаклади. Ўқув даргоҳининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини 1973 йил имтиёзли диплом билан битиргач, 1973 йил Жиззах шаҳардаги Алишер Навоий номли мактабда ишлади. У ўзини иқтидори, илми билан тез орада мактаб жамоасини хурматини қозонди. Бироқ унинг илмга бўлган чексиз муҳаббати, уни Жиззахдан Самарқандга кетишига Самарқанд илмий-адабий муҳитида камол топишига сабаб бўлди. 1975 йил Самарқандга қайтиб борган Исомиддин Икромов институтнинг ўзбек адабиёти кафедрасида иш фаолиятини давом эттирди.

Исомиддин Икромов профессор Хотам Умуров раҳбарлигида адабиётнинг танқидчилик соҳасида илмий иш устида ишлади. Узоқ йиллар самарали изланишлари натижаси ўлароқ 1988 йилда “Ҳозирги ўзбек адабий танқидида лирика масалалари (Ҳ.Ёқубов, С.Мамажонов, О.Шарафиддиновлар ижоди мисолида)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Исомиддин Икромовнинг адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари, тўғрироғи лирикасининг синчи, танқидчи олимлар томонидан ўрганилиши масаларини ўрганиши ҳам унинг салоҳиятли олим эканлигини кўрсатади.

Исомиддин Икромовнинг “Ҳозирги ўзбек адабий танқиди” (1982) монографияси, “Адабиётшунослик асослари” (2001) ва “Янги педагогик технология” (2007) каби услубий қўлланмалари, шунингдек, қатор адабиётшунослик муаммоларини ўрганишга бағишлиланган 100 дан ортиқ мақолалари чоп этилган. Қолаверса унинг шогирдлари ва қизи Шаҳло Исомитдиновна (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) бугунда адабиётшунослик оламида ўз ўрнига эгалиги, Исомиддин Икромовнинг яхши устозлигига далолат.

Ушбу китоб синчи олим Исомиддин Икромов хотирасига эҳтиром кўриниши сифатида юзага келди.

ШОГИРД – ИШОНЧЛИ ДЎСТ

*Ҳотам Умуроғ,
СамДУ профессори, филология фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган ёшлар мураббийи*

*Агар шогирд шайхулислом агар қозидур,
Агар устоз андин рози – Тангри розидур.
(Алишер Навоий)*

Дарҳакиқат, Исомиддин менинг дуойимни олган, рози қилган иккинчи шогирдим. Шу ўринда айтишим керакки, “Адабий танқидда маҳорат масалалари” (1971-й) номли диссертация ёқлаганлигимдан сўнг, шу соҳада шогирдлар етиширишга ҳаракат бошладим. Шогирдим Исомиддин талабалик давридаёқ адабий танқиднинг сирларига қизиқа бошлади. Шу билан бирга юзлаб лирик шеърларни ёд олди, уларнинг нозик жиҳатларини ўрганиб адабий тўгаракларда маъruzалар қила бошлади. Шу меҳнатларини ҳисобга олиб, Исомиддин кафедра лаборантлигига ишга таклиф этилди.

Ўзбек тили ва адабиётининг ёш тадқиқотчиси Исомиддинга “Ҳозирги ўзбек адабий танқидида лирика масалалари (Х.Ёқубов, С.Мамажонов, О.Шарафиддиновлар ижоди мисолида)” номли номзодлик диссертацияси мавзуси кафедрада тасдиқланди. Уни пухта ўрганди, тадқиқотларининг натижасини мақолаларда, илмий анжуманлардаги маъruzаларида ёритиб борди ва меҳнатлари натижа ўлароқ муваффақиятли ҳимоя қилди.

Устоз-у шогирднинг севимли илмий мавзуларни тадқиқ қилиш йўлидаги илми бир-бирига яқинлаштирас экан, ака-укалик ришталарини ҳам юзага келтиаркан. Натижада ўзаро ҳурмат ҳам, ёрдам ҳам, масъулият ҳам кучаяркан. Устоз шогирдидан ҳеч нарсасини аямас экан. Биринчи мисол келтираман: Исомиддин оиласи билан узоқ йиллар менинг Темир йўл районидаги уч хоналик квартирамда яшашди. Хотини яхши кўрган келинимга, фарзандлари невараларимга айланишди.

Илмнинг қудрати осойишталикка, яқинликка, меҳрга, ишончга, одамийликка олиб борар экан. Олим эзгу эътиқодга таяниб, илм нурини шогирдига улашса, яхшилиқдан яхшиликни ўстирса, ҳақиқий баҳт-саодатга етакласа, унинг ўзиёқ илмини ибодатга айлантиради. Олимнинг илм ўрганиш, ўргатиш йўлидаги бутун ҳаёти ибодатга айланади. Ибодатга айланган устоз шогирднинг бу илми минглаб талабалар тарбиясига, уларнинг комил инсон бўлишларига, барокатли имкониятлар яратилиши шубҳасизdir. Ҳа, бундай ибодат ватандошингга, қардошингга қилинган ажру савобдир.

Исомиддиннинг кўплаб билмайдиган ва эътибор қилмайдиган, айтмаслигим керак бўлган битта майли бор эди: У бажарган ҳамма ишларни узоқ ўйлаб, сермулоҳазалик билан ҳал қилас, ҳеч кимга **озор бермас**, лекин **ўзига озор берган инсонларга** ҳам жавоб қайтармас, лекин **юрагига оғир олар** эди. Бундай **ичга олиш, қалбан куйши** барча асабий сезгилар ичida яққол билинмайдиган энг нозиги, энг **оғиридир**. Тўғри, ҳаёт меҳнат, ғам, ташвиш ва қувонч, шодликлар билан яратилган.

Назаримда *ўзгаларни дилига озор бермаган* Исомиддин *ўзига бўлган озорларни юрагига жуда оғир олдими*, бу ҳолат умрини ҳам қисқартиришга сабаблардан бири бўлдимикин, деган ўй мени қўймайди. Шу боис, бу майл бошқаларда бўлмаслигигина, бўлса уни илмга, ишончга таяниб, ижодий қувватга айлантира олишларини, жудаям хоҳлайман. Илоҳо, Аллоҳим қўлласин!

Исомиддин ҳақида хотираларни қофозга туширас эканман беихтиёр шу сатрлар ёдга тушади:

*Дейдилар, дунёда асли ким Азиз,
Айтдилар устоздир, устоз бегумон.
Сўнг айтдиларки, Азиз шубҳасиз,
Устозлар қадрига етолган инсон.*

Дарҳақиқат, Исомиддин устоз қадрига етолган яхши хислатли, содик ва меҳнатсевар шогирдим эди. Унинг билан соғлом ҳамкорлигимиз, устоз-у шогирднинг илмий иш юзасидан шерикчилигимиз кўпгина тажриба ва ғояларга, хулоса ва ихтиrolарга олиб келарди. Биргаликдаги илҳом баҳш фаолиятимиз ҳаёт ва адабиёт, илм ва амалиёт сабоқларига дучор этарди. Улардан бир нечтасини Сиз билан баҳам кўрмоқни лозим кўрдим, балким ўқиётганларга аскотар, ёрдами тегар, баркамолликка етаклар:

1. Меҳнат ва айшу ишрат. Инсоннинг кўнглини фақат меҳнат-у мashaққатгина пок тутади. Айшу ишрат, бойлик эса қўнгилни “занг” бостиради. Бири қалб қўзини очса, иккинчиси қалб қўзини ёпади. Бири қалби кенгликни, бағри бутунликни таъмин этса, иккинчиси қалби торликни, бағритошлиқни воқе қиласди. Бири жаннатга, иккинчиси дўзахга асос яратади. Бири соғлик, омонлик келтирса, иккинчиси касалликни, ҳаловатсизликни келтирас экан.

2. Буюклик қалб оловига боғлиқ. Шоир Азиз Абдураззоқнинг “Ашуланинг манбай” асари мен ва Исомиддин учун энг ёқимли, энг буюк асар. Олам моҳиятини ўзида жо қилгани учун бўлса керак. Мана у:

“- Менга ашула айтишини ўргатиб қўй, - дебди Обдаста.

Ўрганолмайсан,- дебди Самовар- юрагингда олов йўқ ”.

3. Устоз – йўлчи юлдуз бўлса... Устоз йўлчи юлдуз бўлгандагина шогирд эл учун керакли кучга айланади.

4. Умр мазмуни. – умр, умрнинг мазмунини қандай тушуниш лозим? Устоз, одамнинг қандай яшагани маъқул дейсиз?

- Умр-киши туғилгандан то ўлгунича бериладиган вақт. Унинг мазмуни – сенинг ҳар кунги қашфинингга, эзгулик яратиш йўлидаги меҳнатингга, қалбинингдаги саховатни одамларга сочишинингга қараб белгиланади. Ҳа, шоир айтганидек:

*“Қалб талпинар,
Ойлар, ийллар,
Тўсатдан тўхташ учун.
Ёзиш, ўчириши керак,
Ниманидир тушуниши.
Кимнидир кечириши керак,
Кимдан авф, ўтиниши.
Барига бугун улгур,*

*Эрта балки фурсат йўқ,
Чунки умр деганлари
Бамисли отилган ўқ.
Уни ўтда ёндириб қуй.
Дунёда қолиши учун
Сўнги соат –
Одамлардан
Розилик олиши учун”.*

5.Уста. – Ўз ишининг устаси деб кимни айтиш мумкин?

- Яратган нарсаларида ўзини такрорламаган, камолот сайин тинимсиз ўсишдан худди оқар сувдек тўхтамаган, фикран ва қалбан қалбакиликка, виждонсизликка йўл қўймаган, инсонлар баҳтининг мукаммал бўлиши учун доимо курашган одамни УСТА деб атаса арзиди.

Шоир Носир Хисравнинг ажойиб ва ҳақ байти бор;

*“Кимки шогирдликка чин дилдан шод,
Бир кун ўзи ҳам бўлгуси устод.”*

Исомиддин ҳам шу ҳақиқатга монанд инсон эди. Кўп йиллар Жиззахдаги педагогика институтида чин устозлик қилди. Кўплаб муносиб шогирдлар етиштириди. Шу сабабдан унинг ҳақидаги хотира абадий қолади.

ҲАЛОЛ ВА МЕҲНАТСЕВАР ИНСОН ЭДИ

*Гофур Мухамедов,
Тошкент вилояти Чирчик ДПИ ректори,
Ўзбекистон фан арбоби,
химия фанлари доктори, профессор*

Дунёдаги барча неъматлардан фақат яхши ном қолади, ҳатто шуни ҳам қолдиролмаган одам баҳтсизdir.

(Саъдий)

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ҳеч қачон қаримайдилар. Улар ўзларининг чин инсоний фазилатлари билан яқинлари, ҳамкаслари, шогирдларининг қалбида абадий яшайди. Агар илм йўлини танлаган ва олимлик мартабасига эришган инсон бўлса, яратган илмий мактаби, кашфиётлари туганмас хазина каби ўз самарасини бераверади. Шундай инсонлардан бири Жиззах давлат педагогика институти “Ўзбек адабиёти” кафедраси мудири лавозимида ишлаган олим Исомиддин Икромов эди.

Мен Жиззах давлат педагогика институти ректори бўлиб ишлаб юрган кезларимда Исомиддин Икромов билан ишимиз тақозосига кўра ўқув, илмий-услубий, илмий, маънавий-маърифий соҳаларда кўп бора суҳбатлашганман. Ана шундай суҳбатлар асносида у киши менда масаланинг моҳиятига назар ташлайдиган, тизимли муаммоларни кўра оладиган ва уларнинг ечими бўйича

ўзининг аниқ таклифларига эга, вазмин ва мулоҳазали инсон сифатида яхши таассурот қолдирган.

Исомиддин Икромовнинг кафедра мудири сифатидаги раҳбарлик фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ эди. У раҳбарлик фаолиятига ҳам, жамоа билан ишлашда ҳам, ташкилий масалаларда ҳам муаммога доим илмий нуқтаи назардан ёндашарди. Бу эса унинг чин маънода зиёли ва олим киши эканлигидан дарак берарди.

“Фаннинг ҳаётйилиги ва абадийлиги шундаки, у бирор муаммони ечгунча, кун тартибига ўнлаб янги ва олдингисидан ҳам мураккаброқ вазифалар келиб чиқаверади. Шу йўналишда фан ва таълимнинг энг муҳим қонунларини, сирларини ихтиро қиласи, бу янгиликлар инсониятнинг яшаш тарзига ўз ижобий таъсирини кўрсата боради”, деган гаплари Исомиддин Икромовнинг олим сифатидаги концепциясини белгилаб беради.

Исомиддин Икромов ўзининг бутун истеъоди, куч-ғайратини ёш авлодга таълим бериш, одобли, ахлоқли, билимдон мутахассислар қилиб тарбиялашга, фан ва таълимни ривожлантиришга бағишилади. Шу боис унга институт жамоасидагилар ҳам, талабалар ҳам алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўларди.

У илмий-тадқиқот ва таълим-тарбия билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашарди. Фан соҳасидаги улкан хизматлари, мамлакатимизда олий ва ўрта маҳсус таълимни ривожлантиришдаги намунали ишлари, ташкилотчилик фаолияти учун у “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси” унвонига ҳақли равишда сазовор бўлган эди.

Тақдирнинг ажойиблигини қарангки, бундан 20 йил муқаддам Исомиддин Икромов мен раҳбарлик қилган институтда ишлаган бўлса, бугун унинг қизи Шахло Ботирова ҳам мен бошчилик қилаётган Чирчик давлат педагогика институтида фаолият олиб бормоқда. Яхши инсондан яхши фарзандлар қолади. Шахло Ботирова ҳам бугунги кунда институтимизнинг энг фаол олима аёлларидан биридир. У ҳозирда институтимизнинг асосий стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида “Адабий таълим кластерининг илмий-педагогик асослари” мавзусида докторлик (DSc) диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Агар Исомиддин Икромов ҳозир ҳаёт бўлганида, фарзандларининг камолидан кувонган бўларди, албатта.

Яхши инсон, дилкаш сухбатдош, маҳоратли педагог, зукко олим, ташкилотчи раҳбар сифатида Исомиддин Икромов хотирамиз, қалбимизда яшаб келмоқда. У бошлаган шарафли йўл ва эзгу ишлар бугун фарзандлари, шогирдлари, ҳамкаслари томонидан давом эттирилмоқда. Саъдий айтганидек, Исомиддин Икромовдан **яхши ном, яхши хотира, яхши фарзандлар, эзгу сўз қолди**. Шундай экан, Исомиддин Икромов том маънода жуда баҳтли инсон.

ЭЗГУ СҮЗ ВА ЭЗГУ АМАЛ БОҚИЙЛИГИ

**Усмонжон Қосимов,
ЖДПИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедра мудири,
Филология фанлари доктори, проф.в.б.**

Зеро, алломалар айтганидек, ким илм олса, унга амал қиласа ва бошқаларга ўргатса, у одам қуёши кабидир, чунки у бошқалар учун зиё тарқатади ва ўзи ҳам зиёлидир.

(Ғаззолий)

Нозик қалб инсон, етук адабиётшунос Исомиддин Икромовнинг қутлуғ 70 йиллигини хотирлаш – нафақат у туғилиб ўсган кўхна ва навқирон Жиззах воҳаси ахли ва ижодкорлари, унинг яқинлари, дўсту шогирдлари учун, балки бутун республикамиз зиёлилари ва адабиёт муҳлислари учун ҳам хайрли бир тадбирдир. Сермаҳсул ижодкор, илмий-эстетик дид – савияси баланд олимнинг ибратли фаолияти ва маъно-ҳикматларга бой ҳаётидан қимматли сабоқ олиш мумкин. Исомиддин Икромов, энг аввало, ота-она дуосини олган ва устозлар меҳрини қозонган баҳтли инсонлардан бири эди, десак хато бўлмас.

Дарҳақиқат, Исомиддин Икромовнинг жамият ва инсон ҳаёти, тақдирига масъул, кенг дунёқарашибга эга бир шахс, ўз касбиға ҳамиша юқори профессионал нуқтаи назардан ёндашадиган, таълим-тарбия жараёнининг жонкуяри, моҳир педагог бўлиб етишишида Орифжон Икромов, Ботирхон Валихўжаев, Исомиддин Салоҳий, Муслиҳиддин Муҳиддинов ва Хотам Умуроғли республикамизда танилган йирик устозларнинг раҳнамолиги билан бирга жўшқин ва мураккаб кечган адабий ва илмий муҳитнинг ўрни катта бўлганлиги айни ҳақиқатдир. Мутафаккирлар таъкидлашича, инсон буюклиги ва бебаҳолиги, аввало, унинг ақлидрок ва тафаккур соҳиби бўлганида, ўша шуурий қудрат билан воқеа-ходисаларнинг туб моҳиятини англай олишида, соғлом фикрлаш қобилиятида кўпроқ жилваланади. Исомиддин Икромов эришган инсоний комиллик замирида ҳам, энг аввало, унинг меҳнатсеварлиги-ю фидойилиги ва фикратидаги тийраклик ва нозиктъблиги билан бирга камсуқум ва камтарлиги ҳам мужассамлашганига кўплар ҳавас қиласади. У ана шундай олижаноб инсоний фазилатлари, ижодий мушоҳадакорлиги ва кенг фикрлилиги билан ҳам замондошлар, айниқса, миллий ва умуминсоний қадриятларимиз руҳида улғаяётган умидли ёшлар кўз олдида етук бир устоз-мураббий сифатида таассурот қолдирган десак, ҳақиқатга хилоф бўлмайди.

Бизга маълумки, комил инсон унинг билим даражаси билангина белгиланмайди, балки ундаги одамларга бўлган меҳр-эътиборли муносабат ва самимий ҳис-туйғулари билан, яъни унинг юксак ахлоқи билан ҳам белгиланади. Зеро, етук олимлик ва одамийлик фазилатларини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳам бу – инсонларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишда намоён бўлади. Ҳассос адабиётшунослардан бири бўлган Исомиддин Икромов табиатида ҳам чинакам олимларга хос меҳр-оқибат, фидойилик ва зийраклик устувор эди. Аслида, ҳақиқий билим ва донишмандлик замирида ўтқир ақл ва мушоҳада билан

йўғрилган некбин тафаккур, айни вақтда, ҳаётга ва одамларга оқилона муносабат мавжуд бўлади. Айниқса, ёшларимиз маънавияти, маданиятини юксалтириш, уларда эзгулик, одамийлик, бағрикенглик каби фазилатларини шакллантириш ва келажакка муносиб етук шахс сифатида камол топишини таъминлаш ана шундай фидоий устозлар фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади.

Танқидчи ва адабиётшунос сифатида Исимиддин Икромовнинг қизиқиш доираси кенг бўлган. Унинг салмоқли илмий-ижодий ишлари, жумладан, қатор монографик тадқиқотлари адабиётшунослик ва маънавиятимизда муносиб ўрин тутади. Олимнинг адабиётшунослик фаолияти ҳақида фикр юритишдан олдин илм ва ижодда мавзу-муаммолар муҳимлиги хусусида ҳам тўхталиш жоиз Халқ иборасидан фойдаланиб, “Сен менга танлаган мавзуингни айт, мен сенга қандай ижодкорлигинги айтаман”, дейилса ҳам хато бўлмайди. Собиқ шўро даврида Адабиёт ва Санъат ҳукмрон мафкуранинг содик дастёри, бир винти-мурватига айланганидек, Танқид-Адабиётшунослик ва унинг мавзулари ҳам, асосан, мафкура ва сиёsatга бўйсундирилган. Мустабид тузум мафкурасига мос “Адабиётнинг партиявийлик принципи”, “Соцреализм методининг буюклиги” ёхуд “Адабиётда – коммунист образи”, “Доҳий сиймоси” ва “Революционер образи” каби сиёсий мавзулар, аслида, сунъий кўпиртирилган, баландпарвоз шиорлар эканлиги эндилиқда аён.

Исимиддин Икромовнинг қўп йиллик илмий изланишларининг самараси бўлган ва 1988-йили муваффақиятли ҳимоя қилган “Ҳозирги ўзбек адабий танқидида лирика масалалари (Х.Ёқубов, С.Мамажонов, О.Шарафиддиновлар ижоди мисолида)” номли диссертацияси бадиий ижод ва танқидчиликнинг долзарб муаммоларига бағишлилангани билан ҳам жамоатчилик эътиборини жалб этади¹. Олимнинг докторлик иши “Маънавият, бадиият ва тарихий шахс сиймоси” мавзуси ҳам истиқболли ва муҳимлиги шубҳасиздир. Ёхуд “Ҳозирги ўзбек адабий танқиди” (1982) монографияси, “Адабиётшунослик асослари” (2001) ва “Янги педагогик технология” (2007) каби услубий кўлланмалари, қолаверса, қатор проблематик мақолалари мисолида ҳам бунга амин бўлиш мумкин. Турли йилларда яратилган бу асарларида адабиётимизнинг улкан чинорлари Гафур Гулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Зулфия, Аскад Мухтор каби устозлар ва уларга издош ёш ижодкорларнинг бетакрор шахси ва ўлмас асарлари хусусида бугунги бадиий-эстетик тафаккур юксаклигида туриб фикр юритилгани уларнинг характерли жиҳатидир.

Исимиддин Икромов танқидлаганидек, ўзбек адабиёти, хусусан, шеърияти 60-70-йиллардан эътиборан ҳаётга янгича тафаккур билан ёндашувчи ёрқин услуб кириб келгани, лирикамизда изчил реализмга хос тимсол, фазилатлар кенг ўрин эгаллаганига эътибор ортганлиги билан бирга, унинг ҳаётбахш илдиз-манбалари ҳам чуқур ёритилиши таҳсинга лойиқдир.

Эътироф этиш керакки, XX аср ўзбек шеърияти тадрижи ва етакчи ғоявий-бадиий хусусиятлари О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, И.Гафуров, Н.Шукуров, Н.Раҳимжонов, Б.Акрамов, О.Абдуллаев, Қ.Йўлдошев, Я.Қосимов, А.Сабирдинов,

¹Икромов И. Ҳозирги ўзбек адабий танқидида лирика масалалари (Х.Ёқубов, С.Мамажонов, О.Шарафиддиновлар ижоди мисолида). Филология ф.к. дисс. Самарқанд. 1988.

У.Ҳамдам, Ш.Ҳасанов, Б.Норбоев каби мунаққидлар томонидан кенг ўрганилган. Аммо ўша йиллардаги танқидчиликдаги айрим нуқсонлар барҳам топгани йўқ. Натижада танқид ва адабиётшуносликда депсиниш ва бадиий ижод табиатини тушунмасликдек салбий ҳолатлар тез-тез учраб туради. Адабий жараёнга баҳо беролмаслик ва таҳлил маҳорати етишмаслиги оқибатида айрим танқидчилар бадиий асарни ўрганишда унга бадиий ижод қонуниятлари асосида эмас, балки схематизм ва қолипбозлик талаблари билан ёндашади².

Исомиддин Икромов тадқиқотида тўғри кўрсатилганидек, 1970-80 йиллар танқид ва адабиётшунослик ҳам анча фаоллашди ва ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу давр ўзбек танқидчилиги ривожида йирик танқидчи ва адабиётшунослар қаторида профессор О.Тоғаев, Н.Худойберганов каби ҳозиржавоб мұнаққидларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бироқ улар ҳозиржавоблик билан ёзган асарларида мунозарали ўринлар, бирёқлама фикрлар ҳам кўплаб учрайди. Шу боис ҳам О.Тоғаевнинг А.Ориповнинг “Аёл” шеъри ҳақидаги мақоласи, Н.Худойбергановнинг Э.Воҳидов, А. Орипов ва Ў.Ҳошимовлар ижоди ҳақидаги аксар мақолалари китобхонларнинг ҳам ҳақли эътиrozига сабаб бўлгани бежиз эмас. Аслида, адабиётимизда муносиб ўрин тутган “Аёл” шеърида ўзбек аёлининг вафо-садоқати ва тоғдай сабр-бардоши теран ифодаланиши билан бирга унда даврнинг улкан фожеаси ҳам чуқур акс эттирилган. Бу ҳақиқатга, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан ўтказилган муҳим тадбир ва анжуманлар, қолаверса. бир гуруҳ истеъдодли санъаткорлар томонидан яратилган “Илҳақ” номли бадиий фильмни кўрган минглаб томошабинлар ҳам чуқур ишонч ҳосил қиласидилар.

Чиндан ҳам, И.Икромов таҳлил этганидек, XX аср ўзбек шеърияти ҳам ўзининг кўплаб ёрқин истеъдодлари билан ажralиб туради. Ана шундай нодир талант соҳибларидан бири Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовдир. Бу ҳақиқатни атоқли адабиётшуносларимиздан бири – Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ҳавас билан шундай эътироф этади: “Ҳеч иккиланмай, комил ишонч билан айтиш мумкинки, Эркин Воҳидов ҳозирги ўзбек шеъриятининг кўрки ва фахри. Бу фикрда заррача муболага йўқ”³. Минглаб китобхонлар кўнглидаги бу яқдил ва муштарак фикрлар Исомиддин Икромовнинг тадқиқотида ҳам етарли даражада далиллаб берилган.

Аммо танқидчилигимизда А.Орипов ижодига нисбатан бўлганидек, Э.Воҳидов ижоди ҳақида ҳам номақбул фикрлар билдириш ҳолатлари бўлди.⁴ Масалан, юқоридаги юксак эътирофларга зид ўлароқ, таниқли танқидчи Н.Худойберганов фикрича, Э.Воҳидов “Ўзбегим” (1968) қасидасидан сўнг ўтган ўн йил давомида бирон муҳим асар яратмаган эмиш. Ажабо, шеърият ихлосмандлари ва ҳассос танқидчиларнинг ҳам самимий эътирофига сазовор бўлган ва дунё тилларига таржима қилинган “Инсон” қасидаси, “Кўллар”, “Биз ишляпмиз”, “Учи тугик дастрўмол”, “Ҳозирги ёшлар”, “Рухлар исёни” каби етук асарлар худди шу даврда яратилган-ку. Ижод ахли бу достонни “бугунги лирик тафаккурнинг

² Косимов У., Абдуллаев О. Адабиётга қаҳр эмас, меҳр керак // Шарқ юлдузи. №11.1987.

³ Шарафиддинов О.Ҳақиқатга садоқат. –Т.: 1989.

чўққиси”⁴ деб таърифлашади. Шеърият ривожига улкан ҳисса қўша олган Эркин Воҳидовдек нозиктаъб шоир ва унинг лирик қаҳрамони ҳақида юқоридагидек беписандлик билан фикр юритиш бирёқламалик эмасми? Айрим калтабин мунаққидларнинг ноҳақ камситишларига қарамай, Эркин Воҳидов ижоди, шубҳасиз, ҳозирги ўзбек адабиёти ривожида алоҳида ўрин тутади. Айниқса, гоявий-бадиий мукаммаллиги, гўзал шакли, мусиқийлиги билан ажралиб турувчи сохир шеърияти ва достонлари аллақачон халқимизнинг маънавий мулкига айланиб, унинг тафаккурини беқиёс бойитиб келмоқда. Бундай мисоллар ҳам И.Икромовнинг адабий-танқидий асарлари бугунги кун билан ҳамоҳанг ва ҳамнаfasлигини кўрсатади.

Исомидин Икромов 1994-йилдан Жиззах ДПИ ўзбек адабиёти кафедрасида фаолият бошлаб, декан мувовини, мудир лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилди, ўзининг ташкилотчилик иқтидорини ҳам намоён этолди. Биз каби тенгкурлар Исомидин Икромов билан 24 йиллар бирга ишладик. Адабий кечаларда, нуфузли анжуман-давраларда, янги асарлар ва илмий ишлар муҳокамасида қатнашиб, фикрларимизни билдиридик. Пахталарда, кўнгилли сафарларда, тўй-ю маъракаларда қатнашдик. Дўсту қадрдонлар билан бирга қувончли кунларимизни нишонлаб, ҳаётимизга шукроналар айтиб, сархуш дамларимиз ҳам кўп бўлган. Бироқ шунча йил давомида бирор марта ҳам Исомидиннинг нозиктаъб меъёр ва масъулиятни уннутиб, ортиқча ҳиссиётга берилгани ё ножӯя фикр билдирганини, ёхуд бирон ноўрин сўзи-ҳаракати билан кимнидир кўнглини ранжитиб қўйганини кўрган ё эшитган эмасмиз.

Исомиддин Икромовнинг катта бир баҳти-солих фарзандлари, азиз неваралари ва у кишини узоқ йиллар давомида ҳаётда ҳам, ижодда ҳам нозик тушуниб ва ҳамиша қадрлаб-ардоклаб келган сабр-тоқатли умр йўлдоши. Бу садоқатли аёл ва мушфиқ онанинг ҳамиша Исомиддин Икромов билан яқдил-ҳамфикр эканлиги олимга руҳий мадад бўлганига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Умр йўлдоши Гулбаҳор икковлари ҳамма болаларини ўқимишли ва касб-ҳунарли қилишди. Улар, энг аввало, ота-оналари орзу қилганидек муносиб фарзанд бўлиб, ўзларининг меҳнатсеварлиги, самимияти, ақлу-одоби ва меҳру оқибати билан эл орасида обрў топмоқда. Айниқса, бугунги етук олимларимизнинг бир вакили бўлган Шаҳло ота-оналари изидан бориб, Адабиёт соҳасида жиддий изланишлари натижасида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиши адабиётшуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Бу ижодий ютуқ нафақат институтимиз жамоасини, балки устоз Хотам Умуроғлийнинг айтганидек, Исомиддин Икромов орзу-васиятини бажо келтириб, унинг ва боболарининг ҳам руҳларини беҳад шод этганлиги билан ибратлидир. Тадқиқот ишларини самарали давом эттираётган Шаҳло⁵ келгусида ўзи каби изланувчан, салоҳиятли ёшларимиз каби бутун халқимиз ва Президентимиз орзу қилаётган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган ижодкорлардан бири бўлишига умид боғлаш мумкин. Бу каби

⁴ Иброҳим Ғафуров. Шарқ Прометейи. Эркин Воҳидов. Шарқий қирғоқ. –Т., 1981.

⁵ Ботирова Шаҳло Исомиддиновна. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизм. Автореф. дисс. –Карши: 2019.

умидбахш воқеалар ҳам азалий ҳақиқат, яъни эзгу сўз ва эзгу амаллар ҳамиша барҳаётлигига ишончимизни янада мавжлантириб, барчамизни эзгуликка даъват этиб туради.

ОТА

Эссе

**Зулфия Пардаева,
ЖДПИ профессори,
филология фанлари доктори**

*Олимнинг обиддан фазли худди ойнинг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди.
Албатта, олимлар пайғамбарларнинг меросхўрлари дир.*

(Абу Дардо розияллоҳу анҳу)

Инсон ҳаётда ҳамиша кимгадир ишониб, кимгадир суюниб яшайди. Оила деб аталмиш қўрғонда ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Ота мисли бир боғбон: оиласи - боғидаги гуллару майсаларни, ниҳоллару дараҳтларни парваришлайди, Она эса қўёшдай тафти билан оиласига меҳр беради. Ким бўлишидан қатъи назар оила аъзолари оиланинг сарбони - отага бошқача ишонч, бошқача меҳр билан интилади, ишонади, суюнади. Шуларни ёзар эканман, кўз олдимга отам келди. Отамнинг нурли сиймоси, дуога очилган қўллари...

Отамнинг қўллари... Мажозий маънода ҳам отамнинг қўллари ҳамиша очик бўлган – сахий, меҳрибон; отам ҳамиша ҳаммадан олдин, ҳатто ёш болакайга ҳам шошиб салом берадиган, жаранглаган “Ассалому алайкум” деган каломи бутун бани башарга соғлик, омонлик тилагандай хотирамда жаранглайди.

Отам!!! Дадажоним... Мен эсимни таниганимдан отамни давлат хизматида эслайман. Мен туғилганимда отам 49 ёшда эканлар. Бир этак фарзанднинг отаси, тиниб тинчимайдиган, ҳамиша покиза, бир умр Жizzахнинг сув тизимини бошқарган отам ҳаммага “Бўриев” бўлиб танилган эди. Отам Жўра Бўриевич бўлиб Жizzах туман сув хўжалигини бошқарган. Ҳатто онамнинг яқинлари дадамни орқаларидан “Бўриев куёв”, “Бўриев почча” деб эъзозлашарди.

Дадам, дадажоним бизларни еру кўкка ишонмасдилар, қизлари-ю ўғилларини бирдек суюб, бирдек яхши қўрадилар. Ҳозир “отам” деб ёзяпману, кўнглимда “дадажон” деб шивирляяпман. Гўё дадажонимнинг тонг саҳарда “Аллоҳим” деган пичирлашлари субҳнинг сукунатида қайта жаранглагандай... Ҳа, ҳа... дадам яшириб Аллоҳга тавалло қиласарди. Динсизлик даврида Аллоҳга сифиниб, номини зикр қилиб яшаш дадажонимга осон бўлганмикан? Қўллари дуода, қалбларида, тилларида зикр, Аллоҳга тавалло...

Бир умр чўнтагида фирмә билетини кўтариб юрган, келиб чиқишини, оталари кимлигини ҳатто бизларга пичирлаб бўлса ҳам айтмаган, замонанинг шу зайлда кетишидан қўрқсан, шўролар томонидан қулоқ қилинган бойнинг ўғли Жўрабой Бўриев - менинг дадам етти пушти тугул бир пуштини фарзандларига танитмаган,

айтмаган, бизнинг оғзи бўшлиқ қилиб гуллаб қўйишимиздан, тақдиримиздан қўрқан. Эсимни таниб, суриштира бошладим. Ҳартугул отамнинг яқинлари бор. Пичир-пичирлар, шивир-шивирлар бор бўлсин.

Яратганинг инъоми – кут-баракот, қўли очик сахийлик, тўғрилик, одамларга мөхр, маърифатга ташналиқ бизларга кимлигини билмай ўтган боболаримиздан ўтган бўлса, ажабмас.

Онамиз отамизнинг гапларини гап деган, ишларини иш деган, “топганларини” туғиб, бирларини минг қилган аёл – жаннати онамиз биз қизларга “эрнинг пири бор” деб ўғит берган муҳтарама волидамиз отамизнинг уйдаги иш бошқарувчилари эди. Дадамизни, бизларни оқ ювиб, оқ тараган онамизнинг бир оғиз “Дадаларинг!” деган хитобидан уйимиз саранжом-саришта, озода, ҳамма ишлар бадастир, уйга вазифалар бажарилган, ҳамма уйда, чойнакда чой қайнаган, қозонда овқат пишган... бутун уй дадамизни кутардик.

Хозирги Жиззах шаҳар ҳокимияти биноси ўрнида “Райводхоз” деб юритиладиган дадамнинг ишхонаси бўларди. Иш куни 9.00 да бошланиб 18.00 тугарди. Сел келиши, сув билан боғлиқ муаммолар бўлмаган куни дадам уйга ҳамиша ўз вақтида қайтарди. Ажабо, ўша вақтлар давлат хизматчиларининг иш вақти белгиланган тартибда кечаркан, тушга ўхшайди. Мажлис деган вақт ўгриси ўшанда ҳисоб-китобли эканми, ҳарқалай одамлар ИШЛАРДИ.

Отам ҳам, онам ҳам маърифатга ошно эдилар. Бизларга қўйган талаблари қатъий: Ўқиб одам бўлиш керак! Олий маълумот олиш ҳаммамиз учун мажбурий эди. Онам бизни олий таълимга тайёрлаган уйдаги “репетиторимиз” эди. Куннинг иккинчи ярмида онажонимиз назоратида дарс тайёрлаш бошланарди. Ажабо, ишдан қайтган отамизга, онамиз таъбири билан айтганда, “ахборот бериларди”.

Йиллар ўтган сайин, дадажонимнинг сиймолари ёрқинроқ, хотиралар тиникроқ бўла борар экан, бир умр бизни ардоклаган, бирон марта ҳам ноўрин койимаган, овоз кўтариб қаттиқ гапирмаган ОТАМИЗ етишмаётганини сезаман. Ҳар бир фарзандини кўз қорачигидек асрашни ҳоҳлаган, набиралар истаги ва ҳоҳиши боболари учун қонун бўлган ДАДАЖОННИМ етишмаётганини сезаман. Тошдан қаттиқ бошим тақдир силсиларига учраганида, ечимсиз ўйлар туғила берганида маслаҳаттўйим ДАДАЖОННИМ етишмаётганини сезаман.

Институтни олий даргоҳ, педагогларни фозил одамлар деб билган отажоним, менинг касбим билан ич-ичидан фаҳрланарди.

Энг сўнгги нафақаларини номзодлик диссертациям авторефератини чоп эттиришга атаган отам дуолари мени олим қилган бўлса, ажабмас. Ҳамиша одамохун, меҳрли, ҳеч қачон кек сақламаган, манманлик қилмаган, ҳокисор отам, жанггоҳлардан жони омон қайтган, Сталинград остоналари қирғинлари даҳшатини хотирасида олиб юрган, бутун ҳаёти сабрга айланиб кетган, сўнгги пайтлар партбилет ўрнига фаришта кетган синглим Фароғатнинг суратини чап қўкрак чўнтағига солиб юрган отам фарзандлар доғини кўтара олмади.

Менинг югур-югурларим, чопа-чопларим ташвишларини акамга юклаган отам номзодлик ҳимоямдан сал ўтмай, онамизни бизга омонат ташлаб бандаликни бажо келтирдилар.

“Отам қандай одам эдилар-а!!!” – деган ўй-хаёл ҳамиша қалбимни юксалириди. Кўксилари тўла орден-медаллар, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор” унвони соҳиби бўлган отажонимнинг асли улуғ мартабалари – ИНСОНИЙЛИК эди.

Кизлик бурчимнинг атига бир қисмини бажардимми деган савол руҳимга урилганда, фарзандлари учун қуонган, заррадек ютуқлари учун суюнган оталарни кўрганимда, отамнинг, отажонимнинг томирларимизда жўш уриб турган ҳаёт чашмалари гўё “Отангиз барҳаёт!” дея садо берарди.

Бир кам дунёнинг камликлари отагинамнинг оталик меҳрлари билан тўлиб кетди. “Набираларим ҳақи” деб ҳар ҳафта бозорлик олиб келган отам ва онамнинг кириб келиши уйимизни шодликларга тўлдирмасмиди?!

Кўнгил дунёимга бугун ота-онамдек меҳрибонларим етишмайди. Беихтиёр ҳаёлимга бир замонлар битган шеърим қуйилади:

*Менинг бир Аллоҳдек суювчим йўқдир,
Менинг бир отамдек йўқловчим йўқдир,
Менинг бир онамдек куювчим йўқдир,
Оҳ, кеча, сўровинг бағримга ўқдир!*

Ўзимнинг тақдиримга Аллоҳ шундай мўътабар, мукаррам ота-оналарга қиз бўлиш насиб этганми ёки ҳамма оталар ҳам шунақами, ҳаёт йўлимда яна бир отамга ўхшаш, фарзандларига жони фидо отанинг оталик бурчини нақадар шараф билан ўтаганини гувоҳи бўлиш насиб этди.

Баҳор эди, шекилли. Бир куни эрталаб хонамга адабиётшунос устоз Исомиддин Икромов қизи Шаҳло билан кириб келишди. Ҳурмат кўрсатиб кутиб олдим.

Қизим Шаҳлонинг илм қилишга ҳоҳиши баланд. Устозим Хотам Умурога мурожаат қилгандим. У киши сизни тавсия қилдилар.

Мен устоз Хотам Умурогни забардаст, қалами ўткир адабиётшунос деб билардим, менга билдирилган ишонч мен учун ҳам фахрли, ҳам қадрли эди. Рози бўлдим.

Мен устоз Исомиддин Икромовни адабиётшунос сифатида билардим, бир неча марта ўкув ишлари проректори Баҳром Мамажонов бошчилигига дарс таҳлилига киргандик, куюнчаклик билан талабаларга дарс беришларининг шоҳиди бўлгандик.

Адабиётчилар том маънода мушоҳадага берилувчан, баҳсга ўч, ҳақиқатпарвар бўлганлигидан институтимизнинг ўзбек адабиёти кафедрасида билими зўр, қалами ўткир, адабиётшунослик оламида ўз ўрнига эга мутахассислар фаолият юргизишар эди. Улар билан елкама-елка ишлаш, маълум муддат кафедрани бошқариш Исомиддин Икромов домлага ҳам насиб этган экан, тенглар ичра тенг бўлиб вазифаларини бажарди.

Ўша кундан бошлиб Исомиддин Икромовнинг янги жиҳатларини кашф қила бошладим. Менинг наздимда устоз бир пофона юқорига кўтарилилар. Бу домланинг оталик мақоми эди. Бу мақомда энг юксак туйғулар мужассам эди: оталик меҳри, бурчи, ворисийлиги. Устознинг баҳти бор экан, қизи Шаҳло ота касби – адабиётшуносликни танлабди. Оддий адабиёт ўқитувчиси эмас, илм

йўлида заҳмат чекиб, азоблари-ю қувончларини туйиб илм қилиш йўлини танлабди. Ўртамиёна бўлиб юришни эмас, ўз қарашларига эга, айтар сўзини ботиниб айта оладиган, ўз соҳасини тушунадиган илм йўлини танлабди. Шунга мавзу: “Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизм”га қўл урди. Тадқиқот обьекти сифатида Улуғбек Ҳамдам романлари танланган.

Улуғбек Ҳамдам ижодининг серқирра эканлигини, у ҳали адабиётшунослар томонидан “ўқилмаган китоб”дек ўз тадқиқотчисини кутаётганлигини устоз Исомиддин Икромов англаган.

Адабиёт оламидаги сара асарларни танлаш, ёзувчи услубини аниқлай билиш, адабий жараёнларда кечаётган ўзгаришларни пайқай олиш ва уни идрок этиш учун том маънодаги адабиётшунослик илми керак. Исомиддин Икромов Шаҳлога ҳаммаслак ота, ҳамфикр устоз бўлди. Тадқиқот мавзуси танланди. Илмий мавзунинг тўғри танланishi – бу тадқиқотчининг биринчи ютуғи, мавзу бўйича илмий раҳбарни тўғри танлаш – бу иккинчи ютуқ.

Мен бир адабиётчи сифатида Улуғбек ижодининг ихлосманди эдим. “Мувозанат” романи чоп этилганда 1 кечада ўқиб чиқиб, йиғлай-йиғлай “Улуғбекнинг бадиий олами” деб номланган эссени ёздим. Шаҳло танлаган мавзу Улуғбек Ҳамдам романилари мисолида эди. Тадқиқот обьекти ҳам, предмети ҳам тўғри танланган эди. Ўз фикр-мулоҳазамни баён этганимда Исомиддин Икромовнинг ота сифатидаги қувончини кўрдим. Чунки устоз ворисийлик ниҳолини қадаган эди. Устознинг қалбидаги шодликни ўқиш учун кўп нарса керак эмас эди.

Биз билган Исомиддин Икромов бу фоний дунёning ҳаю-ҳавасларига меҳр кўймади, кўнгил бермади, аммо Аллоҳ берган неъмат – оиласини, фарзандларини қадрлади, ўз касбини севди, эъзозлади. Шу касб орқасидан ном топди, шаън қозонди, обрўли бўлди, оила тебратди. Шу сабабли Шаҳлонинг ilk ютуқларидан кўнгли тўлди.

Ҳаёт агар силлиқ, бир текис йўлдан иборат бўлганида, аллақачон қўпчилик тойиб кетган, ҳаёт издан чиқкан бўларди. Ҳаётнинг нотекис йўллари бизга йиқилганда оёққа туришни, сирпанганда муаллақ қолишни, яна олға юришни ўргатди. Худди “Мувозанат”даги Юсуф сингари мувозанатни ушлашни ўргатди.

Ҳаёт палақмон тоши сингари Шаҳлони турли маконларга, турли ҳолатларга отди, ҳар хил вазиятларга, синовларга солди. Аммо Аллоҳ йўл берди. Ота дуоси Яратганга етди. Турмуш ўртоғи ҳарбий бўлгани учун хизмат юзасидан Чирчиқ туманига ишга юборилди. Тошкент вилоят Чирчиқ давлат педагогика институти очилди. Институт ректори, профессор Ғофуржон Мухамедов сұхбатидан ўтган Шаҳло тугалланган диссертациясини ҳимояга олиб чиқиш шарти билан ишга қабул қилинди.

Мен шунда ниятнинг поклигига яна бир бор шафе келтирдим. Ҳам ота, ҳам устоз сифатида Исомиддин Икромовнинг нияти пок, орзуси осмон қадар эди. Йиллар давомида устознинг руҳидаги ўзидан, меҳнати маҳсулидан қоникиши туйғусини сезмаслик мумкин эмас эди. Устоз илмининг ворислари – талабалар қаторида ўз фарзанди давом эттираса, ундан ортиқ баҳт борми? Баҳт нашидаси Исомиддин Икромовнинг ҳам ботини, ҳам зоҳиридан сезилиб турарди.

Орадан кўп сувлар оқиб ўтди. Бу орада устоз Исомиддин Икромов оламдан ўтди. Рухлари шод бўлсин.

Шаҳло телефон қилиб “Устоз, ҳимояга чиқмоқчиман” деганда, “Хайрият” дедим. “Устознинг дуолари ижобатини Аллоҳ берган рост бўлсин” деб мен ҳам дуо қилдим.

Аллоҳнинг йўл бергани чин экан. Шу йўлнинг очилишига сабабчи бўлган инсонларнинг қадри баланд, тани жони соғ бўлсин.

Қашқадарё давлат университети Илмий Кенгашида Шаҳло филология фанлари бўйича фалсафа докторлиги диссертациясини ҳимоя қилди. Йиллар давомида шаклланган илмий тафаккур ўз мевасини берди. Адабиётшунос устоз Исомиддин Икромов сулоласининг вориси Шаҳло нафақат диссертациясини, балки ворисийликни ҳам ёқлади.

Йиллар ўтган сари, ёши улғайган сари инсон қалбан яқинларига интилади. Инсон ҳаётида отанинг ўрнини ҳеч нарса тўлдирмайди. Олимлик рутбасида турганим отамнинг руҳини қанчалар шод қилган бўлса, Шаҳлонинг филология фанлари бўйича фалсафа докторлиги диссертациясини ҳимоя қилгани устоз Исомиддин Икромовнинг руҳини шунчалар қувончга тўлдиргани шак-шубҳасиз.

Умрини оила саодатига, фарзандлар баҳтига бағишлигар оталаримиз руҳи шод бўлсин! Омин!.

МУМТОЗ МУРАББИЙ

*Жалолиддин Жўраев,
Ўз Р ФА Абу Райхон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти етакчи илмий
ходими, филология фанлари доктори*

Шубҳасиз, Аллоҳ таоло, фаришталар, осмон ва ердаги барча мавжудотлар, ҳатто уясидаги чумоли, денгиздаги балиқлар инсонга яхшилик ўргатган муаллим ҳаққига дуо қиласи.

(Имом Термизий ривояти)

Филолог олим ва мураббий, домла Исомиддин Икромов ўтган асрда Самарқанд илмий мактаби устозларнинг мумтоз вакилларидан илм олганлари боис, ўзлари ҳам чуқур билимли, масъулиятли, кенгфөъл, сахий, ва очиқюзли мумтоз мураббий эдилар. Будай жиҳатларнинг намоён бўлишида, албатта, у киши туғилиб ўсган оила ва тарбиянинг ҳам аҳамияти бекёёс.

Оддий кишилар филолог олим ва мураббий деганда одатда тил ва адабиёт соҳасини яхши биладиган инсонни кўз олдига келтирадилар. Илмий доира ва таълим масканларида эса фиололог олим ва мураббий юксак маданиятли, ўз соҳасини яхши биладиган ва билганларини ўқувчиларга етказиб бероладиган маҳоратли педагог бўлиши керак, деган талабни қўядилар. Менимча, домла бундай талабларнинг барчасига тўла мос келганлар.

Шу ўринда бир воқеа эсмига тушди: 1992-1993 йилларда Жиззах давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультетида ўқитувчи бўлиб ишладим. Ёзга яқин иссиқ кунларнинг бирида факультет фойесида навбатчиликда турган эдим, спорт кийими кийган талаба кириб келди. Бу ҳолатни факультет декани У. Қосимов домла кўриб қолдилар. Домла уни тўхтатиб, бундай кийиниш нафақат талаба, балки бўлгуси филолог устоз учун ҳам нотўғри эканини тушунтириб қўйдилар. Айтмоқчи бўлганим, Исомиддин ака ўзларининг кийиш-кийиниш, хатти-харакат ва салобатлари билан ҳам айтилган каби талабаларга намуна бўладиган жихатларга эга эдилар. У кишининг ҳеч қачон бетартиб ёки масъулиятсиз кийиниб юрганларини кўрмаганман.

Билганини айтиш ва тўғри йўл қўрсатиш ҳаммага ҳам насиб қиласкермайдиган хусусият. Домланинг илм соҳаси ёки ҳаётий муаммолар ечими бўйича бўладими маслаҳат сўраган ҳар қандай кишидан маслаҳатларини аямаганларини кўп марта эшитганман.

Булар билан бирга Исомиддин ака инсонни кўнглини кўтарадиган сўзларга ҳам саҳий эдилар. 2012 йилда укам Жамолиддин Жўраев номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Исомиддин ака ҳимоядан кейинги бўлган сухбатда сўзга чиқиб, отамни, Жамолиддин ва барча оила аъзоларимизни табриклаб, бу ютуқ кўпчиликники эканини айтдилар. Ўшанда Наврўзга яқин кунлар экан, Жамолиддинга юзланиб, ҳимоя ишларини унутиб, кундалик турмушга қайтиш кераклигини ургулаб, ҳали олдинда катта ишлар, байрам билан боғлиқ тадбирлар кутиб туриди деб, табриклаб қўйган эдилар. Бу сўзлар ҳимоя жараёни, илм машаққатини яхши билган ва бу йўлдан ўтган кишилар меҳнатини қадрлайдиган, инсонни руҳлантирадиган, машаққатларни унутишга даъват қилган олимнинг сўзлари эди.

Умуман олганда, Исомиддин ака мана шундай бетакрор хислатлари боис хотиралари қадрли ва эслашга арзигулик.

БЕНАЗИР ИНСОН

Гўзал Умурова, Самарқанд давлат чет тиллар институти Рус тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори

Мендан кейин сиздан энг сахийингиз, илм ўрганиб, илмини тарқатган одамдор. У қиёмат куни ёлгиз ўзи бир уммат бўлган ҳолида тирилтирилади.

(Муҳаммад Пайғамбаримиз (с.а.в.)

Ҳаёт! Ҳаётни ўқиб тугатолмаган китобга ўхшатаман. Негаки, ҳаётда битилган, унга муҳрланган ҳар бир лаҳза Ҳикматдир. Шунга кўра, ҳаёт китоби ҳикматларини ўрганиш – бу дунёдан ўтган марҳум ва марҳумаларни ёд этмоқ, уларнинг ҳаёт зарваражларини варақламоқдир. Ўтганларни хотирлаш, тирикларни йўқлаб туриш, ҳаётлигида ҳурматини жойига қўйиш кабилар савобли юмуш. Чунки ўтганлар хотираси ҳаётнинг ўзидек муқаддас ва ибратлидир.

Халқимизда доно нақл бор: “Дарахтнинг бўйи-басти ийқилганда, одамнинг кимлиги ўлганда билинади”. Бу аччиқ ҳақиқат Икромов Исомиддин Аканинг пок рухи эсланаётган дамларда кўнглимдан ўтди. Дарвоқе, яхшиларнинг номи ҳеч қачон ўчмайди. Бундай кишилар мангуликка даҳлдор. Улар йилларни ҳам тан олмай, яқинлари, дўсту биродарлари қалбида абадий яшайдилар.

Исомиддин Икромов, менинг Дадажоним (профессор Умуров Хотам Икромович)нинг биринчи шогирдлари эди. Шунинг учун Исомиддин Ака бизнинг хонадонимизда тез-тез бўлиб турадилар. Дадажоним ҳам Исомиддин Акага бошқача меҳр билан муносабат билдирадилар. Буни пайқаш мушкул эмас эди. Исомиддин акадаги самимилик, жонкуярлик, хушмуомала, каттага бўлган хурмат, кичикка бўлган иззатни мен болалик ва ўсмирлик давримда жуда кўп кузатганман. Дадажонимга, Устозларига бўлган муносабатда (гарчи бошқа шогирдлари ҳам хурматни жойига қўйишар эди) Исомиддин Ака бутун бўй-басти билан гавдаланарди. Инсоф, халоллик, самимилик, меҳр, хокисорлик, оддийлик – чехраси доим кулиб турадиган Исомиддин аканинг ёник қиёфаси кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Исомиддин ака ҳар гал хонадонимизга ташриф буюрганларида Дадажонимнинг кутубхоналарига кирадилар. Мен ҳам у кишига эргашиб борарадим. Шунда Исомиддин ака ўзларига керакли адабиётларни кўздан кечирар, китобларни жой жойига қўяр, чанги бўлса, артиб, яна астагина олиб қўяр эдилар. Китобга бўлган меҳрлари шундоқ харакатларидан билинар эдилар. Баъзан ўқиган китоблари чиқиб қолса, у ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашар эдилар.

Исомиддин Икромовни Ака дейишимга яна бир сабаб бор. Исомиддин Ака оиласарини Жиззахдан кўчириб ижрада турар эдилар. Шунда Дадажоним бўш турган квартирамиз калитини “қанча турсаларинг ҳам майли”, - деб топширганлар. Шу тариқа Исомиддин ака ва у кишининг оила аъзолари бизнинг оиласизнинг бир бўлагига айландилар. Шунчалик кўнгил кўнгилга яқин бўлдики, Исомиддин Ака ва у кишининг оиласиз ҳеч бир тадбиримиз, ҳаттоқи оддий кунимиз ўтмасди. Энг қизиги, фамилиялари Дадажонимнинг сулолалари фамилияси билан бир хил эди. Кўпчилик Исомиддин Акани қондош қариндошимиз деб англарди. Ҳа, баъзан бегона киши ўз жигаринг каби яқин бўлар экан...

Ҳа, акам Исомиддин Икромов олижаноб инсон, одамохун олим, ҳаммага бирдек эътиқодли саховат эгаси эдилар. Исомиддин Икромов хотираси бир умрга қалбимизда муҳрланиб қолган.

ИСОМИДДИН ИКРОМОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

*Шукурулло Мардонов,
Чирчиқ ДПИ Мактабгача ва
бошлангич таълим факультети декани,
педагогика фанлари доктори, профессор*

*Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, қолса яхшилик билан от!
(Мир Алишер Навоий)*

Инсон умрининг мазмуни аслида унинг ёши, неча йил яшагани билан эмас, балки бу умр қанчалик самарали бўлгани, қандай кечгани, бошқаларга қандай фойда келтиргани, ҳаётда не тахлит из қолдиргани билан сарҳисоб қилинади. Исомиддин Икромовнинг ҳаёти унинг яратган илмий асарларида, илмий-педагогик фаолиятида ҳамда шогирдларида ўз аксини топган.

Инсоннинг кимлиги унинг қандай дўстлар орттиргани, эл-юрт корига қай даражада ярагани, ўз ҳаётий эътиқодларига қанчалик садоқатли бўлгани, одамгарчилиги билан ўлчанади.

Бу жиҳатдан Исомиддин Икромовга ҳавас қиласа арзиди. У мард ва танти дўст, фидойи оила бошлиғи, садоқатли ёр, фарзандларига ҳавас қилгудек таълимтарбия берган ота, барчага бирдек меҳрибон инсон, содик дўст, ўзбек филологиясининг жонкуяри эди.

Инсон ҳаётида маърифатнинг роли, ўрни ҳамда аҳамияти бениҳоя каттадир. Зоро, маърифат бўлмаса, инсонда том маънодаги маънавий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш мушкул. Фақат маърифат ва яна маърифат инсонни – табиат ва жамият яратган мўъжизаларнинг гултоҷига айлантиради. Инсон маърифат туфайлигина табиат, атроф-олам ҳамда одам ҳақида, жамият ҳақида билимга эга бўлади. Одам жамиятда ўз ўрнига, ўз мавқеига эга бўлиш учун ўқийди, ўрганади ва илм-фан, маърифат асосларини эгаллайди. Кимки, маърифат, илм-фан билан шуғулланса, айни бир пайтда у жамият тараққиёти билан, инсон камолати билан беихтиёр машғул бўлади. Маориф ва илм-фан масканларида хизмат қилувчи кишилар энг хайрли ишлар билан шуғулланувчи кишилар саналади.

Ҳар бир халқни дунёга танитадиган, шон-шуҳратини юксалтирадиган асл фарзандлари, Ватан дарди билан ёниб яшайди. Бундай заҳматкаш инсонлар бутун умри, бор билими, истеъоди ҳамда салоҳиятини халқ манфаати йўлига бағишлайди.

Шундай табаррук инсонлардан бири, агар у ҳаёт бўлганларида бугун 70 йиллик қутлуг ёшини нишонлаётган бўларди (охиратлари обод бўлсин!), филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси Исомиддин Икромов бўлади.

Исомиддин Икромов 1951 йил 16-июнь куни Самарқанд вилояти (ҳозирги Жizzах) Жizzах туманида таваллуд топди. 1973 йилда Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетини

битирди ва меҳнат фаолиятини 1973 йилда Жиззах шаҳридаги 3-сон ўрта мактабда бошлади. Илмга бўлган қизиқиш уни яна қадрдон Самарқанд давлат педагогика институтига бошлади ва у ўзбек адабиёти кафедрасида фаолиятини давом эттириди.

Исомиддин Икромов 1988 йилда “Хозирги ўзбек адабий танқидида лирика масалалари (Х.Ёқубов, С.Мамажонов, О.Шарофиддинов ижоди мисолида) мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Исомиддин Икромов 1994 йилдан то умрининг охиригача Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедрасида фаолият олиб борди. Бу даврда олим томонидан тайёрланган “Студентларни илмий-тадқиқот ишларига ўргатиш” (1979 йил), “Хозирги ўзбек адабий тарқиди” (1982 йил), “Янги педагогик технология” (2007 йил) каби илмий-услубий қўлланмалари институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига яхши таниш.

Исомиддин Икромов томонидан 100 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалар нашр қилинган. У “Антик дунё” илмий академияси профессори, “Антик дунё” илми-маърифий журнали таҳрир аъзоси эди.

Исомиддин Икромов тарбиялаб вояга етказган кўплаб меҳнатсевар, фидойи шогирдлари бугунги кунда Республикализнинг турли вилоят ва туманларида фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар. Улар Ватанимиз таълим тизимини сифат жиҳатдан янада юксалтириш, келажагимиз бўлган ёш авлодни маънавиятли, баркамол шахслар қилиб тарбиялашга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар ва устозлари руҳини шод этмоқдалар.

Инсон учун энг юксак тожу-тахт ва баҳт ҳалқ хурматидир. Маънавиятли, маърифатли доно инсон ҳар қандай ҳолатда, улуғ мартабага кўтарилиганда ҳам, ўз ҳамкаслари, дўстларини асло унутмайди. Мен ҳам дўстим, ҳам ҳамкасбим сифатида Исомиддин Икромовнинг оҳиратлари обод бўлсин дейман ҳамда ота йўлидан юриб, элу-халққа муносиб хизмат қилиб келаётган фарзандларига соғлиқ-омонлик тилайман, олиб бораётган эзгу ишларида улкан зафарлар тилайман.

У МЕҲРИДАРЁ ИНСОН ЭДИ

*Сунатулло Сойипов,
ЖДПИ ўзбек тили ва адабиёти
факультети декани,
филология факлари номзоди, доцент*

Бу дунёйим обод бўлсин десанг, тижорат қил. У дунёйим обод бўлсин десанг, зухуд қил. Икки дунёйим обод бўлсин десанг, илм қил.

(Ҳадисдан)

Шундай экан, Устоз Исомиддин ака икки дунёси обод бўлган инсонлардан эди.

Икромов Исомиддин ака 1951 йил 16 июль куни ҳозирги Жиззах вилояти Жиззах шаҳар “Ўратепалик маҳалласининг Икром ака хонадонида дунёга келган ва

ўрта мактабни 1968 йили намунали баҳоларга тугатиб, шу йили Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига талабаликка қабул қилиниб, ушбу факультетда ўқишини 1973 йили имтиёзли диплом билан тугатган.

Исомиддин ака 1973 йили Жиззах шаҳридаги Алишер Навоий номидаги З-сонли ўрта мактабда ўз иш фаолиятини ўзининг энг севган касби бўлмиш ўқитувчиликдан бошлаган ва 1975 йили филология соҳасида илмий иш қилиш мақсадида ҳамда устозларининг таклифларига биноан ишни Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедрасида давом эттириб, 1988 йили адабиётшунос олим, профессор Хотам Умуроғли “Ҳозирги ўзбек адабий танқидида лирика масалалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, олимлик рутбасини эгаллаган ва 1994 йили ўзи туғилиб ўсган юрти бўлмиш Жиззах шаҳрига келиб, Жиззах давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб иш бошлаган. Сўнгра ушбу факультетда ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, кейинчалик ўзбек адабиёти ўқитиши методикаси кафедраси мудири лавозимларида кўп йиллар фаолият юритиб, 1996 йили доцентлик унвонини ва 2001 йили Ўзбекистон Республикасининг “Ҳалқ таълими аълочиси” кўкрак нишонини олишга сазовор бўлган.

Бу инсон Жиззах давлат педагогика институтида ҳам худди Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтидаги каби қисқа муддат ичида жамоа орасида катта обрў-эътиборга эга бўлди. Чунки домла ҳар доим тўғри сўзни айтадиган, ҳақиқатгўй ҳамда холис фикрли киши эди. Шу сабабли ҳам институт, жамоа у кишини ҳурмат қиласи.

Шу билан бир қаторда устоз ўта маданиятли, маънавиятли ҳамда мукаммал инсон бўлиб, у кишининг бирор марта ҳам асабийлашганини ёки бирор бир кишига овозини кўтариб, кўпол гапирганини кўрмаганман ва эшитмаган. Ҳар доим шогирдларига ёки кафедра, факультет профессор-ўқитувчиларига қанақа топшириқ ёки қандай масала юзасидан бўлишидан қатъий назар, улар билан жуда хушмуомалалик ва сўзлашув маданиятига хос тарзда табассум билан сұхбатлашарди ёки мазкур масала моҳиятини худди шундай муомала билан уларга тушунтириб берарди.

Шунингдек, Исомиддин ака ҳар доим ҳаётда сўз мулкининг султони бўлмиш Алишер Навоийнинг “Одами эрсанг демагил одами, Оники йўқ ҳалқ ғамидин ғами” каби мисралари мазмунига тўлиқ риоя этиб яшайдиган олим ва инсонлардан эди. Устозни қачон кўриб, у киши билан сұхбатлашсангиз, доим кимнингдир бир ташвишини ҳал этиш учун югуриб юрган бўлар эдилар. Агар ўша иш ўз вақтида ҳал бўлса, домла худди ўзининг иши бажарилганидек, хурсанд бўлар эди. Мен Исомиддин ака билан боғлиқ бўлган бундай ҳолатларнинг қўплаб гувоҳи бўлганман.

Мен 1994 йилнинг сентябрь ойида ўқишини битириб, ЖДПИ ўзбек тили ва адабиёти факультетининг ўзбек тили кафедрасига ўқитувчиликка ишга кирган пайтимда домла ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимида фаолият юритаётган эди. Менинг ёш ўқитувчи бўлишимга

қарамасдан Исомиддин ака мен билан меҳрибонлик билан муомалада бўлиб, кафедра томонидан ажратилган барча дарсларни ўқув режа асосида босиқ ва хушмуомалалик билан тушунтириб, қайси дарсни ҳафтасига неча соатдан ўтилишини кўрсатиб, дарс жадвалига кўйиб берди.

Устознинг менга қилган бундай юмшоқ муомаласига қараб шунга амин бўлдимки, у киши ҳар қандай талаба ҳамда профессор-ўқитувчилар, шунингдек, талабаларнинг ота-оналари, ўзларининг оила-аъзолари билан ҳам ҳар доим худди шундай муомалада бўлар экан. Мен бундай ҳолатни кўриб, бу у кишининг одатий ва кундалик анъанаисига айланиб қолганлигини устознинг кўплаб кишилар билан сұхбатлашганида гувоҳи бўлганман.

Исомиддин ака тафаккури буюк инсонлардан саналарди. Шу сабабли ҳам мен у кишини институтда қўли бўшаб, бекор, дам олиб ўтирганини умуман кўрмаганман. Бинобарин, устознинг дарсдан қўли бўшаса, илм билан шуғулланарди ёки бадиий китоб ўқир экди. Китоб ўқиш у кишининг энг севимли машғулотларидан бири саналарди. Исомиддин ака яна шундай бир ноёб характерга эга инсонлардан эди, у иш юзасидан талаба бўладими, ёки ўқитувчи, ё бирор бир нотаниш кишими уларни камситмасдан ўзи билан тенг кўриб, маданият нуқтаи назардан самимий сұхбатлашарди. Агар кимлардир у кишидан ёрдам ёки қўмак сўраб келсалар, домла уларга, албатта, қўлидан келгунча кўмаклашиб, тўғри йўл кўрсатиб, бу борадаги ўзининг самимий маслаҳатини берарди. Устоз билан сұхбатлашган ҳар қандай киши домланинг ҳассослиги ҳамда маданиятлилигига тан бермасдан иложи йўқ экди. Мен неча бор устоз билан сұхбатлашган бўлсан, у кишининг ҳар доим ҳаётдан рози, хурсанд бўлиб юрганлигининг гувоҳи бўлганман. Шундай экан, домла ҳаётда баҳтли инсон экди, шу сабабли ҳам у киши ўзини ҳар доим баҳтли ҳамда мағур тутарди, келажакка ишонарди. Шунинг учун бўлса керакки, юзларидан табассум ҳеч қачон аrimасди ва ҳар қандай киши билан чин дилдан, уни ўзларига яқин олиб, сұхбатлаша олардилар. Шунга яраша устозда салобат ҳам бор экди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида Исомиддин акага берилган барча ижобий баҳолар у кишининг ҳақиқий инсон, олим, шунингдек, энг яхши оила бошлиғи ва ота бўлганлигидан далолат беради. У кишининг барча фарзандлари олий маълумотли бўлиб, ҳозирги кунда кўпгина жабҳаларда меҳнат килиб, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар билан сұхбатлашсангиз, уларнинг самимий ва хушмуомалалигидан улар Исомиддин аканинг фарзандлари ҳамда у кишининг тарбиясини олганликларини гувоҳи бўласиз.

Шу билан биргаликда шахсан мен устоз Исомиддин акани ҳаётда идеал, мукаммал ҳамда закий инсон бўлганлиги сифатидаги шахсини тан оламан ва ҳар доим у кишини худди шундай хотирлайман. **Устоз билан бир даргоҳда ишлаганимдан ва у киши билан ҳамюрт бўлганимдан фахрланаман, Аллоҳ устознинг охиратини обод қилсин!**

“СИЗГА БИР ЧОЙ БЕРИШИМ КЕРАК-ДА”

*Шоира Дониярова,
ЖДПИ Ўзбек адабиётини ўқитиши
методикаси кафедраси мудири,
филология фанлари доктори, проф.в.б*

*Тилинг бирла кўнглингни бир тут.
(A.Навоий)*

Ҳақиқатдан ҳам Исомиддин Икромов тили билан кўнгли бир самимий инсон эди. Халқимизда бир кўрган билиш, икки кўрган таниш, уч кўрган қариндош деган гап бежизга айтилмайди. Чунки, инсон ўз фаолияти давомида қанча таниш-билишлар, қадрдонлар, опа-ука-ю, ака-сингиллар орттиради.

Мен ҳам ўз фаолиятим жараёнида шундай қадрдонларга эга бўлдим. Улар менга елкадош, сирдош, кўмакдош бўлдилар.

Самарқанд давлат педагогика институтида лаборант бўлиб ишлаб юрганимда “Ўзбек адабиёти” кафедраси профессор-ўқитувчилари билан яқиндан танишдим. Жумладан, Хотам Умуроев, Ҳакима Ҳасанова, Абдураим Солиев, Маҳкамой Турсунова, Инотулло Сувонқулов, Исомиддин Икромов каби устозлар менга кафедранинг бир лобаранти эмас, яқин сингилларидек ёрдам берганлар. У вақтларда барча ишлар ёзув машинкасида қилинар, бир ҳарф нотўғри кетиб қолса, қофоз бошқатдан ёзилар эди. Юқорида тилга олинган инсонлар тинимсиз мақола ва рисолалар ёзишарди. Бир куни чарчадим, шекилли шу ишдан бўшайман деб қолдим. Шунда Исомиддин Икромов кулиб, бу йўлни барчалари поғонама-поғона босиб ўтганларини таъкидлади.

–Агар чарчаган бўлсангиз, иккинчи зинага чиқинг, аспирантурага кириш керак, –дедилар.

Мен ўйланиб қолдим, лекин С.Айний номидаги педагогика институти тугатилиб, институт ходимлари турли томонга тарқалиб кетишиди. Мени Хотам Умуроев СамДУга олиб келди. Ўшанда Исомиддин Икромов Жиззахга келган эканлар.

Орадан йиллар ўтиб 2012 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Ўзбек тили ва адабиёти институтида илмий ходим бўлиб ишлаб юрган йилларим эди. Мен 2012 йилнинг 13 июнь куни Исомиддин Икромовни яна учратдим. Шу куни соат 14:00 да мени докторлик диссертациямни ҳимоя қилишим керак. Шу куни соат 10:00 да Исомиддин Икромовнинг Шаҳлохон қизларини номзодлик ишини муҳокамаси бўлиб ўтди.

Мен Исомиддин акани кўриб хурсанд бўлиб кўришдим. Чунки биз таниш эдик-да. Самарқанд эсимга тушди. У киши нимагадир маҳзун эдилар. Сўрашга ҳижолат бўлдим.

–Домла чарчадингизми?

–Ҳа бироз.

–Негадир шаштингиз паст.

–Бу мени қизим Шаҳло, буниси онаси, -деб икки аёлни таништирдилар.

Шоирахон сиз шу ерда ишилайсиз. Қизимни ишини муҳокамага олиб келган эдик. Бугун муҳокамадан ўтказишмади, – дедилар негадир чукур хўрсиниб.

–Яхии, ўзи кўп ишлар қайта-қайта муҳокама қилинади. Энг муҳими қизингиз охирги нуқтани қўйиб ишини жамоатчилик олдига олиб чиқибдилар. Шуни ўзи катта гап. Айтилган фикрларни бир ўйлаб кўрингизлар, маъқулини оласиз, тўғрилайсиз. Маъқул бўлмаган фикрни қолдирасиз,-дедим оддийгина қилиб. Балки менинг бу гапларим, хайриҳоҳликдир, балки бу домлага оғир ботгандир. Лекин бу холат биз учун оддий ҳолат эди. Баъзи ишлар биринчисидан бутунлай ўзгариб кетади. Бу даргоҳ диссертантни обдан пишитади, илмий қарашларини шакллантиради. Бошида бироз ранжиганлар, кейинчалик раҳмат айтиб кетади. Фақат ҳаракатдан тўхтамаслик керак. Мен уларга мана шу жараённи айтдим ва ўзимни бугун докторлик диссертациямни ҳимоя қилаётганлигим учун уларни ҳимоя кенгашига ва ҳимоядан кейинги байрам дастурхонига чин дилдан таклиф қилдим. Домла мени чин дилдан табриклидилар ва бироз ўйланиб турдиларда “кўрамиз, кўрамиз”,-дедилар.

(Аллоҳ инояти билан бугунда қизлари Шаҳло филология бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, жамиятда ўз сўзига, ўз ўрнига эга. Қолаверса, яқин кунларда, худо насиб этса докторлик диссертациясини ёқлаш арафасида. Назаримда бугунда Исомиддин Икромовнинг руҳлари шод, чунки қизлари уларнинг изларидан бориб, ота касбини мардона давом эттириб, илм чўққисига поғона поғона кўтарилиб бормоқда).

Мен яна бир бор таклиф қилиб кетдим. Энди юқорига чиқмоқчи эдим. Лифтда М.Жўраев ва М. Отажоновани кўрдим. Улар тушлиқ қилдингизми деб сўрашди. Тушлик қилмаганлигимни билиб ошхонага таклиф килишди. Кирсак, домла, хотини ва қизи билан тушлик қилиб ўтирган эканлар. Мени кўриб бирдан соатларига қарадилар. Негадир ноқулай бўлиб, “келинг” деб давраларига таклиф қилдилар. Мен эса ўз шерикларим билан бирга шошиб овқатландим. Уларга “пулини тўлаб қўярсизлар” деб тепага чиқиб кетдим.

Исомиддин Икромов домла кулиб, “Шоира синглим, мен вақт бўлиб қолгани учун”, –дедилар яна хижолат бўлиб. Мен билдимки, домла тушликка таклиф қилмаганликлари учун ўзларини ноқулай сездилар. Менимча шу ноқулайлик билан ҳимоя йиғилишига ҳам, байрам дастурхонига ҳам келмадилар.

Тўғри ҳимояга барча кенгаш аъзолари йиғилган, фақат мен йўқ эканман. Мени кўриб раҳматли Тўра Мирзаев ана диссертант ҳам келди. Ўн беши минутлик кечикишини ўзини нутқини қисқа қилиб тўғрилайди, – дедилар кулиб. Шунда билдимки, Исомиддин Икромов домла мен ҳимояга кечикаётганлигимни, кенгаш аъзолари қутиб қолишганлигини ўйлаб соатларига қараб турган эканлар. Ёзувчи Ў.Хошимов, Омон Мухтор, Муҳаммад Али менга далда бўлиш учун шу ерда эканлар. Уларни кўриб янада кайфиятим қўтарилиб кетди. Шу сабабми, кечикиб келган бўлсамда ҳимоя кўтаринки руҳда ўтди.

Исомиддин Икромовни ўзига талабчанлиги, масъулиятли эканлигини дарсга кириш учун икки, уч минут олдин аудитория эшигини олдига бориб туришида ҳам кўп кўргандим. Соатига қараб қўйиши ҳам мана шу масъулиятни бир кўриниши экан. Қолаверса, Шахлонинг ишини тавсия қилинмаганлиги ҳам домлага қаттиқ

таъсир қилган бўлса керак. Нега деганда “ўзларича хом ишини шундай катта даргоҳга кўтариб келибман” деган андишага борганлар, деб ўйлайман. Чунки, қалбан, маънан андишали инсон учун ҳар бир нарса аҳамиятли бўлади.

Орадан йиллар ўтиб мен Жиззах давлат педагогика институтига ишга келдим. Филология фанлари бўйича доктор бўлсамда, “Бошлангич таълим назарияси” кафедрасида ишладим. Бу ерда кўпчилик филологларни танийман. Айниқса, Исомиддин Икромовни яна кўрганимда нимагадир, эски қадрдонимни, яқин қариндошимни кўргандек бўлдим. Институт ховлисида учрашиб қолдик. У киши мени секин четга тортдилар ва “ҳозир мен мудир эмасман. Агар бўлганимда сиздек докторни ишга олардим” дедилар менга таниш андиша билан.

—*Майли, домла у ер ҳам яхши. Қолаверса мудирларингиз бироз вақт ўтсин, ҳозир имкони йўқ, имкони бўлиши билан сизни кафедрага ишга оламан дедилар, — дедим.*

—*Ҳа шундай, фақат... — дедиларда ниманидир ўйлаб сукут сақлашни маъқул кўрдилар.*

Оилалари, қизларининг ишлари, ўғилларининг ўқиши ҳақида узоқдан-узоқ гапирдилар. Домлага қулоқ солиб турарканман, бир ўзбекнинг оиласпарвар отасини кўриб тургандим. У киши мени уйларига меҳмонга таклиф қилдилар. *Гулбаҳор опангиз хурсанд бўлади, Самарқандни эслаймиз-дедилар.* Мен ваъда бердим. Лекин, бора олмадим.

Институтда домлани кўп кўрдим. Ўша-ӯша оқ кўйлақ, чаккаларидаги оқарган соchlари улуғворлик кашф этган. Сермулоҳазали, андишали, ниманидир ўйлаб, сиқилиб юргандек тушкун эдилар. Бир вақтлар тик қоматли, саранжом-саришта кийинишни жойига кўйган, ўзига ишонган, салобатли инсон эканликлари эсимга тушди. Балки, бу ерда ҳам узоқ йиллар шундай бўлгандир. Энди нимадандир қийналган, нимадандир дили оғриган, қандайдир дардан тани азобланган, тушкун кайфият хукмронлик қиласиди. Чунки, биламанки домла бошқа баъзи инсонлардек жаҳл билан бақир-чақир қилиб ичидагини чиқариб, кимгадир захрини сочиб ёки кимларнингдир ота-бобосини эслаб ҳақоратлаш одатлари йўқ эди. Сокин, дардини ҳам, ғамни ҳам ичга ютадиган инсон бўлгандлари учун кайфиятларидан билиш мумкин эди.

Исомиддин Икромов ҳақида гап кетса, у кишини охирги марта кўрганим ёдимга келади.

“Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси” кафедраси севимли шоирамиз Зулфия таваллуди муносабати билан каттагина тадбир қилди. Мен ҳам шу тадбирда меҳмон сифатида иштироқ этдим. Илмий тадбирнинг назарий қисмидан сўнг меҳмонларга бир пиёла чой учун дастурхон ҳам тайёрлашган экан. Мени ҳам шу дастурхонга таклиф этишди. Исомиддин Икромовнинг турмуш ўртоқлари Гулбаҳор опа ҳам домла билан бирга келган эканлар. Исомиддин ака мени қўриб қадрдонини кўргандек хурсанд бўлиб кетдилар. У киши билан кўришиб бетоб эканликларини дарҳол сездим. Чунки, рухлари чўккан, ўзларини дадил кўрсатишга ҳаракат қиласиди, тез-тез, чуқур-чуқур нафас олиб, тўхтаб-тўхтаб гапирдилар.

—*Шоирахон синглим, сизга бир чой беришим керак эди. Ҳеч имконини қила олмадим. Бир ўтирасак бўларди, — дедилар даврадошларни номини санаб.*

—Майли домла бир вақти келгандың үтиармиз. Ҳеч хижолат бўлманг, —дедим.

—Йўқ, сизга бир чой бериш им керак. Уят бўлиб кетди. Ахир сиз мени қадрдан сингилларимдан бирисиз. Жиззахга келдингиз. Мана яна бирга ишилаймиз, —дедилар.

—Насиб бўлса, насибам шу ерларга ҳам сочилган экан, —дедим домлани юпатган бўлиб.

—Ҳа, шундай... Бир куни ўзим айтаман бирор жойда үтириб гаплашамиз. Самарқандни эслашамиз, — дедилар. Мен бу гапни келганимдан буён эшитаман. Ҳар кўрганда чойга таклиф қиласидар. “Сизга бир чой бериш им керак, уят бўлиб кетди” дейдилар.

Мен зиёфатдан сўнг машинамда Исомиддин ака ва Гулбаҳор опани уйларига ташлаб қўйдим. Домла ҳамишадаги ўзлари ёқтирган гапларини яна қайтардилар.

-Шоирахон, мен баҳтиман, биласизми, янгангиз иккаламиз севишиб турмуши қурғанмиз. Умр йўлдоши танлашида адашмаганман. Биз бир чиройли, инок, бир-бири мизни авайлаб, асраб яшайпмиз. Севишиб уйлансанг яхши бўларканда, —дедилар ўз баҳтларидан масрур бўлиб. Ёшликларида тикилгандек, яна Гулбаҳор опага тикилиб қолдилар. Гулбаҳор опа сочилиб кулдилар.

—Дадаси мени баҳтимга доим сог бўлинг, —дедилар кулиб, сўнг домлага ўйчан боқдилар.

—Сизни ташлаб кетадиган одам йўқ. Ҳали бирга қўп яшаймиз. Ҳаётдаги энг катта танловим сизни танлаганим, —деди домла, мени ҳам унугиб, биринчи учрашувга чиқсан ёш йигитлардек ҳаяжонланганлари яққол сезилиб турарди.

Шу топда Гулбаҳор опа ҳам 18 ёшли қизалоқقا айланган, икки яноғи қизариб, кулар, уялиб менга боқарди. Мен эса икки ошиқ сухбатини бехосдан тинглаб қолган одамдек, уларга ҳайрат билан боқардим. Шу ўринда қуйидаги сатрлар ёдимга келди: “Ёшлик кишига фақат бир марта берилади, ҳар бир одам ёшилигига бошқа ёшдагига нисбатан барча юксак ва порлоқ нарсаларга яқинроқ бўлади. Қариган чогида ҳам қалб меҳри ва ҳароратини сўндиримай, ёшилигини саклаб қолган одам баҳтиёрдир”. Ҳа, улар чиндан ҳам баҳтли эдилар шу тобда. Домлани чалғитиб қўймаслик ва жонини оғритмаслик учун йўл териб машинани секин ҳайдардим.

Дарвоза олдида тўхтаб домлани машинадан тушишини кутдим. Гулбаҳор опа аллақачон тушган. Майин табассум билан домлани кутарди. Исомиддин ака эса тушишга шошмас, мени уйга киришга ундарди.

—Домла бошқа бир куни келаман, —дедим ишонч билан.

—Келинг, уйга киринг, мен сизни ўзи бир меҳмон қилишим керак. Жиззахга келганингиздан буён бир меҳмон қила олмадим. Сизга бир чой бериш им керак, —дедилар.

Мен уйларига меҳмонга келиб бир чой ичишга вайда бериб, уйга қайтдим. Кўп ўтмай Исомиддин Икромов бу дунёни тарк этганлиги ҳақидаги хабарни эшитдим. Исомиддин Икромовнинг уйига яқин борар эканман, ўша кундаги воқеалар, сўнгги сухбат кўз олдимда жонланди. Беихтиёр кўзларимдан ёш қалқиди. Сафдошларимиз билан Гулбаҳор опага учрашганимизда у кишининг изтиробини кўриб, бир қанотидан айрилган ярадор қушга рўбару келгандек бўлдим. У киши

турмуш ўртоғининг хислатларини айтиб-айтиб йиглар экан, домлани “*биз севишиб турмуши қурғанмиз*” дейишлари ёдимга тушди. Мен уларнинг уйида домланинг меҳмони бўлдим. Фақат ўзлари йўқ эди. Умр шундай бевафо бўлади-да.

Исомиддин Икромов нафақат таълим тарбия соҳасида, балки, олим сифатида ҳам ўз ўрнига эга эди. У киши ҳамиша ўз касбига юқори профессионал нуқтаи назардан ёндашадиган устоз эдилар. Инсон сифатида эса қўпчилик билан муроса қила оладиган, бағрикенг, фидойи, очиқкўнгил ва қўли очиқ шахс сифатида қўпчиликка ўрнак бўла олардилар. Ота сифатида меҳрибон, ёр сифатида севимли, бобо сифатида ардоқли инсон эдилар. У киши Орифжон Икромов, Ботирхон Валихўжаев, Исомиддин Салоҳий, Муслиҳиддин Мухиддинов, Хотам Умуроев, Инотулла Сувонқулов, Ҳакима Ҳасанова каби таниқли устозларнинг илмий-адабий ва таълим-тарбия мактабини кўрган издош олим эдилар. Исомиддин Икромовнинг порлоқ хотираси ҳамиша қалбимизда қолади. **У кишининг жойлари жаннатда, охиротлари обод бўлсин!**

ЭСЛАБ, ЭСЛАБ...

*Мардонқул Турсунпўлатов,
ЖДПИ доценти,
филология фанлари номзоди*

*Олимлар бўлмаганида, инсонлар чорва моллари каби бўлиб қолардилар.
(Ҳасан Басрий)*

1971 йилнинг октябр ойи, пахта мавсуми авж палласи. Мен худонинг инояти билан С.Айний номидаги Самарқанд давлат институтига ишга бориб қолдим. Ҳамма пахтада бўлганлиги учун мени янгилигимга қарамасдан IV курсларга юборишиди. А.Солиев, Исомиддин Салоҳиддинов (Салоҳий), Т.Очиловлар раҳбарлик қилишар экан бу курсдагиларга. Улар мени очиқ чехра билан қабул қилишди.

Ким эканлигимни, қаерларда ишлаганимни билиб олишгандан кейин: “яна биттага кўпайдик, ишимиз янада осонлашади”, – дейишди.

Орада бир икки кун ўтгач қорачадан келган истараси иссиқ, ўрта бўйли, кулиб туриши ўзига ярашган салом бериб кириб келди. Салоҳий домла бизни таништириди. “- *Бу йигит IV курсда ўқииди, дипломат. Ҳозирда бизни озиқ-овқат билан таъминловчи. Ёшлилар тили билан айтганда “Катта”. Бу киши ўқитувчи Бозорвой Ўринбоевнинг кафедрасига ишга келган.* Шу билан танишув тугади ҳар ким ўз иши билан банд. Эрталабки “Подъём” Салоҳий домла бўйнида. Қолган кунлик ишлар бошқалар бўйнида. Пахтада гуруҳларнинг кунлик нормаси бор. Кечки пайт “Штаб”га кунлик норма ҳақида ахборот берилди. Нормани бажармаган гуруҳ, гуруҳ раҳбари институт раҳбарияти томонидан “жазо”ланди.

Қанчалик қийин бўлмасин “Пахта компанияси” яхши якунланди, “завхоз бола” бизга яхши қаради. Берилган вақтинчалик чоралар ҳам пахта компанияси билан бирга тугади. 1974 йил Жizzах вилоятида янги институт ташкил этилиши

муносабати билан (Бозорвой Ўринбоев ректор этиб тайинланган) бир гурух ўқитувчилар билан мен ҳам ишга келдим.

Орадан йиллар ўтди. Бир куни факультет декани чақириб қолди. Хонага кирдим, не кўз билан кўрайки, хуш табиатли, жилмайиб турадиган завхоз йигит жилмайиб менга пешвоз келди. Биз қадрдонларча кўришиб, сўрашдик. Декан ҳайрон бўлиб: –*Сизлар илгаридан таниши мисизлар, дейман, –деди.* Бу киши фан номзоди эканлар, бизга ишга келмоқчи эканлар.

–*Фан номзоди эканлар, инсон сифатида ҳам яхши йигит, ишига келсалар фойдадан холи бўлмайди, –дедим.* Исомиддин Икромов билан кўп йиллар бирга ишладик. Факультетда декан ўринбосари бўлиб ишлади. Ҳеч кимни хафа қилмади, ўша юриш, ўша жилмайиб туриш.

Кафедра мудири бўлиб ишлаган пайтлар ҳам шу. Август ойи охирларида деканат кафедра мудирларини чақириб дарс соатларини тақсимотини кўрар эди.

–*Исомиддин ака сизда дарс соатлари тақсимотида камчилик йўқми? – дея декан сўради.*

–*Камчилик йўғов, “плюс” “минуси” билан теппа-тенг –дея кулар эди.*

–*Шундай денг, –дея декан бир бора кўздан кечирар эди. Бу кўздан кечириш ҳамма мудирларга ҳам тегишли эди.*

Байрамларда, ўтиришларда қизиқ-қизиқ ҳангомалар айтиб ҳаммани кулдирав эди.

Исомиддин кексалар тили билан айтганда “Чин дунё”га кетди. Ундан ақли расо фарзандлар, “плюс-минус билан” деган ибора, ширин сўзлари, эслашга арзийдиган ҳангомалари қолди. **Жойларингиз жаннатдан бўлсин, дўстим!** Дўстларимиз сизни “**Ширин йигит**” деб эслашади. Ҳар кимни ҳам “Ширин йигит” деб эслаш насиб этсин. Сиз “**Ширин йигит**” эдингиз...

ИЛМ ВА МАЪРИФАТДА ОБРЎ ТОПГАН ОЛИМ

*Рашид Холмуродов,
ЖДПИ доценти,
тарих фанлари номзоди,*

...фақиҳларга ва олимларга эргаши, улардан илм ўрган ва одобларидан олгин, чунки бу менга кўп ҳадисдан маҳбуброқ.

(Ҳабиб ибн Шаҳид)

Дунёда шундай инсонлар бўладики, бундай кишилар инсоннинг энг юксак фазилати – фидокорона меҳнатини чинаккам ҳаёт мазмунига айлантироқ деб билганлар. Шу орқали эл орасида обру-эътибор топганлар. Шундай инсонлардан бири Исомиддин Икромов эди.

Бу инсон етук олим сифатида самарали изланишлар олиб бориб, таълимтарбия соҳасида муҳим ютуқларга эришди. Ёш шогирдларга нисбатан илм ва тарбия бериш мақсадида юзлаб шогирдларни ўз фарзандидек кўрган мураббий

устоз сидқи дилдан меҳнат қилгани, ўз жамоаа ўртасида, талабалар орасида, ҳамкасларининг иззат эҳтиромига чексиз сазовор бўлган инсон эди.

Ўқитувчи шахси шундай бир олижаноб шахски, у доимий равишда тинмай ижод қилиб, ўз устида олиб борадиган изланишларини ўқувчи ёшларга етказиб бериши лозим. Изланишлардан тўпланган маълумотлар базасини амалиётга татбиқ қилиш ҳам таълим ва тарбия самарадорлигини таъминлайди. Шу жиҳатдан ҳам Исомиддин Икромов ўзининг ўқитиши тажрибасининг бойлиги билан талабаларни илмга қизиқтира олиши билан бир қаторда, унинг сўзлаш санъати, нотиклик маданияти ҳам юксак даражада эди. Албатта, бундай маҳоратли устоз талабаларга ёқимлидир. Ёқимли инсон билан сухбатлашгинг келади, баҳс-мунозара юритгинг келади.

Мен Исомиддин Икромов билан 1994 йили танишдим. У киши 1973 йили Садриддин Айний номидаги Самарқад давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини имтиёзли диплом билан тугатган экан. 1988 йилда “Ҳозирги ўзбек адабиёти танқидида лирика масалалари” бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, 1994 йилгача шу олийгоҳда ишлаб, шу йили Жиззах давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультети адабиёт кафедрасига ишга келди. У киши билан бир катта жамоада ишлай бошладик ва жуда яқинлашиб кетдик.

Бунинг боиси мен шу факультетда Исомиддин Икромов ишга келгунча, анча йиллар деканлик вазифасини бажариб, факультет жамоаси билан узвий боғланиб кетган эдим. Ана шу жамоада Исомиддин Икромов билан ҳам дўстлик ришталари боғланган эди.

Исомиддин Икромов етук салоҳиятли адабиётшунос олим эди. Унда инсонларга хос, айниқса мураббийларга хос фазилатлар, камтарлик, кечиримлилик, диёнатлилик, дўстларга садоқатлилик ва эътиборлилик, ҳамкасларга меҳрибонлик, самимийлик ва саховатлилик, тўғри сўзлик ва имонли етуклик, ҳаётда елкадошлиқ ва ҳамфирлилик, илмий соҳада шогирдларига нисбатан талабчанлик Исомиддин Икромовда мужассам эди.

Доцент Исомиддин Икромов кўп йиллар ўзбек тили ва адабиёти факультети ўзбек адабиёти кафедрасида мудирлик лавозимида ишлади. Иш жараёнида таълим ва тарбия соҳасини ривожлантиришга, кафедрани илмий салоҳиятини қўтаришга ҳаракат қилди. Унинг “Студентларни илмий-тадқиқот ишларига ўргатиш” (1979), “Ҳозирги ўзбек адабиёти танқиди” (1982), “Янги педагогик технология (2007) каби услубий қўлланмалари ва 100 га яқин мақолалари чоп этилган.

Исомиддин Икромовни факультетда, айниқса, кафедра аъзолари у кишининг раҳбарлик фаолиятини, одамгарчилик хислатларини фаҳр билан эслашади.

Қаерда илм-фан, зиё қадрланса, ўша жойда саводсизлик чекинади. Ўша жойда ўсиш ва ривожланиш бўлади деб, Исомиддин Икромов кўп такрорлар ва унга ўзи амал қиласар эди. Исомиддин Икромов бутун куч ва шижаоти билан талабаларни илмли қилишга ҳаракат қиласар эди.

“Мантиқ ут-тайр” асарида “*кимки илм-маърифат оламида завқланиб маст бўлса, жаҳондаги барча хислатларга султон каби мартабаси улуғ бўлади*”

дейилган. Дарҳақиқат, доцент Исомиддин Икромов домла ҳам ана шундай илм-маърифат оламида ижод қилган забардаст олим эди.

Инсондаги барча яхши хислатларни бир оғиз сўз билан ифодалаш мумкинми? “Ҳа бағрикенглик”, –деган экан бир донишманд. Ана шу бағрикенгликнинг белгиларини Исомиддинда ҳис этган эдим.

Инсон эзгулик билан яшаса, унинг ҳаёти ҳикматга бой, ўзи эса атрофдагилар учун ибрат тимсолига айланиб борар экан. Бундай ибратли кишилар жамиятда қанчалик кўп бўлса, ҳаёт мазмуни эзгулик ва бунёдкорлик билан бойиб, маънавий ҳаёт шунчалик ривож топиб, ҳаракатланиб бораверар экан.

Моҳир педагог Исомиддин Икромовнинг ибратли ишлари, педагогик соҳасидаги ютуқ ва тажрибалари, ажойиб фазилатлари ҳамкаслари, дўстлари, шогирдлари хотирасида абадий сақланиб қолади.

РИСОЛАДАГИ ИНСОН, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШ, У МЕҲРИДАРЁ ИНСОН ЭДИ

*Аббос Турсунқулов,
ЖДПИ доценти,
филология фанлари номзоди*

*Айтмоқ керак назаркарда эрларни,
Вақтинда гуркираб ўтган шерларни.
(Эргаш Жуманбул ўғли)*

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар жамоада лидерликка даво қилмайди, ҳаёт маромини тубдан ўзгартиришни қўп ҳам ўйлайвермайди, бу ҳаётда жамият ўзагига таяниб, тинч, сокин ҳаёт кечиришни ўз мақсади деб билади. Аслида ҳам дабдабали шиорлар-у чақириқларни ўзлари учун ниқоб қилиб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам шиддаткор ҳаёт оқимидан чалғитиб юрувчи бундай лидерлар-у “доҳийча”ларнинг эмас, жамият тараққиётига, юрт осойишталигига, халқ фаровонлигига ана шундай сокин инсонларнинг фойдаси кўпроқ тегади. Мен учун азиз ва мўътабар инсон бўлган ҳамкасбим, ҳам акам, ҳам узоқ йиллик қадрдоним Исомиддин ака Икромов шундай катта ҳарфлар билан ёзиладиган ИНСОН эди.

Мен Исомиддин ака билан ўтган асрнинг 70 йилларида Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетига ўқишига кирган йилларимда танишган эдим. Ўрта бўйли, қораҷадан келган, истараликкина бу йигит факультет талabalарини пахта-йифим теримда озиқ-овқат билан таъминловчи омборда ишларди. Ҳали бир-биримиз билан яқиндан танишишга улгурмасидан пахта теримига жалб этилган курсдошларнинг бошини бириктириш талabalik ҳаётига (Шўролар даврида пахта йифим-терими жиддий компания ҳисобланиб, унда қатнашишдан бўйин товлаган ёки тартиб интизомни бузганлар талabalар сафида чиқаришгача бўлган жазо қўлланиларди) кўниктириш, тартиб интизомга қатъий риоя қилиш зарурлигини ўргатиш штаб бошлиғи, ўзбек адабиёти кафедраси мудири адабиётшунос олим, профессор Хотам Умуревнинг топшириғи билан Исомиддин

акага юклатилди. Биздан икки курс юқорида ўқийдиган бу йигит ўзининг одамгарчилиги, камтарлиги туфайли барчамизнинг ҳурматимизни қозониб тезда ака-ука бўлиб кетдик.

Исомиддин аканинг ўзидан ёшларга нисбатан ғамхўрлигини, меҳрибонлигини ўша йиллардаёқ сезгандик. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Юқори курс талабаларининг атайин уюштирилганми ёки ошпазларнинг эътиборсизлигими, хуллас, биринчи курс ўғил болаларига кечки овқат етмай қолди. 3-4 талаба учун бу бир баҳона бўлди-ю, юқори курс талабаларининг зуғумидан безор бўлиб биз штабга бордик. Штаб эшиги олдида бизнинг вожатимизни кўрган Исомиддин ака ҳаммамизни штабдан узоқлаштириб нима гаплигини сўради. Биз бўлган воқеаларни у кишига айтиб бердик. Шунда Исомиддин ака бизларни шаштимиздан тушириб, ҳар икки талабага бир банкадан дудлатилган мол гўштили консерва бериб, эртадан бошлаб алоҳида отряд бўлиб пахта теримиға чиқишимизни, бу масалани штабдагилар келишиб қўйганлигини айтди. Кейинроқ билсак, Исомиддин ака барча воқеалардан хабардор бўлиб, рўй бериши муқаррар бўлган катта жанжалнинг олдини олган экан.

Аслида юқори курсдаги айрим безори талабалар бизларнинг жанжал кўтартганимиздан фойдаланиб, домлаларга бизларни ёмон кўрсатиб ўзларини оқламоқчи ва бу вазиятдан фойдаланиб биринчи курс талабаларини “тарбияламоқчи” бўлган экан. Биз фақатгина Исомиддин аканинг узоқни кўра билган дипломатик тактикаси туфайли калтакланишдан қутилиб қолдик.

Факультетда Исомиддин ака курсдоши А.Холмуродов (ҳозир Навоий давлат педагогика институти профессори, филология фанлари доктори) билан “Ёш адабиётшунос” тўгарагини олиб борарди. Тўгаракда талабалар билан бир қаторда Хотам Умиров, Исомиддин Салоҳиддинов, Муслиҳиддин Мухиддинов, Телман Раҳматов, Лола Абдуллаева, Иноятулла Сувонкулов каби профессор-ўқитувчилар ҳам иштирок этар, қизғин баҳс мунозара билан ўтарди. Одил Ёқубовнинг ўша йиллар чоп этилган “Улуғбек хазинаси” романи ана шундай баҳс-мунозалар билан ўтганини эслайман. Ўзбек психологик романчилигининг етук намунаси бўлган бу роман муҳокамасида Исомиддин ака фаол қатнашди.

Назаримда, Исомиддин аканинг илмий ишларида, мақолаларида психологизм муаммосининг бот-бот кўтарилиб туриши бежизга эмас. Домла бу соҳанинг чуқур билимдони, амалиётчисидир. У киши билан ҳамсуҳбат бўлган киши буни дарров англайди. Суҳбатдошининг ички руҳий ҳолатини чуқур англаш ва шунга яраша муносабатда бўлишини Исомиддин аканинг бош инсоний фазилати деб биламан.

Йиллар ўтиб биз яна тақдир тақозоси билан бир кафедрада ишлай бошладик. Ўртамиздаги яқинлик, ака укалик, самимий муносабат давом этди. Ўғилларини уйлантириди, қиз чиқарди, доимо хурсандчилигига шерик бўлдик. Лекин менда бир қусур бор. Қизишиб кетиб, баъзан ўзимни тўхтатолмай ноўрин гапларни ҳам айтиб юбораман. Айниқса, ҳалиги, отинг ўчгурдан озгина олиб қўйсам ўзимни босолмай қоламан. Эртасига ўзим минг бир хижолат билан узр сўраш учун олдиларига кирганимда, эрталабки қовоқ солишлари йўқолиб, акаларча насиҳат қилишга ўтарди. Насиҳат қилганда ҳам шундай мулойим оҳангда, киши нафсониятига ҳеч ҳам тегмай, оғаларча беғуборлик билан тенгдошидек сўзларди-ки, шундай қалби

пок, ҳар қандай ғараз-у, манманликлардан ҳоли, дилкаш сұхбатдош билан ишлаётганligимдан ғуурланиб кетардим.

Исомиддин акани фақат талабаларгина әмас, факультетимиз домлалари ҳам ҳурмат қиласынан берген. Орада ярим аср үтгандың бүлса ҳам адабиёт тарихининг етук билимдени, доцент, иқтидорлы шоир Исомиддин Салохиддиновнинг жойлары жаңнаты бүлсін домлага берган юксак баһолари әсімдан чиққан әмас: “*Бұйигитнинг* (гап Исомиддин ака ҳақида)” *палағи тоза. Исми ҳам* (адаш эканлигига ишора), *фамилияси ҳам* (мархұм атоқли олим, давлат ва жамоат арбоби, ҳассос шоир Орифжон Икромовга ишора) *улуглардек. Үзи ҳам келажакда улуглар үйліни давом эттиради*”. Домланинг башоратлари амалга ошди. Исомиддин улуғ инсонларнинг давомчысы бўлиб қолди.



ИСОМИДДИН ИКРОМОВ ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА





ИСОМИДДИН ИКРОМОВ ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА



ИСОМИДДИН ИКРОМОВ ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРИСИДА





ИСОМИДДИН ИКРОМОВНИ ЭСЛАБ...

*Абдували Мусаев,
ЖДПИ Ўзбек тилини ўқитиши методикаси
кафедраси мудири,
филология фанлари номзоди доцент*

*Нимаики яхши бўлса ҳурматга сазовордир, ҳурматга сазовор нарса ҳар доим
яхшиидир.*

(Цицерон)

Исомиддин Икромов домлани мен 1994-йилдан таниганман. Ўзбек адабиёти кафедрасида ишлаб юрганда сухбатлашиб, Исомиддин aka ҳақида кўп нарсани билиб олдим. Кунларнинг бирида Исомиддин aka билан сухбатда “Абдуллаев Тоштўлат билан ўқиганмиз” деб ўзи айтиб қолди. Кейин мен “агар сиз Тоштўлат aka билан бирга ўқиган бўлсангиз менинг катта акамни яхши танийсиз” дедим.

—Акангиз ким – деди?

—Акам Сулаймонов Раббим, – дедим.

—Раббим aka билан бир гуруҳда бирга ўқиганман, ўша гуруҳда сардор бўлганман, —Исомиддин aka.

Ўшандан бери Исомиддин aka билан яқиндан танишдик. Жиззахда туғилган экан, Самарқанд шаҳрида Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида Ўзбек тили ва адабиёти факултетини аъло баҳолар билан

тугаллаган. Шу институтнинг ўзбек адабиёти кафедрасида ишлаган, 1988-йилдан илмий мавзу олиб “Хозирги ўзбек адабий танқидида лирика масалалари” мавзусида диссертация ҳимоя қилган. Жиззахда ўзбек тили ва адабиёти факултетида ишни ўзбек адабиёти кафедрасида бошлади. Факултетда ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари бўлиб ишлади. Исомиддин ака мен билган анча ўзига пишиқ одам эди. Жуда эҳтиёткор одам сифатида биламан. Тартиб интизомни анча яхши кўрадиган, ёшлар учун масалаҳатларини аямайдиган инсон сифатида ўз ҳурматига сазовор бўлган инсон. Институтдаги, факултетдаги тадбирларга қатнашганда сўз берилса, иложи борича чиройли гапиришга, асосли гапиришга ҳаракат қиласр эди. Чойхоналарда яхши улфат, инсон сифатида ёшлар даврадошлар кўнглида яхши фикрлар қолдирган.

Исомиддин Икромов Самарқанд шаҳрида яхши мактаб ўтагани билиниб турар эди. Самарқанд давлат педагогика институтидаги олимларни ҳаммасини яхши танир, улар ҳақида, илмий изланишлари ҳақида, жуда кўп китобларига яхши фикрлари бор.

Мен ўзбек тили ва адабиёти факультетига декан бўлиб ишлаган (2007-2013) йилларим Исомиддин ака Ўзбек адабиёти кафедрасида Мудир бўлиб ишлади. Иш жараёнида режали ишлашни яхши кўрар эди. Кафедра режаларини юқори ташкилотлардан келган хатлар ва буйруқлар ижросини биринчилардан бўлиб ҳаракат қиласрди.

Хуллас, мен билган ва бирга ишлаган филология фанлари номзоди, доцент Исомиддин Икромов одил инсон, оилада яхши ота, турмушда садоқатли ўртоқ, илмий ишларда талабчан устоз, тўғри йўл кўрсатувчи шахс эди.

МЕҲРИДАРЁ УСТОЗ

*Гулчехра И момова,
Карши ДУ доценти,
филология фанлари номзоди*

Хотираси ўзи севган одамлар қалбида муқаддас сақланадиган одам, менимча, ўлимдан кейин ҳам барҳаёт бўлиб қолиш учун зарур шини қилиб қўйган одамдор.

(Г.Эберс)

1977 йил Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институти, ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишига қабул қилиндим.

Талабаликнинг сурури, завқу шавққа тўла ҳаётимиз бошланди. Ўша пайтларда филология йўналишига бор йўғи оғзаки – ёзма имтиҳон билан йигирма беш талаба танлаб олинар эди. Факультетимизда кундузги бўлимда, юзта талаба ўқирди, холос.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, биринчи пара дарсимиз, “Адабиётшуносликка кириш” фани эди. Маъruzachi доцент Хотамжон Умиров. Домла маъруза жараёнида биз талabalарни сўз билан сеҳрлаб қўйдиларки, мен ҳали ҳануз ана шу сеҳр оғушидаман. Саксон дақиқалик маъруза қандай ўтиб кетганини бирор бир талаба сезмади.

Мазкур фаннинг амалий ва семинар машғулотларини домланинг шогирдлари, ёш олим Исомиддин Икромов олиб борар эдилар.

“Адабиётшуносликка кириш” фанидан маъруза, амалий, семинар машғулотлари шу даражада қизиқарли, мунозарали олиб борилар эдики, биз талабалар бу фан асносида адабиёт оламининг сирли, жумбоқли, таъсирли оламига қандай кириб қолганимизни билмай қолдик.

Бунинг биргина мисоли сифатида, мен қарийб кирқ йилдан бери Қарши давлат университетининг Адабиётшунослик кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлайман ва устозларим таълим берган “Адабиётшуносликка кириш”, “Адабиёт назарияси” фанларидан дарс бераман. Бу ўз-ўзидан маълумки, талабаликдаги устозларим профессор Хотамжон Умуроев ва доцент Исомиддин Икромовлардан олган билимларимнинг ҳосилидир.

Исомиддин домла ҳақида мен жуда узоқ гапиришим мумкин. 70-80 йилларда биз талабалар, пахта далаларида жавлон уриб меҳнат қилар эдик. Энг қизиғи, тўрт йиллик талабалик давримизда ҳар йили далага чиқар эдик, аммо, бирор талаба ё врач рухсати билан, ё таниш – билиш орқали пахтадан қолмас эди, пахта даласига бормасликни ўзига ор деб билар эди.

Тўрт йил мобайнидаги ҳашарга отланишимизда, Исомиддин домла ҳар доим бизга бош – қош эдилар. Биз курсдошлар ҳануз эслаймиз, домладаги қатъиятлилик, талабчанлик билан бир қаторда, талабаларга ўта меҳрибон, жонкуяр эдилар. Биргина мисол келтираман. Гуруҳимизда Жамила дугонамиз, ўзи асли Каттақурғонлик, шаҳарлик қиз. Умуман пахта теролмас эди, бунинг устига оёғи оғрир эди. Пахта даласидан қайтганимиздан кейин кечқурун “штаб” бўлар, ким қанча пахта тергани муҳокама қилинар эди. Исомиддин домла фақат Жамилага раҳми келганидан, далага чиқса пахта теришар, овқат пиширадиганларга ёрдамчи қилиб қўяр, ҳатто терган пахтасига килограмм қўшиб қўяр, беминнат ёрдам қилар эди.

Домланинг беғараз, оталарча меҳрибонликларидан биргина Жамила эмас, ҳаммамиз баҳра олар эдик.

Исомиддин домланинг турмуш ўртоқлари Гулбаҳор опам биздан бир курс юқори ўқир эдилар. Уларнинг ўртасидаги меҳр-муҳаббат ҳам биз талабалар учун ўrnак намунаси эди.

Мен III курсда ўша пайтдаги машҳур “Ленин стипендиясида” ўқиганман. Барча устозларим қатори, айниқса домланинг менинг илмий изланишларимга хайриҳохликлари кучли эди. IV курсда (1980-1981 йиллар) илмий раҳбарим Хотамжон Умуроев раҳбарлигига “Абдулла Қодирийнинг “Мехробдан чаён” романида психологизм” мавзуидаги диплом иши устида ишладим. Аммо раҳбарим худди шу вақтда Москвада докторлик диссертацияларини ёзиш билан машғул эдилар.

Ана шу вақтда меҳридарё олим, устозим Исомиддин Икромовнинг менга қилган беғараз ёрдамларини сўз билан ифодалай олмайман.

Дунёда олимлар кўп. Аммо олим бўлиб, одам бўлмаганлари уларданда кўп. Бугун устоз Исомиддин Икромовнинг ҳаёт йўлларига бир назар солдик холос.

Менга ўхшаган домланинг минглаб шогирдлари эҳтирому эъзоз билан уларни ёдга олишади. Аллоҳ устознинг қабрларини нурларга буркасин!

ДЕРАЗАМНИНГ ОЛДИДА БИР ТЎП ЎРИК...

**Абдуҳамид Тангиров,
ЖДПИ доценти,
филология фанлари номзоди**

Инсон ўлади, барҳаёт бўлиб қолишнинг бирдан бир имконияти ўзидан кейин ўлмайдиган нимадир қолдиришидир.

(**У. Фолкнер**)

Лирика, лирик асарларда лириклиқ, лиро-эпик асарларда лириклиқ ва эпиклик мутаносиблиги, лирик қаҳрамон каби масалалар санъатнинг бир тури бўлмиш бадиий ижод пайдо бўлибди ҳамки, адабиёт ва адабиётшунослик илми вакилларини доимо қизиқтириб келган. Бу борада қатор тадқиқотлар, бир-бирини тақрорламайдиган қарашлар мунаққидлар томонидан тақрор-тақрор айтиб келинган. Натижада лирика ва лирик қаҳрамон масалалари билан шуғулланган бир қатор адабиётшунос олимлар армияси ўзбек, рус, украин, белорус, грузин, озарбойжон, тожик, авар ва бошқа халқлар орасидан етишиб чиқсан. Ана шундай тадқиқотчилар сафида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган ўзбек танқидичлиги ва адабиётшунослигининг йирик вакиллари Ҳомил Ёқубов, Салоҳиддин Мамажонов, Озод Шарафиддинов кабилар ҳам бу борада ўзларининг овозлари ҳамда ўринларига эга бўлган. Ўз вақтида ёш олим ҳисобланган ва эндиғина адабиётшунослик илмига кириб келган Исомиддин Икромовнинг мазкур мунаққидларнинг илмий фаолиятига назар ташлаши, керак бўлса, уларнинг лирика ва лирик қаҳрамон борасидаги қарашларига баҳо беришга кириши ва тегишлича муваффақиятга эришиб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олиши учун диссертация ҳимоя қилиши ўз вақтида етарлича шиҷоат талаб қилган. Чунки ёш олимнинг бу борада озгина хатога йўл қўйиши, бирининг фикрини иккинчисидан фарқини ажратишда чалкашликка юз тутиши ўша замон илмий мухитида ишнинг тескари кетишига олиб келиши мумкин эди. Исомиддин Икромов илмий тадқиқотчиликнинг ана шундай нозик қирраларидан чўчимаган ҳолда бу борадаги тадқиқот ишларини муваффақиятли олиб борган ва 1988 йилда “Ҳозирги ўзбек адабий танқидида лирика масалалари (Ҳ.Ёқубов, С.Мамажонов, О.Шарафиддинов ижоди мисолида)” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Тадқиқот ишида ҳар учала мунаққиднинг лирика ва лириклиқ масалалари бўйича қарашларига ўзининг муносиб баҳосини берган ва уларнинг бу борадаги фанда эришган ўринларини белгилаб беришга эриша олган.

Исомиддин Икромов ўзининг фанда орттирган тажрибаларини амалиётда қўллашда ҳам беназир бўлиб, бу борада ўзига хос моҳир педагог эди. Олимнинг педагогик маҳоратининг асоси ҳам ана шунда эди. У киши талабаларга билим

беришда олиб борган тадқиқот ишларининг маҳсулидан фойдаланишга ҳаракат қиласр эди. Айниқса, у киши талабаларга Ўзбек адабиёти фанидан дарс бериш жараёнида, шеърий асарларни ўқитишида улардаги лириклик ва лирик қаҳрамоннинг воқеликка муносабати масаласига алоҳида тўхталиб ўтишни хуш кўрар эди. Айниқса, устоз Ғафур Ғулом, Ойбек кабилар ижодига ҳам юксак эътибор қаратиш билан бирга, Ҳамид Олимжон ижоди ва шеъриятига алоҳида муносабатда бўлишни хуш кўрар эди. “Деразамнинг олдида бир тўп ўрик...” Исомиддин Икромов Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижодини ўқитишида машғулотни, энг аввало, ана шу машҳур асарга мурожаат қилишдан бошлар эди. Шундан сўнг Ҳамид Олимжоннинг лириқ, лиро-эпик ва драматик асарларини атрофлича таҳлил қилиб берар эди. Агар бугунги кунда Исомиддин Икромов ҳаёт бўлганда Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижод мактабини очилганини кўриб, нечоғлик қувонган, керак бўлса, ўзи ҳам ўша даргоҳда ёшларга чин дилдан сабоқ беришга киришган бўлур эди. Афсуски, эрта ўлим Исомиддин Икромовни ана шу баҳтдан, ёш авлодни эса Исомиддин Икромовнинг мароқли маърузаларидан тинглашдан бехра бўлишига олиб келди.

Исомиддин Икромов раҳбар ва инсон сифатида ҳам ўrnak олса арзийдиган инсон эди. У киши доимо тўғри фикрни қадрлар эди. Лекин ҳеч қачон тўғри бўмаган фикрга қўшилмас эди. Энг қизифи, у киши нотўғри гапираётган сухбатдошига сен нотўғри гапирайсан, фикринг нотўғри, демас эди. Бу билан сухбатдошининг ҳам дилини оғритмас ва агар айтилаётган фикр ёқмаса мийифида кулиб қўйишдан нарига ўтмас эди. У кишининг бундай кесатиқ кулгисини тушинган одам бошқа у кишига нотўғри гап гапирмас, тушунмаган одам эса, Исомиддин менинг фикримни қўллаяпти деб, яна у кишига бориб бўлар бўлмас гапларни гапираверар эди. Исомиддин Икромовдан эса битта жавоб - мийифида кесатиқ кулги қайтарилаверар эди. У киши тўғри фикр ва эзгу гапнинг ошнаси эди.

Исомиддин Икромов ҳамкаслари билан ҳам оилавий аҳил бўлишни хуш кўрадиган, доимо дастурхони очиқ инсон эди. У киши бирон оилавий туйми ёки маърака бўлсин ёнида туришимизни хуш кўрар эди. Ўғли Ойбекжон ва қизи Шаҳлохонларнинг яхши кунларида бирга бўлганимиз бир умрга ёдимдан чиқмайди.

Сўнгги сўзим: Ойбекжон, Шаҳлохон ва бошқа фарзандлари ҳамда шогирдлари! Оталаринг ва устозларинг улуғ инсон эди. У кишидан айрилиш нафақат сизлар учун, қолаверса, бутун Жиззах илмий мухити учун катта йўқотиш бўлган. У киши бир умр ҳеч кимнинг дилини оғритмасликка, амал орқасидан қувмасликка ҳаракат қиласр эди. Кўпчиликни, шу жумладан, мени ҳам ўзига дўст сифатида қарап ва кўп сирларини баҳам кўрар эди. **Билингларки,** у кишининг сирлари фақат битта эди: яхшиликни мақташ, эзгуликни улуғлаш ва сизларнинг баҳт саодатларингни кўриш эди. **Отангизни 70 ёши муборак бўлсин!**

КҮНГИЛГА ЙҮЛ
(Устоз Исомиддин Икромовни эслаб)

*Юлдуз Каримова,
ЖДПИ доценти,
филология фанлари номзоди*

*Бүлак яхши ном истама, шул етар-
Сени яхши одам деса эл агар.
(Саъдий)*

Кўпни кўрган мўйсафидан сўрашибди:
–Инсондан нима қолади?

Жавоб берди: *Кўнгил қолади, болаларим, кўнгил қолади. Одамлар бу оламга бирин-кетин келишади ва ошини ошаб, умрини яшаб бўлганидан кейин, худди аввалгидек, навбатма-навбат қайтмас дунёга равона бўлишади. Киишилар айнан шу кўнгил туфайли ҳали ҳаёт бўлганлари вафот этганларини ёрқин таассуротлар билан ёдга олишади, уларнинг ҳаётидаги ажойиб хотиралардан сўйлашади, эзгу ишларини зурриётлари-ю бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишади*¹.

Кўнгил, қалб хотиралари, ўйлар, мушоҳадалар, изтиробу армонлар, умиду илинжлар маскани. Кўнгилни нозик дейдилар, аммо у шунча оғир юкни қўтаради. Кўнгилда қолмоқлик учун, энг аввало, унга кириш йўлларини топмоқ зарур. Аммо кўнгилга бориш йўлининг машақкату мушкулотларини ҳамма ҳам ўз зиммасига олавермайди.

Устоз Исомиддин Икромов кўнгилга бориш йўлларини яхши эгаллаган инсон эдилар.

Устоз хушмуомала, ҳақиқий зиёлиларга хос этикет, маданият соҳиби эдилар.

“Адабиётшунослик асослари” фанидан биринчи курс талабаларига қўшимча манба сифатида устоз Усмонжон Қосимов ташабbusлари билан қўлланма тайёрлашни режалаштиридик. Қосимов домла назарий, мен амалий, Икромов домла методика қисмини тайёрладик. Қўлланма нашрдан чиққанда устоз жуда хурсанд бўлган эдилар. Илмий-ижодий меҳнат домлага алоҳида завқ берарди. Узоқ пайтдан бўён бошлаб қўйган мақолалари битса, режалаштирган ишлари амалга ошса яйраб кетардилар, янги чиққан бадиий асарлар, адабиётшунослик оламидаги янгиликларни атрофдагилар билан дарров бўлишишни хоҳлар эдилар.

Бирор ҳақида хотира ёзишнинг ўзига хос одоби, масъулияти, ахлоқий мезон ва меъёрлари бор. Хотира ёзиш истагида юрар экансиз, хаёлан кўз олдингизда қаҳрамонингизнинг ҳаётлик пайтидаги сиймоси гавдаланади.

Негадир домлани икки кўринишдаги сиймолари кўз олдимдан кетмайди. Бири: иш столлари. Стол устида ҳамма нарса ботартиб. Бир неча хил рангда ёзадиган ручкалар. Учи чиқарилган, фойдаланишга тайёр қалам, ўчирғич, чизғич, қайчи, елимгача. Ҳаммаси ўз жойида. Ёзув қофозлари, зарур китоблар ҳам чиройли тахланган. Сочилиб, паришон ётган бирор ортиқча нарсани кўрмайсиз. Ва шу

¹ Махмудов О. Фарзанднома. –Т. 2020. –Б.158.

файзли, кўриб баҳри дилингиз очиладиган иш столи атрофида доим мук тушиб ишлаб ўтирадиган домла қиёфалари.

Дарвоқе, домланинг ҳусниҳатлари жуда чиройли эди. Кафедрани бошқарган пайтлари компьютерчи қизнинг ёрдамини кутиб ўтирмай, кўп хужжат ишларини кўлда ёзиб қўяр эдилар. Энг қизиғи кафедра ҳужжатини ўргангани келган назоратчилар ҳам бундай ҳолатга эътиroz билдиришмасди. Балки текширувчилар ҳам бир кафедрада қилиниб юз кафедрага кўчиб юрадиган, шаблонга айланиб қолган, компьютерда тайёрланган ҳужжатдан кўра, домланинг меҳр бериб, масъулият билан кўлда ёзган, ягона нусхадаги ҳужжатларини афзалроқ кўришгандир. Ҳали ҳануз кафедра архивидаги папкаларда домланинг чиройли ёзувларида битилган ҳужжатлар чиқиб қолади. Бу ёзувлар бизга Икромов домлага хос бўлган меҳнаткашликни, бағрикенгликни, муҳими чиройли қалбни эслатиб туради.

Домлани эслаганимда яна кўз олдимга ўрта бўй, бўғдой ранг юзларида осойишталик, ички хотиржамлик нуқси сезилиб турган, саришта кийинган, факультетнинг узун йўлагидан шошмасдан қадам ташлаб келаётган қиёфалари кўринади.

Билмадим, нега менинг тасаввуримда устоз йўл юриб келаётган қиёфада тикланадилар. Бу йўл устознинг умри давомида инсоний ва ижодий меҳнати билан шогирдлари, сафдошлари, яқинлари кўнглига очган йўл эмасмикан?!

Охират йўлларингиз равон, мангу манзилингиз обод бўлсин, устоз!

ХОТИРА БУЮКДИР - ИНСОН ЧИН АЗИЗ

*Нодира Соатова, ЖДПИ доценти,
филология фанлари номзоди*

Илм – хазина, унинг қалитлари - савол. Сўранглар, сўрашида 4 киши савобга эга бўлади: Сўровчи, олим, эшиктувчи, уларни дўст тутувчи.

(Абу Нуъайм)

Ҳаёт меҳрибон, ҳаёт адолатли. Дарҳақиқат, ҳаёт бизга туғишганларимиз билан бирга кўнглимизга яқин инсонларни йўлдош қиласди. Ҳатто баъзан етти ёт бегона ҳам ўз туғишганинг қатори азиз бўлади. Худди шундай инсонлардан бири ҳеч иккинланмай айтишим мумкинки, ҳамкасбим, ҳаммаслагим, маънан акамдек бўлган Исомиддин Икромов эди. Ортда қолган йиллар бунга гувоҳ. Бугун шундай азиз инсон орамизда йўқлиги мени бир оз изтиробга солса-да, йиллар давомида улар билан биргалиқда елкама-елка бўлиб ишлаганмиз, ширинсуҳанлиги, ўта илтифотлилиги билан қалбимизда жой ола билганлари қалбимизга озгина бўлсада таскин беради. Ахир айтишади-ку, яхшидан боғ қолади, деб. Худди шундай Исомиддин Икромов ўзидан яхши хотиралар қолдира олган буюк инсон, десам муболага бўлмайди.

Дарҳақиқат, сермулоҳазалик, камтаринлик, вазминликни ўзига либос қилиб олган домлани йиллар давомида бир марта бўлса-да, Нодира деб мурожаат

қилғанларини эслай олмайман. Доимо Нодирахон, синглим ёки уларга маъқул бўлмайдиган иш қилсам, Нодирахон келин (домла туғилиб ўсган маҳаллага келин бўлғанман) дея мурожаат қиласар эдилар. Шу сўзларидан дарров муносабатларини билиб олар эдим. Бундай муносабатни биргина менга эмас, балки кафедрамиз аъзоларига нисбатан ҳам кўриб ҳайрон қолғанман. 20 йилдан зиёд бирга ишлашган бўлсақ, уларнинг аёл ўқитувчиларга самимиятини кўриб ҳайратга тушганман. Чунки ҳамкасб аёлларимизни ҳатто орқаларидан ҳам Зиёдаой, Юлдузой, Сурайёхон деб мурожаат қиласар эдилар. Ўзимизку ўзимиз, ҳатто Юлдуз опа иккаламизни турмуш ўртоғимларимизни ҳам орқаларидан Эркинжон, Шавкатжон деб айтар эдилар.

Исомиддин акани айтса айтгудек роса ибратли жиҳатлари кўп эди. Яна бир эътиборга лойик томонлари ҳамкаслари у ёқда турсин, ҳатто талабаларга ҳам ҳеч қачон товушларини баландлатганларини, ножӯя сўзларни ишлатганларини эшитмаганман. Домлаларни қўйинг, ҳатто талабаларга ҳам ўта хушмуомилалик билан мурожаат қиласар эдилар. Бу уларнинг энг таҳсинга сазовор жиҳатлари деб биламан. Агар бирон нимадан жаҳллари чиқса, индамай қовоқларини солиб олар, шу билан ўз норозиликларини чиройли қилиб билдирап эдиларки, бу ҳам ҳаммани қўлидан келавермайди. Жаҳлини жиловлай олиш инсонни кучли, иродали, буюклигидан далолатдир. Исомиддин Икромов мана шундай сокин, ширинахан, тўғри маслаҳатини ҳеч кимдан аямайдиган чин маънода **асл инсон, олим** эдилар.

Домла билан 1994 йилдан то умрларини охиргача бирга ишладик. Улардаги батартиблиқ, ишга бўлган масъулият, барчага бирдек меҳрибон бўлиш, ҳар кимга ўзига мос, муносиб сўзлар билан мурожаат қила олишлари, кўпчиликни у кишига нисбатан ҳурматини оширадиган томонлари эди.

Кафедра аъзоларига нисбатан самимият, хайриҳоҳлик, қўли очиқлик уларни яна бир мақтовга арзигулик томонлари бўлиб, ўта ҳожатбарор инсон эдилар. Баъзан ўқитувчилардан кимгадир пул керак бўлиб қолса, албатта домладан сўрар, чунки у киши ҳеч қачон ҳеч кимга йўқ демас, кераклигича бериб турар эдилар, ҳаттоки талабаларга ҳам кўп марталаб пул бериб турганларини гувоҳи бўлғанман. Бундан ташқари факультетда тадбирлар ўтказилса, кўп марта ўzlари талаба-ёшларни рағбатлантириш мақсадида ўз ёнларидан китоб ва пул совға қилишни одат қилиб олгандилар.

Яна бир ўзига хос жиҳатлари ўта оилапарвар эдилар. Тўртала фарзандларига яхши тарбия бериб уларни олий маълумотли бўлишига эришдилар. Ҳозирда кичик қизлари Шаҳлохонни филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) эканлиги ҳам фикримиз исботи ва бу уларнинг заҳматли таълим-тарбия меваси, деб ўйлайман. Улар ўzlарининг меҳнатлари ва тарбияларини фарзандлари камолида кўриб ғурурланар ва улар келажаги учун тинмай меҳнат қиласар эдилар. Кичик ўғиллари Улугбек медицина институтга магистратурага кирганида қувончдан гўё саккизинчи осмонда юргандек эдилар. Аёллари, Гулбаҳор опани ҳам ҳаддан зиёд ҳурмат қиласар, доим орқаларидан “**бизни Пари**” деб мурожаат қиласар эдилар, уларсиз томоқларидан бир нима ўтмас эди, Ойлик олганда ёки бирон сабаб билан бориб бирон жойга чой ичсак, секин чиқиб кетиб (ўzlари ҳисобидан) иккита нонни орасига шашликми, сомсами, банкачага қуймали музқаймоқми буюртма қиласар

эдиларки, бу ҳам уларни аёлларини, ўз жуфти ҳалолларини хурмат қилишлари, эъзозлашларини бир кўриниши эди.

Исомиддин ака ҳақида ҳар қанча гапирсак, оз. Чунки уларни эътиборга лойик, ўрнак бўладиган жиҳатлари бисёр мўл эди. Инсонни кимлиги уни яхши ёмон куниди билинади. Исомиддин ака ҳар иккала ҳолда ҳам ҳар бир ҳамкасбини олдида тура оладиган танти инсон эдилар. Баъзиларга ўхшаб, турли баҳона қилиб, одам танлаб тўй-ю маъракаларга бормай қолмас, балки айтилган ҳар қандай жойга борар, агарда биронта ишлари чиқиб қолгувдек бўлса, бирровга бўлса ҳам иложини қилиб кириб ўтар эдиларки, бу ҳам уларнинг қалби тозалигидан, иймон эътиқоди мустаҳкамлигига далолатдир.

Халқимизда инсонни кимлигини билишни истасанг бир лавозим бериб, ёки бир пул бериб сина деган нақл бор. Исомиддин Икромов том маънода шу синовдан муваффақиятли ўта олдилар, деб ўйлайман. Бу фикрга кафедрамиз аъзолари барчаси бирдек қўшилади. Чунки улар кафедрани бошқарганда ҳам айрим кимсаларга ўхшаб ҳеч бир ўзгармадилар. Ҳатто ўзлари ўқитган, шогирдлари бўлган ёш йигит ўқитувчиларимизга ҳам илиқ муносабатда бўлар, бирон иш буюрсалар ҳам оғринмайдиган қилиб айта билардилар. Халқимиз бежизга айтмас экан, “...устозлар маънавият осмонида мусаффо зиё таратиб турган йўлчи юлдуздирлар, улар туфайли одамлар тўғри йўлни топадилар, уларнинг шарофати билан жаҳолат зулматларидан ёруғликка етишади”.

Дарҳақиқат, бугунда Исомиддин Икромов домла ўқитган, ишга олиб олдиларида олиб юрган шогирдлари илмда ўз йўлига тушиб олган ва олимлик рутбасини эгаллаганлари ҳам уларни умрлари беиз кетмаганини кўрсатади. Шу ўринда, қуйидаги сатрлар ёдга тушар экан:

*Илм аҳли шарафли, ҳидоят истаганларга йўл кўрсатгай,
Ҳар кишининг қадри, билки, қилган иши-ла ўлчангай.
Жоҳил - олим душмани, лек канда қилма илм излашни,
Илм бирла умр боқий, илмизлар ҳаётдан эрта кетгай.*

Исомиддин Икромовни том маънода, иккинчи ҳаётлари оқилу доно фарзандлари ва шогирдларида давом этаяпти, деб ўйлайман. Бинобарин, улар илм излашдан чарчамаган, илмларини барча бирдек ўргата олган беназир олим эдилар. Шу боис уларнинг умри шоир айтганидек боқий. Айтиш мумкинки, “Қадр — муқаддас, хотира — абадий” экан, ўйламанки, порлоқ келажак сари дадил интилаётган ёшларимиз учун устоз Исомиддин Икромов ҳаёти ва илмий ижод йўли ибрати, салоҳияти ҳамиша ғурур, руҳий куч-кувват манбаи бўлиб қолаверади.

Руҳингиз оройиш топсин, сиз эъзозга ҳурматга лойик, ибрат бўларли умр кечирдингиз! Аллоҳим охиратингизни обод айласин, барча қилган эзгу ишларингизни ажру савобини Ўзи берсин!

ҶИЛАЖАК КИТОБЛАРГА НОМ ҚҰЙГАН ОЛИМ!

Эссе...

*Сурайё Эшонқұлова, ЖДПИ доценти,
филология фанлари номзоди*

*Ёмон ҳам үтар, яшии ҳам – яшии бил,
Сени яшии ном бирла ёд этсин эл.
(Сағдий)*

Халқимизнинг атоқли ва севимли шоири Абдулла Орипов шеърларидан бири “Инсон орзусига ҳали етмаган...” сатрлар билан якунланади. Дарҳақиқат, одамзод комил бўла олгани йўқ. Дунё ҳам мукаммал эмас, бир кам... Лекин ҳаётда одам болаларига хос жуда кўп фазилатларни ўзида мужассам этган мунаввар инсонлар ҳам учрайдики, уларга ҳавас қиласликнинг иложи йўқ. Устозим, ҳам касбдошим, ҳам маслакдошим адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Исомиддин Икромовни ана шундай ҳавас ва ҳайратга муносиб инсонлардан бири, деб биламан. Улардан билим ўрганганман, сиймоларидан ибрат олиб, меҳрларини қозонишга мушарраф бўлганман.

Инсоннинг умри оний лаҳзалардан иборат, деган ҳикмат бор. Бир қараашда асл ва соддагина ҳақиқат. Буни ҳатто ақл ишлатмасдан ҳам билиб олса бўлади, деган хаёлга ҳам борасан киши. Тўғри-да, лаҳзаларни қўшсанг, бутун бошли вақт юзага келади. Инсон қанча муддат яшаган бўлса, ўша унинг умри бўлади-да! Аслида ҳам шундаймикан? Назаримда, бу ҳикматни “*инсоннинг умри алоҳида-алоҳида, яъни эсда қоладиган лаҳзалардангина иборат*” тарзида тушуниш тўғрироқ. Умрнинг “*эсда қоладиган*” қисми эса бутун умрни эмас, унинг айрим бўлакларинигина қамраб олар экан, устоз Исомиддин Икромов билан бўлиб ўтган ана шу муносиб лаҳзаларни эслашни лозим топдим.

Устоз Исомиддин Икромов илм йўлида барчага бирдек меҳрибон, табиатан киришувчан инсон эдилар. Бу фикрни бир мен эмас, устоз Исомиддин Икромов билан бирга ишлаган кўпчилик ҳам хаёлидан ўтказаётган бўлса ажаб эмас. Зоро, у кишидаги ***биринчи жиҳат: ҳамма билан тенг ва самими муносабатда бўлиши хислати эди***. Айни мана шу хислат унинг катталар ардоғида, тенгдошлар эътиборида ҳамда кичиклар эътирофида бўлишлари учун тагзамин бўлган бўлса ажаб эмас.

Устозни қанча эътироф этсак оз. У кишидаги ***иккинчи жиҳат: ҳар қандай тадқиқотга оригинал ном топа олиши қобилияти эди. Шунингдек, келажакни кўра олиши ва узоқни ўйлаб иши тутиши хислати эди***. 2009 йил илк диссертация ишимни якунлаб, кафедра муҳокамасидан ўтган даврларим эди. Мен ана шу илк тадқиқотимни монография қилиб нашр эттироғчи бўлдим. Аммо бўлажак китобимга муносиб ном топа олмай ёш тадқиқотчи сифатида қийналар эдим. Шунда опажоним филология фанлари номзоди, доцент Нодира Соатова “*Исомиддин ака ном қўйишга жуда усталар. Улар билан маслаҳатлаш*” деб қолдилар. Шунда устозни олдига бориб, монографиям учун ўзим топган номларга кўнглим тўлмаётганлигини айтдим. Улар диссертация ишим билан яхши таниш бўлганликлари учун қўлларига ручкани олиб, бир зумда нақд беш-олтита бир-

биридан оригинал, жарангдор номларни ёзиб қўлимга тутқиздилар. Ёзганларини ўқир эканман, ҳайратимни яшира олмадим. Қайси бирини танлашни била олмасдим. Чунки ҳар бири кўнглимга ёқар, ўқиганим сари қалбим ёришиб, қандайдир қувончга тўлар эди. Аввал ном топа олмай қийналган бўлсам, энди номларнинг кўплигидан қайси бирини танлашга ақлим лол бўлиб, “вой, бунча кўп ном қўйдингиз, ахир китобим битта-ку” деб юборибман. Устоз хохолаб кулиб, “Сурайёхон, бу сизни илк тадқиқотингиз, ҳали ҳимоя қиласиз, олима бўласиз, кўп китоблар ёзасиз... Сиз кўп ўйланманг деб келажакда ёзилажак китобларингизга ҳам ном қўйиб бердим. “Миф ва шеърият” бўла қолсин” деб рўйхатдаги биринчи рақамга ишора қилиб, илк китобимни ўзлари номлаб бердилар. Таажжубки, ҳақиқатдан ҳам устоз башоратлари тўғри чиқди. Дастрлаб, “Миф ва шеърият” (2009) номли илк китобимни нашр эттирдим. Сўнгра ҳимоя қилдим, филология фанлари номзоди даражасини олдим. “Тарихий шахс сиймоси ва бадиият” (2013), “Нодира ижодига янгича ёндашув” (2019) номли китобларимни чоп эттирдим. Узоқ йиллик тинимсиз меҳнатларим ўлароқ доцентлик унвони билан мукофотландим (2019). Ҳозирда “Адабий жараён: тарихий образлар ва бадиий маҳорат” номли монографиям нашриётга берилган.

У кишидаги учинчи жиҳат: *нафақат аҳли аёлларини, фарзандларини, балки ҳамкасаба аёлларни ҳам чуқур ҳурмат қилиши хислати* эди. Ўзлари неки танаввул қилсалар, албатта, келинойига илинардилар. Фарзандларига, айниқса, қизларига ўта меҳрибонлик, юмшоқлик билан муомалада бўлардилар. Улар учун фақат эзгу-тилаклар, самимий дуолар қилардилар. Аёл ҳамкасабалар исмига доимо “хон”, “ой” сўзларини қўшиб айтардилар. Ҳаттоқи бир йили 8-март кунидаги факультетимиз байрами учун ҳар бир аёл ўқитувчиларга бағишилаб талabalарга шеърлар биттирибдилар. Ўша дамларни эсласак ҳалигача тўлқинланиб кетамиз, чунки улардан олдин ҳам, улардан кейин ҳам биз учун ашъорлар битилмаган ва битилгани йўқ.

У кишидаги *тўртинчи жиҳат: бегубор соғдилилк хислати* эди. 2012 йилнинг бошларида мен раҳбарлик қилаётган гурухга, янглишмасам улар “Жаҳон адабиёти” фанидан дарс берардилар. Факультетда ҳар бир ўқитувчи учун гуруҳ ажратилиб, ойлик маоши ажратилмас эди. Шул сабабдан яrim чин, яrim ҳазиллашиб, “дунёда шундай касб борки, унга ҳақ тўламаса ҳам бўлаверади. Бу касб эгаларининг номи – ОТА-ОНА!” деб ўзаро кулишардик. Талabalар ҳам эркак ўқитувчиларни ўз оталари каби қадрлар, аёл ўқитувчилар билан эса оналари каби муомалада бўлишарди.

Кунларнинг бирида гуруҳимдан талаба қизлар келиб, “Устоз, Исомиддин Икромов бобомиз эканлар-а?! Жуда ҳам баҳтили инсон экансиз! Ҳам отангиз, ҳам опангиз билан бирга ишиласангиз. Сулолангиз олимлар сулоласи экан. Роса ҳавас қилдик” деб ҳиссиётларини яшира олишмади. Отажоним раҳматли ўта олийжаноб, меҳрибон инсон эдилар. Қарийб 12 йилдан бери отажонимнинг “қизим” деган сўзларини эшитишдан маҳрум эканлигим сабаблими, талаба қизларнинг гаплари қулоғимга ёқимли эшитиларди. Маънан покиза, босик, ҳалол, бошқаларнинг фикрини ҳурмат қила биладиган бағрикенг инсоннинг қизи бўлиш ёқимли-да, ахир! Юзимда ним табассум ила “Бу сирни қаердан билдиларинг?” деб бош

ирғитдим. Бугун устоз Икромов биринчи дарсда “*Мени танийсизларми?*” деб биздан сўрадилар. Биз уларнинг фамилия исмларини, даражаларини, унвонларини айтдик. Шунда улар “*Раҳбарларингни отасини исми ким?*” деб сўрадилар. Биз “*Исомиддиновна. Эээ, оталаримисиз?*” деб сўрадик. Шунда худди сизга ўхшаб пастга-тепага бош иргитдилар.

Воқеанинг эртаси қуни устозни факультет коридорида учратдим. Саломаликдан сўнг, ўзлари гап очдилар. “*Сурайёхон, кеча гурӯҳингизга кириб Нодирахонни, сизни ва Шаҳлохонни қизим дедим. Сизларга, опа-сингилларга ҳавас қилганман! Қизим Шаҳлохонга ҳам сизларни йўлингизни берсин! У ҳам олима бўлсин! Талабалардан ҳеч гап қолмайди, шунга сиздан сўрашса, гапимни тасдиқлаб қўяверинг*” деб беғубор софдил болалардек ҳижолат тортиб қўйдилар. Мен эса кулиб, аллақачон талабалар бўлган воқеани оқизмай-томизмай етказишганини ва мен ҳам уларга тасдиқлаганимни айтдим.

У кишидаги **олтинчи жиҳат**: муросасозлик, ўта эҳтиёткорлик хислати эди. Вақт – олий ҳакам. У ҳар бир инсонни синайди. Айрим инсонлар бирон мансабга ёки даражага эришиб қолишиша, шошиб қолишади ва худди “Американи забт этган”дек босар-тусарларини билмай “ғоз” юрадиган бўлиб қоладилар. Устоз Исомиддин Икромов турли (кафедра мудири, декан ўринбосари) лавозимларда ишлаганида ҳам ўша “сокин оқар дарёлиги”ча қолавердилар. У киши ҳар қандай одам билан тил топиша оларди. Энг кескин, энг қўпол табиатли одамлар билан ҳам устоз Исомиддин Икромовнинг баланд товушда, кескин гаплашганини эслай олмайман. Ўшаларнинг ҳам ўзларига мос ва муносиб ёндашувни топиши устоз учун сира қийин эмас эди. У киши бошлиқ сифатида ўзини бошқалардан ажратиб ўтирмасдилар. Фикри-хаёллари қўлидан келгунича элга яхшилик, маърифат улашишда бўлдилар.

Мен адабиёт соҳаси бўйича илмий иш олиб бориб, кандидатлик диссертация ҳимоя қилганлигим сабабли, институтимизга янги ректор тайин этилса, ҳар сафар мени тил кафедрасидан ўз ихтисослигим бўйича адабиёт кафедрасига ўтиш масаласи кўтарилилар эди. Ўша даврларда адабиёт кафедрасида профессор-ўқитувчилар билан бирга ўзим таҳсил берган ёш собиқ шогирдларимиз ҳам ишлашарди. Ваҳоланки, улар ҳануз ҳимоя қилишмаган, ораларида бир йилда бир маротаба мақола ёзмайдиганлари ҳам бор. Устоз Исомиддин Икромов шу даражада муросасоз, ўта эҳтиёткор эдиларки, кафедра мудири сифатида мени олдиларига чақириб, “*Сурайёхон, сиз тил кафедрасида бир ставка тўлиқ ишиляпсиз, фан номзодисиз, факультетда ўзига яраша хурматга сазоворсиз. Кафедра аъзоларим, яъни ёш йигитлар ҳимоя қилишмаган, уларни ўрнига сизни ишга олсан, улар ишсиз қолишиади. Шунга тил кафедрасида ишлаб туринг*” деб мени дегур, кафедранинг осойишталиги учун қизифи ҳатто ўзларини эрка қизлари Шаҳлохонни ҳам ишга олмадилар. Устознинг бу хатти-ҳаракатлари одамгарчилик юзасидан тўғри эди, аммо менга нисбатан ноиложлик...

У кишидаги **бешинчи жиҳат**: ўз ҳатоларини тафтиши қилиши, виждан амрини эшишта олиш, мардлик хислати эди. Орадан йиллар ўтди. Устоз кунларнинг бирида мени факультет коридоридан 328-ўкув хонасига мухим гаплари борлигини айтиб чақиртирдилар. Устоз Исомиддин Икромов уйчан, ранглари

синиқ, нимадандир безовта бўлиб ўтирадилар. Ҳануз ёдимда ўзаро сухбатимиз жуда самимий кечди. Устоз анча йиллик бўлиб ўтган воқеани эслаб, гап бошладилар. “*Сурайёхон, инсон боласига адашиши хос, сизга нисбатан ўшанда ноилож ноҳақлик қилганман, агар ҳозир ўша даврга яна қайтиши имкони бўлғанда эди, мен нафақат сизни, балки қизим Шаҳлохонни ҳам ишга олардим*” мардларча дейишларини тўғриси кутмагандим. Наҳот инсон умр аталмиш ўтган кунларини шу даражада адолатли сарҳисоб қилса, ўзи ўқитган шогирдидан қўйилган хато учун афсусда эканлигини тан олса, виждан амрини эшитиб, мардонавор бош эгса... Одилликнинг юксак намунаси эмасми бу?! Ўшанда эсанкираб қолдим. Аммо мен ўшанда ҳам, ҳозир ҳам устоз сиздан асло ҳеч ранжимаганман, гина сақламаганман. Ҳар нарсада Аллоҳнинг ҳикмати, насиб қилган куни бор. Мана шу ўқув йилида “Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси” кафедрасига ҳам ишга ўтдим. Сиз ишлаган кафедрада ўзимнинг ихтисослигим бўйича завқ-шавқقا тўлиб, роҳатланиб ишляпман ҳам. Таҳсил берган пайтларингизда, биз шогирдлар, ҳар доим сизга нисбатан ҳавас ва ҳайратда бўлганмиз! Берган сабоқларингиз учун биз шогирдларингиздан рози бўлинг, устоз! Устоз Исомиддин Икромов бу дунёни тарк этган бўлсалар-да, ўзларининг сўzlари билан, қилган яхши ишлари билан, устоз сифатида насиҳатлари билан биз учун доимо барҳаётдир!

Яна бир ҳавас қиласи жихати, бу устоз олимнинг илмий анъаналари сулоланинг бугунги вакиласи томонидан ҳам муносиб давом эттирилаётганидир. Исомиддин Икромовнинг қизлари Шаҳлохон Ботирова ўз отасининг орзусини ушалтириди. У филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) сифатида адабиётшунослик соҳасида ушбу сулола шаънига муносиб тадқиқотлар олиб боряпти. “*Падар чигуна фарзанд намуна*” дегани шу бўлса керак. Падари бузуруквор қаламини ерда қолдирмаслик – унинг бардавомлигини таъминлай олиш қандай шарафли иш, **БУЮК БАХТ!**

Филология фанлари номзоди, доцент Исомиддин Икромов замонамизнинг чин инсонларидан эди. У кишидаги камтаринлик, камгаплик, меҳрли нигоҳ, майин табассум, сокин овоз, дарёдиллигу кенгфеъллик фақат ўзига хос эди.

Ха, азиз устоз Исомиддин Икромов илм ўрганиб, ҳалол ризқ топиб, пок виждан билан яшаб, Одам Ато набиралари – элининг эъзозига, иззат–икроми-ю шарафига муюссар бўлган фидоий инсон, замонамиз одил шахсларидан эдилар.

Камина устоз Исомиддин Икромовнинг кўпқиррали илмий фаолиятидан айrim лавҳалар хусусида қисқароқ тўхталдим. Ишонаманки, олимнинг илми ва амали кўплаб инсонлар учун ўrnакка арзийди. Зоро, Мирзо Бобур таъбири билан айтганидек, шуҳрат билан хотирлашни олимлар иккинчи умр демишлар. Уларни ҳар қачон яхши ном билан эслаймиз.

Илоҳо, жойингиз “жаннат ул- фирмавс”да бўлсин, азиз Устозим!!!

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИСИ
Жамолиддин Жўраев,
ЖДПИ доценти,
филология фанлари номзоди

Олимнинг обиддан устунлиги худди менинг сизлардан энг қуийи даражадаги кишиидан устунлигим кабидир.

(Имом Термизий ривояти)

Муҳтарам Исомиддин Икромов ҳозирги замон ўзбек адабиётининг билимдони эди. Исомиддин Икромов Жиззах давлат педагогика институти ўзбек адабиёти ва уни ўқитиши услубияти кафедраси доценти лавозимида фаолият юритиб келганда мен 2002 йил декабрь ойида шу институтнинг шарқ тиллари кафедрасида янги ишга келган эдим. Мен ўша пайтда домла билан танишишга муваффақ бўлганман.

Ҳаётда шундай олимлар бўладики, улар ўзларининг илм хазиналарини кўз-кўз қилишни, турли илмий мунозараларда ўз нуқтаи назари билан атрофдагиларда ўчмас из қолдиришни истамайдилар. Аммо ўз мутахассисларига оид ҳар бир саволга камтаринлик билан жуда асосли, илмий, мантиқий жавоб берадилар. Исомиддин Икромов домла ана шундай камсуқум, кенг мулоҳаза юрутувчи, ҳозирги ўзбек адабиёти соҳасини мукаммал эгаллаган олимлардан бири эди.

Исомиддин Икромов домла 1988-йилда “Ҳозирги ўзбек адабий танқидида лирика масалалари (Ҳ.Ёқубов, С.Мамажонов, О.Шарафиддиновлар ижоди мисолида)” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Мен ҳам илмий ишим юзасидан тадқиқот олиб бориш жараёнида олимнинг мақолалари, монографияларидан ўз ишимда фойдаланишга муваффақ бўлганман.

Домла мунтазам равишда илмий тадқиқот билан шуғулланар эди. Ҳар йили йигирмага яқин мақолаларни Республика ва хорижий журнал ва газеталардан нашр қилдирап эди. Доимий равишда ўз устида ишлар эди. Ҳеч қачон билим олишдан ва олган билимини талабаларга қўёш нури сингари тарқатишдан чарчамас эди. Ўз билимини талабаларга етказишга ва ҳеч ҳам баҳиллик қилмас эди. Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабаларига дарсларни қизиқарли тарзда тушунтирап ва бундан талабалар ҳар доим мамнун эдилар. Домланинг дарсига энг ялқов, дарсларга ҳам тўлиқ келмайдиган талабалар ҳам қизиқиб келишарди. Чунки, домланинг дарс ўтиши, доимий турли қизиқарли методлар билан ўтказарди. Ўзбек адабиётини тушунтиришда ҳаётий мисоллар билан тушинтирап эди.

Домла фақатгина режадаги нарсалар билан кифояланиб қолмай талабаларни ҳам илмий иш қилишга қизиқтиради. Бунинг натижасида эса талабаларга атаб “Студентларни илмий-тадқиқот ишларига ўргатиш” номли услубий қўлланма ҳам тайёрлаган эдилар.

Бундан ташқари “Ҳозирги ўзбек адабий танқиди”, “Янги педагогик технология” номли услубий қўлланмалар чоп эттирган. Жами 100 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалари турли матбуот сахифаларида нашр қилинган.

Домладан кўп нарса ўрганса бўлар эди. Ўз фикрини ўқувчи ва тингловчига етказа билиш кўникмаси ўта кучли эди, яхши мактаб таълим мини олган эди. У сўзини билиб ишлатарди, ортиқча кераксиз сўз ва жумлаларни ишлатмас эдилар. **Илоҳим домланинг жойлари жаннатта бўлсин!**

ИЛК ТАҚРИЗ ЁЗИШГА УНДАГАН САМИМИЙ УСТОЗ

*Дилнавоз Салимова,
ЖДПИ доценти вазифасини бажарувчи,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Устозлар само ёритқичи каби ёгду сочадилар. Яхшилик йўлини кўрсатувчи юлдузларга ўхшаб мудом чараклаб турадилар.

(Фихме)

Хотира ёзиш ҳақида сўз борганида хотирага олинаётган шахснинг кимлиги, касби, лавозими, оила ва жамиятда тутган ўрнини кўрсатиш билан боғлиқ хотира эссеси юзага келади, албатта. Агар хотира сўзи ўқитувчи ва айни пайтда олим инсон ҳақида борганида, назаримизда, ушбу хотира эссеси тилга олинаётган инсон фаолиятининг биргина ёди, ёш авлодларга ибрат, намуна қилиб кўрсатувчи катта бир аҳамиятли саҳифага айланади. “Ўқитувчи энг масъул вазифани адо этади – у инсонни шакллантиради”, дея бежиз таъриф берилимаган китобларда⁶. Шогирдлари шаклланиб, камол топишида муҳим ўрин тутувчи касб эгаси – ўқитувчи, ҳам олим Икромов Исомиддин домла бугун хотирамиз қаҳрамони.

Гарчанд адабиётшунос бўлсан-да бир неча йиллар “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишладим. Филология соҳасининг турли мавзуларидаги маъruzalарини ўқиган устозларнинг нутқий одблари, чексиз илм сарҳадларидан боҳабарлиги мен – ёш филолог ходим кўнглига ўз таъсирини кўрсатган эди.

Бадиий адабиёт, адабиётшунослик фанига бўлган қизиқишим туфайли илмий-тадқиқот ишимни адабиётшунослик масалаларига бағищламоқни қўнглимга тутган эдим. Ниятимга етиб, номзодлик диссертациям мавзуси ўзбек шоирлари шеърларининг рус тилига таржималари муаммолари тадқиқига бағищланган, бироқ ўзим эса тақдир зайди билан “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасида ассистент лавозимида ишлаш насиб қилган эди. Тилшунослик фанлари – эски ўзбек ёзуви, умумий тилшунослик ва яна бир неча тилга оид фанлардан профессор-домлаларга ассистентлик қиларканман, филологиянинг ҳар икки йўналиши–тилшунослик ва адабиётшунослик бўйича билим, кўникмаларимни оширишим устида қаттиқ ишлаш энг асосий юмушимга айланган эди ва бу жараён ёш ўқитувчига қанчалик машақкатли туюлмасин, мақсадга интилишнинг самарасини кўрсатувчи йўл экани менга аён эди. Қолаверса, атрофдаги мен бирга ишлаётган устоз ва ҳамкасларимнинг қандайдир ўгитлари, насиҳатлари, бошидан ўтказган илм ўйлидаги синовлари ҳақида кўриб, гувоҳи бўлиб ёки тинглаш асносида ўзимда

⁶ Тафаккур гулшани. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 221.

шижоат сезиб келганман. Яъни ҳар кимнинг илмий фаолиятидаги кўрган-кечиргандари – бирни кўриб шукр қиласам, бирни кўриб фикр қиласдим, озми-кўпми мотивация олардим.

Кафедрада иш столим устида тилшунослик фанларига мансуб дарслик, қўлланмалар билан бирга илмий тадқиқот ишим учун тўплай бошлаган библиографик манбалардан айримлари ҳам ёйилиб ётарди. Бир куни Исомиддин Икромов домла коридордан ўтиб кета туриб, бизнинг тилчилар кафедрасига ҳам бир кириб ҳамма домлалар билан кўришиб-сўрашиб, ундан кейингини ўзларининг хоналарига ўтиш одатларини тарқ қилмаган ҳолда кафедрамизга кириб келган эканлар-у, мен бошимни кўтартмай ҳалиги китобларим мутолааси билан берилиб кетганим боис, домланинг хонага кирганларини сезмай қолган эканман. Домланинг: “*Ҳамма дарсдами, дейман?*” деган овозидан чўчиб кетиб, ўрнимдан туриб домлага салом бердим. Саломимга алик ола туриб Икромов домла столим устидаги китобларга кўз ташладилар. Китобларга қизиқиш табиий ҳол эди, албатта. Таржимашунос олим, профессор Файбулла Саломовнинг “Эзгуликка ҷоғлан, одамизод” деган китобини қўлга оларканлар, самимият билан фикрини баён қиласди: “*Ажойиб инсон, домланинг янги китоби бу... Файбулла Саломовнинг монографиялари бир томондан, Наим аканинг (академик Наим Каримов) китобларини бир томондан пухта ўзлаштирусангиз, худо хоҳласа, диссертациянгизнинг илмий қиммати юқори бўлади*”, деди илиқ табассум билан. “*Катта раҳмат, ишонч учун, домла*”, дея олдим бироз тортиниб. Икромов домла навбати билан бошқа китобларга ҳам назар солди, китобларга қизиқадилар экан жуда ҳам, дея кўнглимдан ўтказдим. Шунда Исомиддин Икромов домла бирдан жиддийлашдилар-да, менга ялт этиб қараб сўрадилар: “*Дилнавозхон, сиз эски ёзувдан ҳам дарс бераяпсизми? Тилдан дарс ўтиб, адабиётдан илмий иш қиляпсизми?*”. “Ҳа, - дея олдим базур. “*Нега тилдан мавзу олавермадингиз?*” – ажабланиб сўради яна. “*Адабиётишунос бўлишини танлаганман, домла, чунки мен мактабда ишлаб юрган кезларим Наим Каримов устозни Жиззахда ўтказилган конференцияда учратганман, у ерда маъruzalарини тинглаб, улар билан яна илмий учрашишини орзу қилиб юрадим*”, дея жавоб бердим. “Ҳа, - деди Исомиддин Икромов, *кўнглингиз адабиёт соҳасида экан-да, тилишуносликдан боҳабарлик ҳам илмий ишингиз савиясини оширади, ишонаверинг*” деганча кафедрадан чиқиб кетдилар.

Мен Икромов домлани шу факультетнинг битиравчи курсида эканимда Ўзбек адабиёти фанидан маъруза ўтгани ёдимга тушиб кетди. Талабалик давримдаги самимий мулоқотлилик, очик чехралик ва албатта шогирдларга эътиборлилик сифатлари шундоқ кўз ўнгимдан ўтди. Илк бор номзодлик диссертациям мавзуси кафедра кенгашида тасдиқдан ўтганида ҳам биринчи бўлиб, Икромов домла табриклаган эди: “*Ойбек лирикасининг рус тилидаги таржималарини тадқиқ қилиши учун сиз нафақат Ойбекни, ҳатто Ойбекшунос бўлган Наим акани ҳам олим ва яхши инсон сифатида танишингиз керак... Бу ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, мен сизни атоқли олимга шогирд тушганингиз учун ҳам табриклайман*”, – деган эдилар.

Қишининг рутубатли ойлари тугаб, баҳорий нафас кезган чоғлар, мен анчамунча мақолаларимни журнал ва конференция материалларида чоп эттиришга улгуриб илмий ишимнинг дастлабки боблари тадқиқининг қизгин палласида юрган кезларим эди. Апрел-май ойлари эди, аниқ ёдимда қолмаган экан, адабиёт кафедрасида бўлаётган навбатдаги услубий семинар йиғилишига кутилмагандан мени ҳам таклиф қилиб қолишиди. Адабиёт кафедраси йиғилишига нега мени чақиртиришиди, деганимча ҳайрон бўлиб, йиғилишига қатнашдим. Бу пайтда Исомиддин Икромов кафедра мудири лавозимида ишлар эдилар. Келганимда, кафедра йиғилиши яқунланиб қолган экан. Икромов сўз олиб турган экан, мени кўриб:

–Дилнавозхон, биз сизни кафедрамиз аъзолари билан бирга келишиб битирувчи талабаларидан иккитасининг ўзбек адабиёти мавзусидаги битирув малака ишига тақризчи қилиб белгиладик, қаршилигингиз йўқми?

Мен бу кутилмаган хабардан жуда севиндим. Тўғри, битирув малакавий ишига тақризчи белгилаш учун адабиёт кафедраси аъзолари етарли эди, бироқ гап бунда эмасди, домла ўша қиш фаслида кафедрамизга кириб, мутолаа қилиб ўтирганимда китобларимни кўриб, адабиётга бўлган ихлосимни пайқаган эканлар.

Адабиётшунослик бўйича тақриз ёёсангиз тадқиқотчи сифатидаги лаёқатингиз янада ошади, сизга шу имкониятни беришни лозим топдик. Қолаверса, масалани илмий йўсинда таҳлил қилиш қўникмасини беради, бундай қўникма эса тадқиқотчида бўлиши керақ, дея хулоса қилдилар йиғилиш кун тартибидаги масалага. Менинг ушбу воқеадан мамнун бўлганимнинг яна бир боиси адабиёт кафедрасидаги устоз ва ҳамкаслар қаршилик кўрсатмасдан туриб, бир овоздан “Ўзбек тиљунослиги“ кафедраси ўқитувчисига ўзбек адабиётидан БМИГа тақризчи қилишга қарор қилганлари эди.

Исомиддин Икромов домла ҳақида хотира ёзарканман, шунга амин бўляпманки, илмий ишим йўлида учратган ҳар қайси устоз, дўст ёки ҳамкор-у ҳамроҳ бўлмасин, инсонийлик сиймосига монанд бирор хатти-ҳаракатлари билан, қайсиdir жиҳатлари билан хотирамда ўз ўрниларига, қадр-қимматига эга бўлиб қолганлар мен учун. Исомиддин Икромов домла институтга келганимга беш-олти йил бўлишига қарамасдан, ҳали илмий ишимни ёқлаб, илмий даражага эга бўлмасам-да, бироқ илмий лаёқатимга билдирган самимий ишончи туфайли мен шу устознинг шарофати билан илк бор тақриз ёза олганман, тақриз ёзишнинг маъсулиятини ҳис қилганман...

Устознинг самимий муносабатлари яна қанчадан-қанча шогирдлар ёдида порлоқ хотира бўлиб қолганига асло шубҳа қилмайман.

ОТАДЕК УЛУҒ ИНСОН

*Зухра Мамадалиева,
ЖДПИ доценти,
филология фанлари номзоди*

Олим киши кечалари қойим, кундузлари рўзадор мўжоҳиддан афзалдир. Олим вафот этса, Исломда бир ёриқ пайдо бўлади. У ёриқни фақат олимнинг ўринбосаригина тўлдиради.

(Али розияллоҳу анху)

Исомиддин Икромов деганда кўзимнинг олдига сипо-ю, салобатли нигоҳи билан теран бокувчи, талабага меҳрибон бўлса-да, лекин масофа сақлашни биладиган, педагог этикасига мос кийинадиган, ўзига эътибор қиласиган инсон келади. Мен домлани илк бор талаба деган шарафга эришиб, Жиззах давлат педагогика институти остонасидан минг бир ҳаяжону ҳадик билан ўтган ва мен учун олис тарихга айланган 1994 йилдан бери биламан. Ўшанда, кўпчилик биз талабаларга негадир баланддан келиб муомила қилгандек бўларди. Бу даргоҳга ҳар ким ҳам кира олмаслигини, агар яхши ўқимасак ва институт тартиб-қоидаларини бузсак, ўқишдан ҳайдалишимизни тез-тез писанда қилишарди. Ўшанда мен “олий таълим ўқитувчиларининг ҳаммаси шундай “олис чўққи”даги одамлар экан-да” деб ўйлар ва қўнглимдаги ҳадикнинг ҳам сабаби шу эди. Менинча кўпчилик курсдошларимизнинг ҳам аҳволи шундай эди-ёв... Лекин Исомиддин Икромов домла бошқа ўқитувчиларга сира ҳам ўхшамасди. У киши ўша пайтлар деканнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифасида ишлар ва Самарқанд давлат университетидан келганига ҳеч қанча бўлмаган экан.

Ўша мен учун олис тарихга айланган 1994 йилда домла Жиззах давлат педагогика институтига ишга келган экан. Ўшанда ҳам, ундан кейин ҳам домланинг талабага ҳам, лобаранту котибаларга ҳам овоз кўратиб гапирганини, қаттиқроқ овоз билан койиганини эшитмадим. Баъзи раҳбарлар томогини йиртиб бажартира олмаган ишни, қизифи шундаки, Исомиддин Икромов сокин овоз билан бажартирас, дарсга талабалар ҳам, ўқитувчilar ҳам ўз вақтида келишар, факультет ҳам домланинг феъли каби сокину осойишта эди. Домла мени иқтидорли талаба деб билғанлари учунми ёки шароити яхши бўлмаган оиладан эканлигимданми, қандайдир, пинҳоний аяшга ҳаракат қилас, пул йиғиш масалаларида гўёки “кўрмай қолар”, шу йўл билан ёрдам кўрсатишга уринар эдилар. Балки бу сўзларим кимлар учун арзимаган, майда гапдек, ёки бачканга туюлар, лекин ўша пайтлар, мустақилликнинг илк йилларида ҳеч ким ишламайдиган оиладан чиқиб ўқиётган мен каби талаба учун катта ёрдам эди. Домла билан ўртамиздаги самимий устоз-шоғирдлик муносабати мен шу институтни битиргунимча давом этди.

Кейинчалик “Ўзбек адабиёти” кафедрасига мудир бўлган домла бизга З-курсга келиб, “Ўзбек адабиёти тарихи” номли ўқув курсининг XX аср адабиёти бўлимидан дарс ўта бошлади. Домланинг ўқитувчилик, педагоглик қобилиятини мен ўшанда ўзим учун кашф этдим. Исомиддин Икромов ўзига хос салобатли қиёфа билан сипо овозда маъруза ўқир, талабаларга мавзуни мана шу сокин овозда

ҳам етказиб берарди. Домланинг маърузасидан кўпроқ дарслиқдаги маълумотлар эмас, балки ҳаётий далиллар ўрин оларди. Жумладан, домла Миртемир ижодини ўтиш жараёнида шоир шеърларини халқ мақолларига, мatalларига қиёслаб ўтгани, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев ижоди ҳақида сўз борганда адиблар билан бўлган шахсий мулоқотлари, учрашувлари, сухбатлари ҳақида гапириб бергани кечагидек эсимда. Шунинг учун дарс жонли ва ҳаётий тус оларди.

Домланинг китобхонлик маданияти, китобга эътибор ҳақидаги маслаҳатларини ҳам кўп эшитганман. *“Учта жойда ишлайман, икки жойдаги иши ҳақимни рӯзгорга ишлатсан, учинчи – музейдаги маошимга, албатта, фақат китоб оламан. Ҳар эҳтимолга қарши икки нусхадан оламан”*, – дегандилар домла. Домла китобга ўзига эътибор бергандек асраб-авайлаб, гард юқтирмай сақлардилар.

2012 йил. Мен учун яқин тарихга, аниқроғи тарихнинг муҳим бир бўлагига айланган бу йилда мен Жиззах давлат педагогика институтига, ўзим ўқиган даргоҳга ишга келдим. Орадан ўн уч йил вақт ўтган бўлса ҳам, Исомиддин Икромовда самимийлик ва ўзига хос салобату сиполик аввалгидек эди. Домла ҳамон ўшандек ўзига эътиборли, педагог эстетикасиға мос кийинган, эгнига гард юқтирмаган ҳолда эдилар. Домла билан у киши умрининг охиригача бирга ишладим. Лекин бирор бир талаба билан келишмовчиликка борганини ёки бирор гапиригандарини эшитмадим.

Домланинг тоблари йўқ пайтлар эди. У кишини кўргани уйларига бордик. Домла беҳад хурсанд бўлдилар, назаримда тетиклашгандай, бизнинг дийдоримиз сабаб дардни енгиб ўтадигандек эдилар. Янгамиз Гулбаҳор опа ҳам борганимиздан, бизни кўриб домланинг кайфияти кўратилганлигидан ҳурсанд эдилар. Бирок умр бевафо экан, Исомиддин Икромов 2014 йил 63 ёшида вафот этдилар.

Домла жуда оилапарвар инсон эдилар. Янгани беҳад қадрлар, буни сўз билан ҳам, амалда ҳам исбот этар эдилар. Шаҳло қизларини ўзларининг изидан бораётгани билан фахрланардилар. Дарҳақиқат, ота касбини улуғлаган Шаҳло Исомиддиновна Ботирова ҳозир Чирчиқ давлат педагогика институтида доцент вазифасида ишламоқда. Улуғбек ўғлининг врач бўлганидан шодланар эдилар. Оналарининг узоқ умр кўраётганидан ғуурланиб, *“бадавлат инсонман”*, – дердилар. Умр бевафо, лекин хотира улуғ ва муқаддасдир. Филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси Исомиддин Икромов хотираси устознинг фаолиятини давом эттираётган фарзандлари, шогирдлари қалб ардоғида мангу яшайди!

УСТОЗ ЙЎЛИН ТУТМОҚ - ШОГИРД ИҚБОЛИ

Тўхтамурод Кўчқоров,

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Жиззах
филиали Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, ф.ф.ф.доктори (PhD)*

*Соясини топтамаслик учун устоздан икки қадам орқада юр.
(Япон мақоли)*

Афсоналарга кўра машҳур саркарда Искандар Румийдан “*Нечун Арастуни отангиздан ортиқ иззат қиласиз?*”, деб сўрадилар. Искандар жавоб берди: “*Отам мени гўёки осмондан ерга туширди. Аммо устозим мени ердан осмонга кўтарди. Яъни, отам мени дунёга келтирилишимга сабаб бўлди. Устозим илм ва одоб ўргатиб мартаба ва иззатимнинг ортмоғига сабаб бўлди*”.

Шу ўринда мен ҳеч иккиланмай айтишим мумкинки, Устоз Исомиддин Икромов худди шундай менга илм ва одоб ўргатиб, мартаба ва иззатимнинг ортмоғига сабабчи инсонлардан биридир. Жиззах давлат педагогика институтга кирганимдан токи магистатура тугатганумча, яъниким олти йил давомида илм бериш билан бирга тўғри маслаҳатларини беришни аямаган, вақти келса иқтисодий жиҳатдан ёрдам берган, том маънода қадрдон акамдек меҳрибон инсон эдилар, – десам муболаға бўлмайди.

Қолаверса, шу институтнинг энг кўзга кўринган етакчи кафедраси, ўзбек адабиёти кафедраси (ҳозирда ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси)га ишга киришимга у кишининг жўяли маслаҳатлари, ҳам саъий ҳаракатлари сабаб бўлган. Устоз доим ўзларини камтаринлиги, беғараз ёрдами, қолаверса устозлари тугул ҳатто ёш кадрларга бўлган илиқ, самимий муносабати билан барчага ўрнак бўла оладиган даражада юксак эдилар. Бундай мақомга эришишларига устозни дунёвий билимлари билан бирга диний билимлари ҳам етарли бўлганлари сабаб бўлган бўлса керак. Чунки, устоз илм олиш ва ўрганиш ҳақида бир кун биз шогирдлари жам бўлиб ўтирганимизда шундай деган эдилар: *Расуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб, шундай деган эканлар “Илм ўрганинг, илм учун сокинлик ва викорни ҳам ўрганинг. Ва сизларга илм ўргатаётганларга тавозе билан ўзингизни паст тутинг” бу Имом Табароний “ал-Авсат” да ривоятларидан, агар шунга амал қилсангиз кам бўлмайсиз.*

Мен илм йўлига кирап эканман, Устозни бот-бот шу сўзларини эслайман ва шунга амал қилишга ҳаракат қилдим. Натижаси ёмон бўлмади. Назаримда Устознинг ўзлари ҳам бир умр шунга амал қилиб яшадилар. Устоз ўзларига маъқул, лойиқ кўрган нарсаларни биз шогирдларига раво кўрар эдиларки, бу ҳам устознинг ибратга, ҳурматга лойиқ жиҳатлари деб биламан.

Устознинг қилган ибратли ишлари, беғараз ёрдамлари ҳамда инсон сифатидаги самимий қиёфаси ҳеч қачон ёдимииздан кўтариilmайдi. Чунки устоз Исомиддин Икромов ҳақиқий дипломат инсон эди, десак хато бўлмайди. Сабаби кафедрада бўладими, ёки бошқа одамлар орасида бўладими, бирор келишмовчилик ҳолатлар келиб чиқса, домла албатта ушбу вазиятни тинч йўл билан, тезлиқда еча оларди.

Яқинда жуда ибратли ривоят ўқиб қолдим, унда устозга кибр қилиш, уни менсимаслик тубан хулқ ҳамда нифоқ аломатлари ҳисобланиши ҳақида ёзилган бўлиб, шуни сизлар билан баҳам кўришни лозим топдим. Бу ривоят мени ёдимга кўп нарсаларни солди ва буни эслашимдан мақсадим қани энди ҳамма шунга амал қилиб яшаса, инсонлар ва Устозлар қалби озорланмасди. Шу боис шу ривоятларни келтириб ўтишни лозим топдим. Имом Табароний “ал-Кабир”да ривоят қилган ҳадиси шарифда бундай дейилади: *“уч тоифа инсон борки, уларни фақат мунофиққина ҳўрлайди: Исломда мўйсафид бўлган қария, илм соҳиби ва одил раҳбар”*. Саҳобалардан Саҳл ибн Саъд ас-Сўидий (разияяллоҳу анху) ривоят қилишларига кўра, Расуллолоҳ (с.а.в.) Аллоҳга илтижо қилиб: *“Эй Аллоҳ, алим (билимдон)га эргашмайдиган, ҳалим (оқил)дан эса ҳаё қилинмайдиган бир замон устимга келиб қолмасин”, дея олим ва устозлар ҳурмат қилинмайдиган замонда ҳаёт кечиришидан паноҳ сўрар эдилар* (Имом Аҳмад Ривояти). Ўйлаб қоламан, Устоз *“ҳалим (оқил)дан эса ҳаё қилинмайдиган бир замон”* ҳеч қачон келишини истамаганларки, чунки ўzlари буни заҳрини тотиб кўрганлар, шу боис ҳеч кимга уни раво кўрмаганлар. Чунки онда-сонда бўлсада, устознинг *“Соясими топтамаслик учун устоздан икки қадам орқада юр”* у ёқда турсин дилини ранжитайдиганлар ҳам учраб туради.

Ҳа, Устозим мисли ёниб турган шамга ўхшайдилар. Ўзлари ёниб, атрофга нуру зиё сочганлар. Биз шогирдлар ана шу нурдан баҳраманд бўлдик. Ўз вақтида уларнинг таълим-тарбияларидан баҳраманд бўлганимиздан ғурурланаман. Устоз сабоқ-ўйтитларидан ўзим учун шундай хулоса чиқарганман, ҳар бир инсон ёшидан, мавқейидан, даражасидан қатъий назар сабоқ берган устоз-мураббийи олдида мудом таъзимда бўлмоғи керак..

Бинобарин, Ҳазрат Навоий айтганларидек, ҳақ йўлида бизга минг ранжу қийинчилик билан сабоқ берган муаллимларнинг машаққатли меҳнатлари ҳақини ҳеч бир бойлик ёки ганж билан ўлчаб бўлмайди. Наздимда, Устозни биз шогирдларга меҳнатлари бекиёс. Ҳар биримизнинг муайян даражага эришишимизда уларнинг ҳам илм, ҳам ҳаёт соҳасидаги сабоқларига таянганмиз кўл келган. Шу боис, Устоз отамиз каби улуғ ва биз учун азиз.

Инсондан муваффақиятларингизнинг сири нимада деб сўраганларида, албатта, устозларимнинг дуоси дея жавоб беришади. Айнан уларнинг дуоси бизга зиё сочади, камолотга етишишимизда қанот бўлади. Мен ҳаёт йўлимда ҳар бир эришган муваффақиятимда Устозимни дуоси ва мендан ризолиги сабаб бўлди деб ўйлайман. Шундай меҳрибон устоз, Исомиддин Икромов сингари ўз касбини севадиган, ўз фанини чуқур биладиган, фидоий, камтарин, хушфеъл, хушчакчақ, маданиятли, бирорга озор етказмайдиган, кўнглида заррача кири йўқ, барча ибрат олса арзийдиган қадрдан устоз ҳамроҳ бўлганидан ва менга устозлик қилганидан фахрланаман. Устоз охиратингиз обод бўлсин! Бугун сизнинг шогирдларингиз бирон бир ютуққа эришган бўлса, бу сизнинг заҳматли меҳнатларингиз меваси. Шу боис биз сизнинг олдингизда қарздормиз. Дуогўй устозимиз Исомиддин Икромов, Сиздан чексиз миннатдормиз, Сиз бир-биридан ўткир шогирдларингиз, яқинларингиз қалбida абадий қоласиз! **Аллоҳим чин дунёдан ҳам ўрнингизни азиз мўътабар қилсин, Сиз бунга тўла лойиқсиз!**

ЭҲТИРОМ

*Абдурашид Тўйчиев,
Давлат тилида иш юритиши
асосларини ўқитиши ва малака ошириши маркази
Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари*

*Устоз отангдан улуг.
(Халқ мақоли)*

Талабаларга дарс ўтаётганимда бир эътирофни қайта-қайта таъкидлаб келаман: “*Бизнинг энг зўр ютуғимиз шуки, устозлардан ёлчиганмиз, ўз ишининг ҳақиқий моҳир усталари – етук олим ва педагоглардан таълим олганмиз. Устозларимиздан олган сабоқларимиз натижаси ўлароқ, ниҳоятда кучли мутахассис сифатида етишдик деб мақтана олмасак ҳам, ҳар қалай сизга нимадир бера оладиган даражада етишиа олдик ва бугун қаршиингизда турибмиз*”. Ўйлайманки, ушбу эътирофда муболаға йўқ ва дарҳақиқат, талабалик давримизда бизга таълим-тарбия берган Пўлат Ҳамдамов, Олимжон Жўраев, Турсунқул Алмаматов, Мустафоқул Каримов, Салоҳиддин Турсунов, Файзулла Бойназаров, Баҳодир Файзуллаев, Усмонжон Қосимов, Жавқон Лапасов, Қодир Пирматов, Абдулҳамид Абдувалиев, Назруллоҳ Расулзода ва бошқа кўплаб устозларимиз бизга нафақат филология илмини юксак даражада сингдира олишган, балки ўқитувчилик касбига меҳр уйғота олишган.

Ана шундай улуг устозларимдан бири сифатида мен Исимиддин Икромовни ёдга оламан. Устознинг сифатлари ҳақида кўп гапиришим мумкин, лекин мен энг муҳимларига тўхталиб ўтаман.

Устозда мени ўзига ром қилган энг биринчи ҳолат у кишининг ўта тартибли ва интизомли бўлганликларидир. Талабалик давримда эътибор қилганим ушбу сифат – устознинг ёзуви ниҳоятда чиройли эди. Ҳар бир қўлёzmани хатосиз, бўяmasдан, тез ва осон тушунадиган қилиб битишлари у кишининг мулоҳазакор, ҳар бир гапни ўйлаб гапирадиган ва шу тахлит ёзадиган теран фикрли эканликларидан далолт беради. Қизиги устознинг хусниҳатлари нафақа ёшига етганларида ҳам ўзгармаган, ҳали-ҳамон олдингидек чиройли ва тартибли эди.

Устоз билан илк марта биринчи курсда ўқиб юрган кезларимизда яқиндан танишганмиз. Ҳеч эсимдан чиқмайди, дарс бошланганда, “*Қани, Абдурашид, чиқинг-чи, гурӯҳ сардоридан эшиштайлик, бир шеър айтиб беринг-чи*”, – деганлар. Мен Абдулла Ориповнинг “Муножотни тинглаб” шеърини айтиб берганман. Шеърни бузиб, мисраларда айrim хатоликлар билан ўқиганимни ўзим ҳам сезганман ва хижолат бўлганман. Устоз, “*Бу шеър ўқишиингизни Абдулла Орипов эшишсалар борми, шеър ёзганига пушаймон бўлар эдилар*”, деб ҳазил қилиб гапирганлар. Мен хижолатчиликдан чиқиши учун у кишига “*Истасангиз, Есенин, Блок ё Жуковскийдан ўқиб берай*”, – дегандим. Шунда устоз жиддий қиёфада, “*Йўқ, Абдурашид, сиз Навоийдан кўпроқ ўқинг, Ҳамид Олимжонни ўқинг, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Ойбек, Муҳаммад Юсуфларни ўқинг*”, – дегандилар.

Аудиторияга дарсга кирап эканлар, ўзлари билан ўнга яқин китобларни олиб келар эдилар, шеърларни ёддан ўқиб беришдан ташқари, барчамизга китобларни тарқатиб, қайси шеърларни ёд олишимиз кераклигини уқтирадилар. Биз уларни кўчириб олиб, ёдлар эдик. Кейинчалик тушундимки, бу бежизга эмас. Ўтган асрнинг 90-йиллари, яъни биз таҳсил олган йилларда китоб ва дарсликлар етишмасди, ана шунинг учун ҳам устозимиз китобларни олиб келиб тарқатар эканлар. Шеърларни ёддан айтиб бериш ва китоблардан мисол келтириш асносида устоз, **“Биз уйда янгангиз ва болалар билан ҳам кўп китоб ўқиймиз, шеърлар ёдлаймиз”**, – дердилар ва мен бунинг шахсан гувоҳи ҳам бўлганман. Ва яна, **“Орангиздан кимгадир қайсиdir китоб керак бўлса, бемалол уйимга бориб, шахсий кутубхонамдан фойдаланишингиз мумкин, фақат олиб келиб бериши шарти билан”**, – деб тайинлаганлар. Умуман олганда, ўрни келганда айтиб ўтишим жоизки, адабиёт илми бўйича зарурӣ манбаларнинг кўпчилигини айнан Исомиддин Икромов, Олимжон Жўраев, Усмонжон Қосимов каби устозларимизнинг шахсий китоб жавонларидан олганмиз ва ўргангандиз.

Айнан устозга берган ваъдага кўра, уйларига бориб, шеърий китоблардан олиб, ўқидим, ёдладим. Бир ой ичида Муҳаммад Юсуфнинг “Ишқ кемаси” китобидаги шеърларни, кейинроқ Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ойбек, Шуҳрат шеърларини ёддан айтиб берганман.

Биз талабалик давримизда устоз билан пахта йифим-теримларида бирга бўлганмиз, шунингдек, у киши анча йиллар факультетда ўқув ишлари бўйича декан ўринbosари сифатида фаолият олиб бордилар. Талабалик давримиз – ёшмиз, шўхмиз, унча-мунча тартибсизлик, қоидабузарлик қилиб қўярдик, у киши эса бизни қаттиқ жазоламасдилар, оғирлик билан насиҳат қилиб, **“иккинчи қайтарилмасин, кейинги сафар аямай жазолаймиз”**, – деб тайинлардилар. Бизга шунинг ўзи, мулоимлик билан берилган шу даккининг ўзи етарли бўлган. Шу ўринда устознинг меҳрибон ва талабаларга ҳақиқий дўст эканлигини айтиб ўтишни ўринли деб биламан. Талабалиқ, ҳаммага маълум ҳолат, чўнтақ қуруқ, ҳали унга, ҳали бунга етмай қолади дегандек. Ана шундай вақтларда биз устоз Исомиддин Икромовдан кўп марта қарз ҳам олиб турадик ва буни бошқа курсдошларим ҳам тасдиқлашади.

90-йиллар етишмовчиликларини, айниқса, бизга ўхшаб талаба бўлганлар билишади. Ҳозир буни айтсангиз, унча-мунча одам ишонмайди. Умуман, талабалар учун **“қорин-қурсоқ ғами”** ўта қийин масала эди.

Ўша пайлари рамазон ойи қаҳратон қишига тўғри келганди. Саҳар вақти ижара уйимиздан чиқиб, изгиринда нон дўконига борардик, навбатда туриб нон олардик, буни ўша вақтда “Заргарлик” маҳалласида яшаганлар яхши эслашса керак. Озгина кечиксак, нонсиз, табиийки, сахарликсиз қолар эдик. Ана шундай тонгларнинг бирида у маҳаллар шу маҳаллада истиқомат қиласиган устозимиз сахарликка турган вақтлари уй (“Заргарлик” маҳалласи 11-уйнинг биринчи қаватида яшардилар) олдида айланиб юрган кўйи бизни учратиб қолганлар. Ҳолаҳвол сўраб, қуруқ қўл билан қайтаётганимизни кўриб, уйга, сахарликка таклиф қилганлар, унамаганимизда эса, уйларидан нон олиб чикиб берганлар. Шу ўринда айтиб ўтишим керак: ўша пайлари биз талабалар билан бир тишлам нонни баҳам

кўрган устозларимиз Исомиддин Икромов, Олимжон Жўраев, Усмонжон Қосимов, Салоҳиддин Турсунов, Мардонқул Турсунпўлатов, Ҳаким Ўроқов, Қаҳрамон Ёдгоров, бошлангич таълим факултетида ишлаган Аҳад Сувонқуловларнинг саховати бир умр қалбимизга муҳрланиб қолган.

Мен институтни битиргач, орадан бир неча йиллар ўтиб, ўз устозларим билан бирга ишлаш баҳтига мұяссар бўлдим. Менинг таълим соҳасида мутахассис бўлиб етишишимда кўплаб устозларим – Ғафуржон Мухамедов, Баҳти Очилова, Баҳодир Файзуллаев, Баҳром Мамажонов ва табиийки, ўзбек тили ва адабиёти факултетида фаолият олиб борган қатор устозларимнинг эътибори, ёрдами, ўгит ва тажрибалари асос бўлган. Ана шундай устозларим орасида, албатта, Исомиддин Икромовнинг алоҳида ўрни бор. Мен факультетда декан ўринбосари, институтда ўкув бўлими бошлиги бўлиб ишлаган даврларимда у киши ўзбек адабиёти кафедраси мудири сифатида узоқ йиллар фаолият олиб борганлар. Биринчи навбатда, *“шогирдимиз шу мартабаларга эришиб, шу лавозимларда ишлаб, ўз зиммасидаги масъулиятларни бекам-у қўст уddaлаб келаётганидан хурсандман”*, – деб доим таъкидлаб келардилар. Шу билан бирга, ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, кўмак берардилар, ўргатардилар. Мен бундай устозларим билан касбдош-у елкадош бўлиб ишланимдан доим ғурурланаман.

Исомиддин Икромов ҳақида гапирганда у кишининг оиласи ҳақида тўхталмай иложи йўқ, чунки у кишининг оиласини яқиндан биламан. Устознинг оиласида доим ўзаро меҳр, оқибат, яқинларга ва ўзгаларга чексиз хурмат-иззат борлигига имон келтирганман. Буни меҳри дарё янгамизнинг муомаласидан, қизлари Наргиза ва Шаҳлоларнинг тарбиясидан (ҳар иккаласига дарс бериш насиб этган менга), ўғли Ойбекжон билан ака-уқадек бўлиб кетганимиздан ҳам биламан.

“Устоз отангдан улуг”, деб бежизга айтилмаган. Исомиддин Икромов менга ҳам талабалик давримда сабоқ берган, ҳам иш фаолиятим даврида елкадош бўла олган. Ҳаётнинг турли синовларидан ўтиб, унинг сўқмоқларидан том маънодаги катта йўлга чиқиб келишимиз ана шундай устозлар меҳнатининг меваси десам, асло хато қилмаган бўламан.

БОҒБОННИНГ УСТАСИ ГУЛДАН БИЛИНАР

*Соҳиб Бойсинов,
ЖДПИ катта ўқитувчиси*

Ким илм талаб қилиш йўлини тутса, Аллоҳ таоло уни жаннат йўлига йўллаб қўяди.

(Имом Муслим ривояти)

Умр – оқар дарё деганларидек, адабиётшунос олим, ўз касбининг билимдони, бутун ҳаётини илм машаққатларига бағишиланган ажойиб инсон, фарзандлар камоли учун тиним билмаган устозимиз ҳаёт бўлганларида 70 ёшни қаршилаган бўлардилар.

Ҳақиқий маърифатли, билимдон, маънавияти бой инсонлар чўлларни гулистон қилиш учун тўлиб-тошиб оқаётган дарёга ўхшайди, у ўзидаги илм-маърифатдан ҳаммани баҳраманд қилади.

Филология фанлари номзоди, доцент Исомиддин Икромов ҳам ўзидаги билим ва ҳаёт сабоқларини салоҳиятли мутахассис кадрлар тайёрлашга баҳшида этган инсонлардан бири эди.

1994 йил. Юракларимиз ўқитувчи бўлиш орзуси билан ёниб турган, заҳматли касбнинг масъулият залвори қалбларимизни тўлқинлантирган кунларни ҳали ҳам орзиқиб эслайман... Устозни илк бор ана шу кунларда кўрганман. Кейинги йиллар давомида устознинг маъruzаларини мароқ билан тингладик, сабоқларини олдик. Кўпчилигимизда ўқитувчи мақомини эгаллашга бўлган ишонч, масъулият ҳисси етарли даражада бўлмаган ўша кунларда биздаги бу нуқсонларни йўқотишга, бўшлиқларни тўлдиришга, ўзимизга бўлган ишончнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлолган инсонлардан эди. Амалий машғулотлар пайтида ҳар биримизнинг кўнглигимизга йўл топиб, дилдан суҳбатлаша олиши, керакли пайтда камчилигимизни ўринли танбех билан тузата олганлиги бугун ўз ҳосилини бермоқда.

Домла иш фаолиятлари давомида ўқув ишлари бўйича декан муовини, кафедра мудири вазифаларида ишладилар. Устоз билан, айниқса, декан муовини бўлиб ишлаган йиллари кўп бора ҳамсухбат бўлганман. Чунки гурӯҳ сардори сифатида ҳар куни эрталабдан деканатнинг қунлик топшириқларини олиб, унинг ижросини кун охирига қадар таъминлашимиз шарт эди. Ҳар бир топшириқнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилинишида устознинг қатъиятлилиги мени ҳайрон қолдирган. Бирон иш чала қолиб кетган пайтлари ўзимизча эртага қиласиз (айниқса хужжат юритиш ишларida) деган ўйда юрганимизда устознинг: **“Колган ишга қор ёгар деган мақолни эшишмаганмисиз, бугун шунга ўргансангиз эринчоқлигингиз масъулиятсизликка етаклайди. Натижада атрофдагиларнинг сизга ишончи йўқолади. Эгаллаётган касбингиз ўз ишингизга, вазифангизга доимий масъулиятни талаб қиласи. Шуни эсдан чиқарманг. Қани энди бугунги ишини тугатиб кўйиши ҳаракатини қилинг”**, – деган ўгити сабаб уни якунига етказиб қўярдик. Устоз айтганлариdek, режалаштирилган ишнинг ўз вақтида амалга ошиши кишига обрў ва эътибор олиб келаркан.

2001 йилдан устоз билан бир сафда туриб ишлаш баҳтига мушарраф бўлдик. Бу йиллар давомида у кишининг олимликдаги зукколик, мутахассис сифатидаги заҳматкашлик, раҳбарликдаги талабчанлик каби янги қирраларини кашф қилдик.

Илм олиш ва уни бошқаларга ўргатиш энг савобли ишлардан ҳисобланади. Зеро илмнинг халқ фаровонлиги, Ватан ва жамият равнақидаги ўрни каттадир. Устоз И.Икромов нафақат шогирдларига, балки оиласа, фарзандларига ҳам ўзларидаги эзгу фазилатларни юқтира олган эдилар.

Домланинг умр йўлдошлари Гулбаҳор опа ҳам зиёли, оқила аёллардан бири. Узоқ йиллар халқимизга зиё тарқатишдек мاشаққатли иш билан машғул бўлдилар. Ҳозирда ширин-шакар набираларни тарбиялаш, фарзандларининг камоли учун шароитлар яратиш ишларини ўз зиммаларига олганлар. Домланинг барча

фарзандлари зиёли, маърифатлилар қаторида. Айниқса, севимли фарзандларидан Шаҳлохон ота изидан бориб, ўзбек тили ва адабиёти йўналишини танлади. Ота-она наздидаги кечаги шўх қизалоқ бугун эл таниган, худди отаси сингари ўз касбдошларига сафдош, шогирдларига севимли устоз, фарзандларига меҳрибон она, илм аҳли орасида эса фан доктори даражасидаги Шаҳло Исомиддиновна бўлиб танилди. Устоз, сиз орзу қилган кунлар келди. Бир шоир ўз тақдири сўроғига шундай жавоб олган экан:

- *Тақдир нега мени инсон яратдинг,
Қалбимда шодлигу ғамдан юз нишон?*
- *Мен сенга қалб ила шуур баҳши этдим,
Билгил деб ҳирс нима, нимадир ҳайвон.*

- *Тақдир нега мени меҳмон яратдинг,
“Ярқ” этган чақиндек кечгум бегумон?*
- *Мен сенга қалб ила шуур баҳши этдим,
Билгил деб ишқ нима, нимадир имкон...*

Сиз берилган имкондан унумли фойдалана олган инсонсиз. Сиз тақдирдан рози бўлиб кетганлар тоифасидансиз. Мана бугун Сиз яратган боғдаги гуллар яшнаган, ниҳоллар дараҳт бўлиб ҳосил бермоқда. Ва узоқ йиллар бу давом этажак.

Руҳингиз шод бўлсин Устоз!

УСТОЗИМ – ОФТОБИМ

*Феруза Жумаева,
ЖДПИ катта ўқитувчisi,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Ўзидан мангу хотира қолдирадиган инсонлар учун тугилиши чинакам баҳтдир.

(Перикл)

Инсонлар умри давомида эл-у халқдан куч олиб, илҳом олиб яшайди. Ҳаёт йўлида бизга ҳамроҳ, ҳамнафас бўлган инсонларнинг қадам босишимиз, одимлашимизга таъсири бисёрдир. Халқ тилида ҳам “Яхии билан юрсанг, етарсан муродга, ёмон билан юрсанг қоларсан уятга” деган мақол бор. Энг яхши йўлбошчи: ота-она ва жонкуяр устоздир. Улар тўғри йўлни кўрсатади, мешақатлардан сабр-матонат билан ўтишимизга ёрдам беради. Ота-онанинг, устознинг дуосини олган, уларни рози қилган инсонлар баҳт-саодатга эришадилар. Ота-она парваришлаб, асраб-авайлаб катта қилса, устоз илм нури билан юксалтиради. Шунинг учун доно халқимиз “Устоз отангдан улуғ” деб уни қадрлашади. Илмсевар инсонлар илмни ва уни ўргатувчи олимни излайди. Устоз илм бериш билан бирга тарбиялайди, баҳт-саодатга етаклайди.

Мен Жиззах давлат педагогика институтида ўқидим. Бу муқаддас илм бўстонида билимли, бағри кенг, шириңсўз устозлардан таҳсил олдим. Агар барча сабоқларимни тоғга қиёс қилсан, унинг ҳар бўлагида устозларимнинг машаққатли меҳнати, илми мужассамдир. Шу боис устозларимга меҳрим баланд. Илм оламида шогирдларига кучли эътибор, меҳр бера оладиган устозлар кўп. Раҳматли устозларим Олимжон Жўраев, Исомиддин Икромов, Қаҳрамон Ядгаровлар мен учун ота каби муқаддас эди. Уларнинг сабоқлари, хаёт йўли менга шундай мактаб яратдики, бу мактабда ҳали ҳам таҳсил олаяпман. Бугун устозларимнинг маслаҳатига зориқиб қолсан, муаммоли вазиятларга дуч келиб қолсан, устозларим нима деган бўларди, қандай йўл тутарди деб ўйлайман ва тўғри йўлни танлашга ҳаракат қиласман. Устозларимнинг ҳар бир сўзи менга дарс, ўрнак мактаби бўлган экан. Уларнинг ҳар сўзида, қадам босишида, ҳатто юз-кўзининг ҳаракатида ҳам чукур маъно яширинган экан. Бугун устоз бўлганимда буни чуқур англаб етаяпман.

Раҳматли устозим, Олимжон Жўраев ниҳоятда камтар, тўғрисўз, меҳрибон инсон эдилар. Мумтоз адабиётдан ғазалларни таҳлил қилишни ўргатардилар. Устознинг сабоқлари ғазални севиб ўқишимга сабаб бўлди. Устоздан илм билан бирга камтарлик хислатини ўргандим.

Раҳматли устозим, Қаҳрамон Ядгаров жуда очиқкўнгил, самимий, ҳазилкаш, эътиборли инсон эдилар. Устоздан она тилини мукаммал даражада ўргандим. Шунингдек, инсон бўлиб, ғам-ташвишларни билдириб атрофдагиларни безовта қилмасликни, доим хушчақчақ қиёфада юриб одамларнинг қўнглини кўтариш, уларга яхши кайфият бағишлиш керак эканлигини ўргандим. Раҳматли устозим, умрининг сўнги дамларида ҳам яхши кайфият билан атрофдагиларнинг ғам-ташвишларини аритишга, таълим-тарбия беришга эътиборли бўлдилар. Умрини шарафли устозлик касбига бағишлидилар.

Раҳматли устозим, Исомиддин Икромов жиддий, камгап, меҳнатсевар, илмли инсон эдилар. Бирор масалада мурожаат қилсақ, босиқлик, самимийлик билан жавоб қайтарардилар. Раҳбарларга хос виқор, дадиллик сезилиб турарди. Шунинг учун талабалар бироз ҳайиқишарди. Талабалар бирор масалада мурожаат қилишса, уларни тингларди, кўмак берарди. Шунинг учун барча талабалар устозни яхши кўришарди. Синглим ҳам талабалик даврларини эслагандা, устозни эсга олади ва фаҳрланганча “Тугруқхонада Исомиддин Икромов домланинг бир набирасига сут берганман, қариндошимиз бўлади”, – деб хурсандлигини билдиради. Оиламизда барчамизнинг устозга меҳримиз баланд. Мени, синглимни, укамни ўқитдилар, таълим-тарбия бердилар. Оилавий йигилганимизда устозларни ёд этиб, улардан фаҳрланамиз.

Устозларимизнинг берган илми биз учун ҳаёт йўлимизни ёритувчи офтоб бўлди. Мақсад сари илдам қадам босишимиз учун куч бўлмоқда. Бизга сарфлаган умри, меҳнати ва меҳри учун уларга муносиб шогирд бўлишга бел боғлаганмиз. Шундай илми, меҳри дарё устозлардан таълим-тарбия олганимдан доимо фаҳрланаман, миннатдор бўламан!

ЭЛ АРДОҒИДАГИ УСТОЗ!

*Муродулла Жўраев,
ЖДПИ катта ўқитувчиси*

Чинакам шогирд бор нарсалар негизида мавҳум нарсалар ривожини ўрганади ва шу йўл билан устозига яқинлашиб боради.

(И.Гёте)

Инсон ҳар доим бирор нарсасини йўқотгандан сўнг унинг қадрини билади. Биз ҳам кўпинча ёнимизда, бизга замондош, ҳамсухбат инсонларимизни абадий шундай бўлиб қолади, деб ўйлаймиз ва бу билан хато қилганимизни англаб етмаймиз. Ваҳоланки инсон умри боқий эмаслигини ҳаммамиз яхши билсақда, тан олгимиз келмайди. Улуғ шоиримиз Мақсуд Шайхзода ёзганлариdek;

Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!

“Салом” деган сўзнинг салмоғин оқланг.

Ўлганда юз соат ииғлаб тургандан, –

Уни тиригида бир соат йўқланг!

Шоир таъкидлаганидек, тенгдошларига ҳақиқий дўст, шогирдларига яхши, меҳрибон устоз бўла олган инсонлардан бири, шубҳасиз, адабиётшунос олим, устозимиз Исомиддин Икромов эди.

Исомиддин Икромов талабалик йилларимизда бизга илк бор XX аср ўзбек адабиёти тарихидан дарс берган ва бу орқали бизда бадиий адабиётга бўлган меҳр ҳамда рағбатни уйғота олган, самимий устоз эдилар. Кейинчалик устоз билан бир кафедрада ишлаш баҳтига мұяссар бўлдик.

Ўша вақтлар эсимда, кўплаб расмий хужжатлар билан ишлаш, устозлар ҳамда ҳамкасларга бўладиган муносабат, ҳар доим барчага тенг муомалада бўлиш каби ҳаётий кўнилмаларни Исомиддин Икромов домладан ўрганар эдик. Устоз айрим ҳолларда жаҳли чиқиб турсада, ўзини бир маромда тута олар эди. Домладаги бу жиҳат ҳар доим биз шогирдларга, ҳамкасларга ибрат бўлар ва бундай вазиятларда инсон қандай бўлиши керак, деган саволга аниқ жавоб ҳисобланарди.

Олий таълим тизимида кўпинча устозларимиз талабаларга энг қадрли китобларини ўқиши учун бериб туришади ва аксарият ҳолларда, вақт ўтган сари кимга берганлиги ёдидан кўтарилиши табиий ҳол. Устоз Исомиддин Икромов бу жиҳатдан кўплаб профессор-ўқитувчиларга ўрнак бўладиган даражада эди. Сабаби, домла қайси талабага китобини ўқиши учун берса, албатта ён дафтарига ўша талабанинг исми шарифи ҳамда китоб берилган санани доимий қайд қилиб бораради. Устоз бу орқали “ўзингни эҳтиёт қил қўшинингни ўғри туттма” қабилида адолат тарозисини ҳамиша тенг тутар эди.

Йиллар ўтган сайин устознинг қилган ибратли ишлари, бегараз ёрдамлари ҳамда инсон сифатидаги самимий қиёфаси ҳеч қачон ёдимиздан кўтариilmайди. Чунки, устоз Исомиддин Икромов ҳақиқий дипломат инсон эди, десак хато бўлмайди. Сабаби кафедрада бўладими, ёки бошқа одамлар орасида бўладими, бирор келишмовчилик ҳолатлар чиқиб қолса, домла албатта ушбу вазиятни тинч йўл билан, тезлиқда еча оларди.

Устоздаги бу характер кафедра мудирлиги йилларида ҳам жуда қўл келди. Домла кафедра мудири сифатида жамоада доимий дўстона мухитни яратишга ҳаракат қилас ва ўйлайманки бунга тўлиқ эриша олган раҳбарлардан бири сифатида қўпчиликка ибрат ҳисобланарди.

Устоз Исомиддин Икромов ҳақида жуда кўплаб илиқ хотираларни ёдга олиш мумкин. Сўзимиз охирида Шайхзоданинг Faafur Fулом вафотига бағишлиб ёзган “Faafурга хат” шеъридан қўйидаги мисраларни келтирмоқчимиз:

*Олтмишийиллик умринг ҳаяжонларин,
Тўполонлар, хужумлар, қаҳқаҳаларин,
Кўприкларни, боғларни, чорраҳаларин,
Ғазабларни, меҳрни, сўз маржонларин –
Бир лаҳзада тарк этиб қўчдингми, дўстим?
Шахрингнинг рўйхатидан ўчдингми, дўстим?*

Ўйлаймизки, Устоз Исомиддин Икромов қилган яхшиликлар, эзгу ишлар, хайрли амаллар, катта ҳажмдаги илмий тадқиқот ишлари ҳеч қачон хотирамиздан ўчмайди, келажак авлод учун ҳамиша ибрат ва маҳорат мактаби вазифасини ўтайверади.

ИНСОНИЙЛИКНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ КЎРИНИШИ

*Дилором Тошпўлатова,
Тошкент вилояти Янгийўл
иҳтисослашибирлган санъат мактаби ўқитувчиси*

*Олимларни улуғлаш суннатдандир.
(Ибн Товус роҳматуллоҳи алаих)*

Устозим Исомиддин Икромовни эсласам, юрагимда ажиб бир ҳислар уйғонади. 2002 йил Жиззах давлат педагогика институти “Ўзбек тили ва адабиёти” факультети талабаси бўлиш менга насиб бўлди. 16 ёшимда илк мустақил отонадан узоқда бўлган талаба бўлиб қадамимни қўйдим. Аудиторияга киргандаги илк таассуротлар, албатта, устозлар билан боғлиқ бўлади. Исомиддин Икромов домла биринчи бор аудиторияга кириб келганда иссиқ юзли, меҳрли қиёфада кўз олдимда из қолдирганлар. 4 йил бакалаврда, 2 йил магистратурада таълим бердилар. Ушбу йиллар мобайнида устознинг жаҳли чиқиб, талабаларга ёмон муомила ва муносабатда бўлганини кўрган эмасман. Ҳар доим очик чехрада, илиқ муомалада гапирганларини хотирлайман. Кафедра мудири сифатида фаолият юритганларида ҳам, ҳар бир профессор-ўқитувчиларга, ҳар бир талабага инсонийлик даражасининг энг гўзал кўринишида бўлганларини кўрганман.

Устознинг кенж қизлари Шахло Исомиддиновна билан магистратурани тамомлаб, иш фаолиятимизни яъни асистент-ўқитувчи бўлиб бир кафедрада ишлаганмиз. Устоз ҳар доим мени ўз қизларидек қўриб, нафақат илмда, балки ҳаётий кўрсатмаларида ҳам ўз маслаҳатларини берган. Ҳаттоқи, “Тушлик қилдиларингми?”, – деб сўрашни канда қилмасдилар. Ва кўпинча устозим, мен ва

қизлари бирга тушлик қилар әдик. “*Тушликка кетадиган пулга китоб олинглар*”, – деб бизга тушлик учун пул тўлатмас әдилар.

2011 йил илмий раҳбар бўлишлари учун устоздан розиликларини олдим ва ўзбек насли юзасидан илмий ишимни бошладим. Афсуски, устознинг умрлари қисқа экан. Кутилмагандага биз устоздан айрилиб қолдик. Бу воқеа қизлари Шаҳлога жуда қаттиқ таъсир қилди, шу жумладан менга ҳам.

2019 йил мен устозимнинг қизи Шаҳло Исомиддиновна билан Тошкентда кўришиб қолдик. Воажаб, қиз фарзанднинг отага шу қадар ўхшаб кетишилигини шунда кўрдим. Ҳаётда ва илм йўлида ўз ўрнини топган.

Ҳозирги кунда Шаҳло Исомиддиновна илмий раҳбарим. “Замонавий ўзбек наслида муаллиф онги ва уни ифодалаш шакллари (Улугбек Ҳамдам ва Исажон Султон асарлари мисолида)” мавзусидаги диссертация иши устида изланиш олиб бормоқдамиз. Шаҳло Исомиддиновнанинг ҳар бир сўзлари, илмий маслаҳатлари, ҳаттоқи мимикалари ва мулойим жилмайиб қўйишлари шу қадар устозим Исомиддин Икромовга ўхшайдики асти қўяверасиз.

Бир сўз билан айтганда, устоз Исомиддин Икромов доим хотирамда, нафақат, илм одами балки, ҳақиқий устоз каби муҳрланган.

Фақат, фақат илиқ хотиралар... *Устоз, сиз ҳозир ҳам биз учун ҳаётсиз! Қабрингиз нурга тўлсин, Устозим!*

УСТОЗИМГА ЭҲТИРОМИМ

*Паризод Туропова,
ЖДПИ ўқитувчиси*

*Ҳак йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмии ранж ила,
Айламак бўлмас адo, онинг ҳақин юз ганж ила.
(Алишер Навоий)*

Мен учун қадрли Устозим, бобомдек азиз инсоним Исомиддин Икромовни ёдга олганимда қалбимда доимо уларга нисбатан чуқур хурмат-эҳтиром ҳиссини тужман. 2005 ЖДПИ қошидаги Марат Зокиров номидаги 2-сон академик лицейга талабалар сафига қабул қилиндим, шунда биринчи марта Устозимни кўрганман. Адабиётдан дарс ўтар эканлар, бадиий асар таҳлилига тўхтадилар. Шунда мен, мактаб партасидан келган ўқувчи қиз, ўзга бир оламга тушиб қолганлек бўлдим, уйга бориб аямларга (онамлар ўша пайт институтда лобарант вазифасида фаолият юритар әдилар) тўлқинланиб айтиб бердим, шунда кулиб, “*кўрдингми қизим олимлар қандай инсон бўлишиади, улар талабалари қалбига адабиётнинг нозик инжса туйгуларини сингдира олишиади, шунинг учун улар олим–да, талаба илмни эгаллаши учун албатта устоздан илм ўрганиши ва унинг панду насиҳатларини қабул қилиши лозим. Зоро илм устоз қалбидан шогирд қалбига ўтадиган нурдир. Бу нур фақат устоз орқалигина ўтади*”, – дедилар.

Дарҳақиқат, Устозим – софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқан пок, бутун кучларини, ақл-идрокларини, билим ва зехнларини, қалб қўри-ю меҳрларини шогирдларига бахшида этган заҳматкаш инсон эдилар.

Устозим менга саккиз йил (академик лицейда 2 йил, бакалаврда 4 йил магистратурда 2 йил) сабоқ бердилар. Шу йиллар давомида мен улардан кўп нарса ўргандим, бунинг учун улардан миннатдорман. Яна шуни фахр билан айтишим мумкинки, ёзган ҳикояларимни ҳам кўриб берар ва керакли тавсияларни берар эдилар. 2007 йил устоз Усмонжон Қосимов раҳбарлигига институтда “Абдулла Қаҳҳор ижодий меросининг маънавий – маърифий аҳамияти” мавзусидаги Республика илмий-адабий анжуман ўтказилиши ҳақидаги хабарни Устозим Исомиддин Икромовдан эшиздим ва конференцияга мақола беришим мумкинлигини сўрадим, улар кулиб “*албатта ёзинг сизни қўлингиздан келади*”, – дедилар. Абдулла Қаҳҳорнинг мени таъсирлантирган ҳикояси асосида мақола тайёрладим ва Устозимга олиб бордим, улар ўқиб кўриб “*яхши дедилар ва мақолангизни номи ўйқми, –дедилар, – мен эса нима дейшини билмай, ном қўя олмадим, – дедим. Шунда “ҳикоя сизда қандай таассурот қолдирди, ундан нима олдингиз”, – деб савол сўрадилар. Ҳикояни ўқиб, даҳшатга тушибим, дедим, шунда устоз “ана номи “Даҳшатдан даҳшатга тушиб” дедилар*”. Шундан кейин мақолам шу ном билан “Адабиётимиз фахри” тўпламида чоп этилди. Шу ўринда алоҳида эътироф этишим керакки, кейинчалик биринчи рисоламни номини ҳам “Адабий жараён: фольклор ва бадиият” (Тошкент: “Мумтоз сўз”. 2011 йил) деб устозим номлаб берганлар.

Шундан кейин институтга кирдим, устозимдан сабоқ олишни яна давом эттиридим, улар мени ўз қизлариdek яхши кўрар доим руҳлантириб турар эдилар. Ёзган мақолаларимни кўпинча онамдан кўра уларга кўрсатар эдим, чунки улар ҳеч қачон ёмон ёки хато ёзибсан демас, балки “*зўр бундан зўр ёзасизлар, мен шунга ишонаман, Нодирахондан ҳам ҳали ўтиб кетасиз*”, – деб мақтаб қўярдилар. Бугунда мен улардан жуда миннатдорман, чунки улар менга устоз бўлиш билан бирга бобомдек ғамхўр ҳам эдилар. Яна бир нарсани фахр билан айтишим керакки, уларнинг қўлидан бир неча марта фахрий ёрлик олиш баҳтига мұяссар бўлганман. Айтгандек, “Баркамол авлод-келажак кўзгуси”, “Биз одам савдосига қаршимиз” мавзусида ўтказилган республика иншолар танловида қатнашиб, диплом билан тақдирланишимга “Келажак овози” кўрик танловида “Бадиий ижод ва публицистика” йўналиши бўйича вилоят босқичи ғолиби бўлишимга Устозимни меҳнатлари бекиёсдир. Улар доим мен ёзганлиримни эринмай кўрар ва зарур маслаҳатларини самимий берар эдилар.



Хозирда Жиззах адабий мұхити ижодкорларини ўрганишимга ҳам уларни “үзимизда ҳам күчли адіб шоиrlар бор, лекин улар ўрганилмаган”, – деган сўзлари қайсиdir маънода сабаб бўлган. Улар мени Туроб Мақсуд, Иброҳим Дониш, Абдулла Аҳмад, Жўра Муҳаммад, Шаҳло Ахророва, Сайёра Тўйчиевалар ва Жиззах адабий мұхитида Муаззамхон, Аламкаш ва Коризийлар ижодини ўрганганд олим Инотулло Сувонкулов билан таништирганлар ва шу билан биргаликда менга жиззахлик ижодкорларни ижодини ўргансам, адабиётда ўзига хос янгилик бўлишини айтганлар. Мана ҳозир ҳимояга чиқиши арафасида эканман, улардан бениҳоят мамнунман. Шоир сўзлари билан айтганда:

*Отадек заҳматкаш, отадек буюк,
Қанча буюкларга муқаддас бешик,
Ким бор ундан ортиқ ҳурматга лойик,*

*Дунёда тенги йўқ табаррук инсон -
Устоз муаллимдир, устозу олим.*

Устозим шогирдларга тўғри йўл кўрсатишга, ғамхўрлик қилишга беназир инсон эдилар. Улар ҳозир орамизда йўқ бўлсаларда руҳан биз билан деб ўйлайман ва Аллоҳимдан уларга Жаннатини энг зўр жойларидан ато этишини сўрайман. **Руҳингиз шод бўлсин меҳрибон УСТОЗИМ!**

МУҲАББАТИМ ҲАЁТИМ ПОЙДЕВОРИ

*Гулбаҳор Икрамова,
турмуш ўртоги*

Ёшликда шундай иши қилгинки, йиллар ўтиб, кексалик келтирган заарнинг ўрнини қоплайдиган иши бўлсин.

(Леонардо да Винчи)

Йиллар ўтиши билан юрагингга яқин бўлган инсонни қадр-қиммати янада ортаверар экан. Ҳа, инсон умри қисқа. Умр эса гоҳ унинг номини мангалик осмонида юлдуздек порлатади, гоҳ бир лаҳза ёниб сўнган шамдек унутади. Агар бугун домла ёнимда ўтирганларида менинг у кишига гапирадиган сўзларим бошқача бўлар эди.

Бу сўзлар дилларимни бу қадар куйдириб эмас, яйратиб янграп эди. У кишига бўлган муҳаббатим, меҳрим, хурматим, ифтихорим домлани теран тафаккурига, ўтқир қаламига бўлган янада юксак мақтовларим ҳақида бўлар эди.

Ҳаёт бешавқат, бир томони афсус бўлса, бир томони шукронা. Мен учун турмуш ўртоғимнинг вафотига чидам ва сабр билан яшашимнинг бирдан бир юпанчи борки, у ҳам бўлса турмуш ўртоғимдан менга омонат қолдириб кетилган фарзандларимиз – Ойбек, Наргиза, Шаҳло, Улугбек, набираларимиз Жаҳона, Азимжон, Абдуфаттоҳ, Орифжон, Ферузбек, Умиджон, Сафина, Парвина, Баҳора, aka-ука, опа-сингилларим, домлани ёр-у дўстлари, шогирдлариридир.

Ўз умрининг баҳорини, ярим чорагини, қувватини халқ хизматига, оиласига, фарзандларига бағишилаган инсон ҳеч қачон ўлмайди. У ҳамма вақт эл-юрт билан бирга, биз билан бирга яшайди.

Тақдир мени 1975 йилда домлага учраштириди. Мен шу йили Садриддин Айний номидаги СамДПИнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишига кириб, талаба бўлдим.

Домла билан менинг илк учрашувимиз пахта йифим-терими вақтида бўлган. Бизнинг оиласизда 13 нафар фарзанд бўлиб 8 нафар ўғил, 5 нафар қиз тарбияланганмиз. Отам меҳнат фахрийси, бир нечта орден ва медаллар соҳиби, колхоз раиси бўлганлар. Онам уй бекаси бўлган. Ота-онамни орзуси биз 13 нафар фарзандларни олий маълумотли қилиш бўлган. Биз ҳаммамиз олий маълумотли турли касб эгалари бўлиб етишдик. Мен З ўғилдан кейин туғилган қиз эдим. Институтга кирган йилим Самарқанд вилояти Каттақўргон тумани Гўзалкент қишлоғига пахта йифим-теримига юборишган. Ҳар хафта навбат билан акаларим

келиб, мени кўриб кетар эди. Бир сафар иккинчи акам мени кўргани келиб, домла кўриб жуда бир бирлари билан қалин қадрдонлардек саломлашдилар (акам бир йилда домла билан ўқиган экан). Акам мени домлага танишириб, “ўзингиз қараб юрасиз бу мени синглим”, – деди. Мен акамни яқин ўртоғи деб юрсам, домла бир куни менга қалб сўзларини изҳор қилди. Фақултет домлалари ҳам домлани менга бўлган илиқ муносабатларини сезиб қолишган. Пахта даласида группамиз билан тушган расмимизни домла (Исомиддин ака) доцент Исомиддин Салоҳий домлага кўрсатиб, мана шу ўртадаги қиз деб мени кўрсатган. Домла расмни қўлига олиб, расмни орқа томонига 2 мисра шеър ёзиб қўйган эдилар:

*Ажаб бир суратдирким, ширин дамларга обида,
Ки марказда турар одам ҳаво онинг кучогида.*

20.11.1975 йил, эрталаб
Исомиддин Салоҳий

Пахта йифим-терими тугаб, институтга қайтиб келганимиздан кейин домлани устозлари ф.ф.д, профессор Хотамжон Умуров домлага мени кўрсатганлар. Қишки сессия пайтида домла устозлари Хотам Умуров “Адабиётшуносликка кириш” фанидан имтиҳон олаётган эди. Мен Исомиддин акамга “Агар сиз мендан имтиҳон олсангиз, домлани олдида билмайман дейман ва саволларга жавоб бермайман”, – дедим. Домла бу шартимни бир эркаланиш деб тушуниб, имтиҳон олиш учун аудиторияга кирдилар. Мен З-билетни олдим ва тайёрланишга бориб ўтирдим. Навбатим келгандан кейин мен чиқдим ва биринчи саволни ўқидим. Саволни жавобини “бilmайman” дедим. Саволнинг жавобини билсамда, лекин “бilmайman” деб атай айтмаганимни ва қайсарлигимни кўриб, Исомиддин ака ташқарига чиқиб кетди. Колган 2 та саволга жавоб бердим. Кейин Хотам Умуров домла биринчи саволга жавоб бера олмадингиз, сизга қўшимча савол бераман дедилар: “Ўхшатиш деб нимага айтилади? Қоидасини айтинг, мисол келтиринг”, – дедилар. Мен ўхшатишни айтиб шоир Ҳамид Олимжоннинг шеъридан мисол келтирдим.


*“Чиройлидур гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин”*

– деб айтиб Ўзбекистонни чиройлилигини келинчакка ўхшатган деб тушунтириб бердим. Шундан кейин Хотам Умуров домла менга қараб, сизга яна битта савол: *Келин нима? Келинчак нима?* тушунтириб беринг, – дедилар. Мен келин тўйи бўлганига 3-4 йил бўлган бўлса “келин” дейилади. Агар яқинда тўйи бўлган бўлса “келинчак” дейилади деб жавоб бердим. Шундан кейин Хотам Умуров домла менга чиройли кулимсираб қараб турдиларда, бу саволга менинг ўзим жавоб бераман, сиз яхшилаб билиб олинг дедиларда: *Агар сиз мени укамга турмушига чиқсангиз, мен сизни “келин” дейман. Агар бошқа одамга турмушига чиқиб кетсангиз, мен сизни “келинчак” дейман,* – дедилар. Бу жавобни эшитиб турган курсдошларим қарсак чалиб юборишли. Мен курсдошларим олдида уялиб йиғлаб чиқиб кетдим. Домлани чақириб баҳолаш дафтарчамни олиб бориб бер деб бериб юборибдилар. Шундан кейин, 1977 йилда тўйимиз бўлиб ўтди. Хотам Умуров домла шундан кейин “келин” деб мурожаат қиласдилар. Бизни турмуш қуришимизда устозлари Хотам Умуровнинг хиссалари катта бўлган. Турмуш

қурдик. Турмушнинг барча қийинчиликларини, аччиқ-чучукларини биргаликда ўтказдик. Лекин у кунларнинг ҳамма қийинчиликлари ҳам менга ширин, енгил эди, чунки доимо ёнимизда суюнчиқ тоғимиз устозлари Хотам Умиров бор эдилар. Менга оиласми оёққа қўйишимда, фарзандларим катта қилишимда, менга, оиласа бўлган меҳримни, турмуш ўртоққа бўлган садоқатни, ширин-ширин таомларни пиширишни, меҳмон кутишларни ўргатган Хотам Умировнинг турмуш ўртоқлари (жойлари жаннатда бўлсин) Мунира ойимларни хизматлари бекиёс катта бўлган. Мен ва фарзандларим Хотам Умировни, ойимларни хизматлари учун чексиз миннатдормиз! Шунинг учун биргаликда кутган йиллар жуда тез ўтиб кетганини сезмай қолибман. У ўтган йилларим менинг ҳаётимдаги энг азиз ва энг баҳтли йиллар эди.

Аллоҳимдан беҳисоб розиман менга шундай муҳтарам инсонни умр йўлдош қилганидан. Юқорида Леонардо да Винчи эътироф этганидек, улар ҳаётимдан эрта кетдилар, бироқ у кишини юрагимга, қалбим ташлаган муҳаббат ўтлари менга куч қанот бағишлияптики, демак *Улар* мен борман яшарлар мангу барҳаёт.





ЭЛДА ИЗЗАТ ТОПГАН УСТОЗ

Иномжон Собиров,
олимнинг укаси

Ким илм талаб қилиши йўлига юрса, Аллоҳ унга жсаннат йўлини осон қилиб қўяди. Албатта, олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиғфор айтади.

(Абу Дардо розияллоҳу анху)

Инсон дунёга келар экан, ўз тақдирини, ҳеч кимнига ўхшамаган ҳаёт ҳикоясини яшаб ўтади. Кимdir шифокор, кимdir қурувчи, кимdir илм кишиси ва ёки кишилар мушкулини осон қилувчи бошқа бир касбни танлаб, шу ишга умрини бағишлиайди. Аммо касблар ичидаги энг шарафлиси, шубҳасиз, Устозликдир. Ёш авлодни саводли қилиш, ҳаётга тайёрлаш барча замонларда ҳам улуг бир вазифа сифатида кўрилган. Адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, доцент Исомиддин Икромов ушбу улуг вазифани ўз зиммасига олган ҳамда устозликни умрининг мазмунига айлантира олган инсонлардан биридир.

Оилада у кишини барча яқинлари “домла” деб атар эдик. Бундай аташимизга сабаб фақатгина домланинг касблари эмасди, албатта. Исомиддин Икромов устозликни анча аввал ўз яқинларидан бошлаган, десак айни ҳақиқат бўлади. Оилада домла, аввало, ўз укаларига, яъни бизга устозлик қилди, китобга меҳр қўйишни ўргатди, кейинроқ ўқиб, олий маълумотли бўлишларига ёрдам берди.

70-йилларнинг охирларида домла бошчилигида бир гурӯҳ китобсевар ёшлар маҳалламиздаги почтачининг уйида навбатда турадик. Ўша пайтларда янги бадиий асарлар чоп этилувчи “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” каби журналларни биринчи бўлиб қўлга киритиш ва уларни ҳаммадан олдинроқ ўқиш учун почтачи билан тортишар эдик. Бутун маҳалла ёшлари китобсеварликни, бадиий адабиётдан завқ олишни домладан ўргангани рост.

Мактабни тамомлаган домла С.Айний номидаги Самарқанд давлат институтига ўқишига кирди. Тарабалик йиллари ўқишидаги тиришқоқликлари, янгилик излашга бўлган рағбатлари барчага ўрнак эди. Бу даврда оиласиз ва ҳатто бутун маҳалла учун аҳамиятли бўлган бир воқеа юз берди. Янгиликка ўч талаба Исомиддин Икромов Самарқанддек шаҳри азимдан маҳалласига биринчи телевизорни олиб келади. Илк “шогирдлари”га китобни севишни ўргатган домла энди уларга замон билан ҳамнафас бўлиш, янгиликларни ўзлаштиришдан дарс берганди гўё.

Ўқиш ниҳоясига етгач, домла ўз шаҳрига қайтиб, маҳаллий мактаблардан бирига ишга кирди. Бор йўғи бир йил ишлагач домлани ҳарбий хизматга чакиришди. У кишини ҳарбий хизматга кузатиш жараёни жуда қизиқ бўлган. Яқинларидан ташқари яна 30 нафар ўсмир ёш аскарни ҳарбий хизматга қўзда ёш билан кузатиб қўяди. Бу домланинг мактабда ўқитган илк шогирдлари эди. Бир ярим йил хизматни ўтаган домла деярли ҳар куни ўқувчиларидан 30 та соғинч мактубини олиб турди. Ўқувчилари домлани ҳозиргача меҳр ва ифтихор билан ёдга олади.

Кейинроқ илмий фаолиятини давом эттирган Исомиддин Икромов С.Айний номидаги Самарқанд давлат институтида, сўнгра А.Қодирий номидаги Жиззах

давлат педагогика институтида яна кўп сонли шогирдлар етиштириди. Улар домланинг меҳнатлари самараси, ҳаётлари давомида тўплаган энг катта бойликларига айланди.

Педагоглик касби билан элда обрў топган Исомиддин Икромов оила аъзолари, яқинларининг ҳаёт йўлини танлашларида муҳим роль ўйнагани рост. У кишининг илмга қизиқтиришлари ортидан Икромовлар сулоласида ўғиллар – шифокор, қизлар – ўқитувчи деган ажойиб анъана пайдо бўлди. Домланинг опакалари ёки уларнинг фарзандлари билан учрашиб қолсангиз, касб-корини сўрашга шошилманг. Сабаби, улар ёки шифокор ёки ўқитувчилик касбини тутган зиёли эканликларига гувоҳ бўласиз.

Исомиддин Икромов шифокор-окулист, чет тиллари мутахассиси ва ўзи каби адабиётшунос олимадан иборат 4 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган ота ҳамдир. У кишининг хотиралари биз яқинлари ҳамда фарзандлари қалбida мангу барҳаёт!

ТУШЛАРИМГА КИРИБ ТУРИНГ, ДАДАЖОН

Шаҳло Ботирова,

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Ҳаёт қисқа, лекин шуҳрат мангу бўлиши мумкин.
(Цицерон)*

Эзгуликнинг жавоби фақат эзгуликдир. Чунки ҳар қандай фарзанд учун отонаси чироғини ёқиши – муқаддас бурч. Вафотларига қадар дадажоним – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Исомиддин Икромов ҳақида мақола ёзаман деб ўйламаганман. Бобом ва бувимлар узоқ умр кўрган, саксондан ўтган бўлсалар-да, жуда бардам эдилар. Бошида дадажоним ҳақида хотира ёзишга журъатим етмади. Чунки мен хотира ёzsам, уни кўпчилик ўқиб кўриши ва ҳақиқат сифатида қабул қилиниши тайин. Аммо бунинг нозик жиҳати шундаки, хотираларимда дадажонимнинг барча инсоний фазилатларини тўла тасвирлай олмасам (бу аниқ), кишилар дадажонимнинг бор маънавий ва руҳий олами ҳақида тўла тасаввурга эга бўла олмайдилар; бу эса ўзимни ҳеч қачон кечира олмаслигимга сабаб бўлиши мумкин. Яна бир томони, хотираларда дадажонимнинг фазилатларини ошириб баён қиласам-да, уни ўқиганларда “мақтанибди” деган фикр уйгонишидан хижолат ҳисси ҳам йўқ эмас эди. Чуқурроқ ўйлаб, инсоннинг ўз отаси ҳақида яхши хотираларни эслashi, унинг яхши сифатларини тарғиб қилиши, чин инсоний фазилатлари билан, борингки, мақтанишида кишини хижолатга солувчи салбий ҳолатларни кўрмадим.

Дадажонимнинг муомала маданияти, ахлоқ-одоб, барча билан келиша олишлик ва қўлдан келганича инсонларга яхшилик қилиш хусусиятлари опакаларимга мерос бўлиб қолганини кўраман. Инсонийлик борасида дадажонимнинг бизга берган пурмаъно насиҳатлари асло ёдимдан чиқмайди. “Ҳеч

қачон, ҳеч кимга ҳасад кўзи билан қараманглар. Яратганинг ўзидан яхши ният билан сўранглар, ўзи етказади. Ният-эътибор. Доимо ниятларингни пок қилинглар”, – деб тақрор-тақрор айтар эдилар. Меҳрибон дадажонимнинг ўзи шу сўзларига бутун умрлари давомида амал қилиб ўтдилар.

Аввало, дадажоним бизга масъулиятли бўлишни, одамларга фойда келтиришнинг шахсий манфаатлардан устунлигини, меҳнаткашлик, ўқимишлилик, профессионаллик, камтарлик, ҳалоллик, покизалик, сўз ва иш бир бўлишига интилишга ўргатганлар.

Ҳаётда ҳар бир инсон топган ва бой берган барча нарсалар, аввало, оила билан боғлансангина қадрли бўлади. Оила дадажоним учун чин маънода муқаддас тушунча эди. Ҳаётининг энг қувончли ва масъуд дамларини дадажоним оила даврасида, аяжоним ва биз фарзандлари билан биргалиқда ўтказишни хуш кўрардилар. Ҳозир ўзимиз ҳам оиласиз, фарзандларимиз бор, баъзида ишни деб оиласиз, фарзандларимизга кам эътибор бериб қолганимизда, дарров дадажонимни ёдга оламан. Уларга муносиб бўлишга, оила борасида улардан ўrnак олишга ҳаракат қиласман.

Шу хотираларни ёзар эканман, айни дамда ҳам дадажонимнинг нигоҳларини жуда-жуда яқиндан ҳис қилиб турибман. Нимаики ўйламай ё бажармай, «*Бу ишиимга дадажоним қандай муносабатда бўларди?*», деган савол, албатта, шууримнинг бир четида доим туради. Айнан мана шу хислат мени доим эзгуликка интилиб яшашимга даъват этади.

Дадажонимни эрка қизи бўлганман. Мендан катта опам бўлганлиги учун улгайгунимча уй юмушлари, қозон-товоқ, супур-сиdir деган нарсалар менга бегона эди. Опамнинг турмушга чиқиши менга жуда “ёмон келди”, чунки шундан сўнг уй юмушлари тўлиқ менга топширилди. Бир куни аяжоним ишхонасидан телефон қилиб, кечки овқатга гўшт қиймалагичдан гўштни ўтказиб шовла пиширишимни айтдилар. Дадажоним шовлани жуда хуш кўрардилар. Амаллаб овқатни пиширдим. Дадажоним келишларига кечки дастурхонни тузаб, интиқлик билан уларнинг келишларини кутдим. Аям дадажонимга “*бугун эркатойингиз овқат қилди*”, – дедилар. Дадажоним буни эшишиб роса хурсанд бўлдилар. Аяжонимга қараб “*Кўрдингизми, Пари, мани қизим овқат пиширишини билади*” – деб жудаям фахр билан мақтандилар (дадажоним ҳеч қачон аяжонимни исмлари билан чақирмас эдилар, доим “*Пари*” деб мурожаат қилардилар). Мен ҳам ўзимда йўқ хурсандман. Овқат сузиб, дастурхонга қўйдим. Дадажоним доимгидек биринчи бўлиб овқатни бошлаб бердилар. Мен дадажонимдан мақтov эшитиш учун уларга тикилиб турибман. Биринчи қошиқни оғзига солган дадажонимнинг ранглари бир оз ўзгарганини сездим. Аяжоним ҳам овқатдан татиб кўрдиларда, бирдан мени урушиб кетдилар: “*Вай-вой, бутун маҳаллани тузини солдингми овқатга*”, – деб доимги ферминний қарашларидан қилдилар. Мен дарров дадажонимга кўзимни ёни билан қарадим. Дадажоним эса аяжонимга “*Пари, ўзингизнинг тузингиз купайиб кетган, қизим пиширган овқатнинг тузи биб-бинойидек*” – дедиларда, роса ҳам тузли шовлани едилар. Ўшанда бир қозон шовлани дадажоним “*дунёдаги энг ширин овқат*” деб нақд икки кун егандилар. Ушбу воқеани аяжоним: “*Дадажонинг сени овқат қилишдан хафсаланг тир бўлмаслигинг учун ўзларини*

мажбурлаб егандилар ва кечаси билан чанқаб чой ичиб чиққандилар” – деб кўп эслайдилар.

Дадажоним жуда файзли, фариштали инсон эди. Бирор марта бақириб гапиргани ё сўкинганини билмайман. Қийинчиликлар гирдобида катта бўлгани учун ҳаёт ва инсон қадрини жуда теран англардилар. Дадажоним – оиласиз учун ҳамиша идеал инсон бўлганлар. Қайси лавозимда ишламасин, ўзгармади – ўша-ўша самимийлигича қолди.

Дадажонимнинг ўзига хос тарбия усуллари бор эди. Оиласизда ёзилмаган, лекин қандайдир қатъий интизом бор эди. Дадажоним бизнинг таълим-тарбиямиз ҳакида онамдан сўраб-суроштирадилар. Дўстларимиз кимлиги, фанларни қандай ўзлаштиришимиз, нима китоблар ўқиётганимиз, уйга ким келиб-кетаётганигача қизиқардилар. Сўнг ҳар биримиз билан кўнглимиизга мос гаплашардилар. Албатта, талабчан эди, бироқ жазолашга шошилмасдилар. Жазолашда ҳам бақир-чақир ёки қўполлик қилиб жазоламас эдилар. Ишимиздан хафа бўлганликларини икки оғиз гап билан етказардилар, у ҳам бўлса “*Мени тарбиямга мос иш қилмабсан, сендан буни кутмагандим*” – дер эдилар, холос. Шу гапларининг ўзи биз учун энг олий жазо эди. Биз фарзандларига бир нарсани қатъий буюрмас, балки таклиф сифатида айтардилар. Фикрлашга ундардилар. Биз уни бажонидил қўллаб-қувватлардик. Дадажоним биздан хурсанд бўлиши, ғуурланиши учун барчасига тайёр эдик. Аяжоним ҳам жуда зиёли, ўқимишли, камтар, меҳрибон, оиласига садоқатли аёл бўлиб, икковлари ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлаб яшадилар.

Дадажоним оиласада ота-онага меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, фарзанд тарбияси ва оиласага садоқат масалаларига алоҳида эътибор берганлар. Кишиларга яхшилик қилиш, савоб ишларга қўл уриш, инсофли-диёнатли, виждонли бўлиш, меҳр-шафқатлилик, тўғрилик, ростгўйлик, софдил бўлиш, инсонларга ёрдам бериш билан ажralиб турар эдилар ва менга ҳар доим “*Шу фазилатларни қалбингга жойлаштирасанг, ҳеч қачон ҳаётда қоқилмайсан*”, – дер эдилар.

Дадажонимнинг менга берган насиҳатларини юрагимнинг тўрида сақлаб келмоқдаман.

Дадажон, Сиз биз учун барҳаётсиз! Сизнинг бизга берган ўгитларингиз набираларингиз тарбиясида ҳам бўй кўрсатмоқда, иншааллоҳ. Сизни жуда соғиндим, дадажон. Тушларимга тез-тез кириб туринг. **Аллоҳим боқий дунёингизни обод қилсин!!!**

АЙТИНГ, АЖАЛ ЎҚМИДИ ОТА!?

*Сўзин топди, сиздан қанчалар,
Ўзин топди, сиздан қанчалар.
Юрагимга наштар санчилар,
Айтинг, ажал ўқмиди, ота!?
Сизга шифо йўқмиди, ота?*

*Менга ҳаёт берган бозбоним,
Ўчмас сира сиз ёққан чирогим,
Қандоқ кетсин юракдан дозим,
Айтинг, ажал ўқмиди, ота!?
Сизга шифо йўқмиди, ота?*

*Она жоним мунгайиб қолди,
Онам гамдан кексайиб қолди,
Юракларим согинчдан толди.
Айтинг, ажал ўқмиди, ота!?
Сизга шифо йўқмиди, ота?*

*Ота барҳаётсиз, сўзимда борсиз.
Яшиаб турган кўзимда борсиз,
Менинг ўғлим, қизимда борсиз,
Бор эканмиз, яшайсиз ОТА!
Ишончингиз оқтаймиз ОТА!!!*

МУНДАРИЖА

Шавкат Шарипов. Эслашга, қадрлашга арзигулик инсон.....	4
Хотам Умуроев. Шогирд – ишончли дўст.....	5
Фоғур Мухамедов. Ҳалол ва меҳнатсевар инсон эди.....	7
Усмонжон Қосимов. Эзгу сўз ва эзгу амал боқийлиги.....	9
Зулфия Пардаева. Ота.....	13
Жалолиддин Жўраев. Мумтоз мураббий.....	17
Гўзал Умурова. Беназир инсон.....	18
Шукурулло Мардонов. Исимиддин Икромов портретига чизгилар.....	20
Сунатулло Сойипов. У меҳридарё инсон эди.....	21
Шоира Дониярова. “Сизга бир чой беришим керак-да”.....	24
Мардонқул Турсунпўлатов. Эслаб, эслаб.....	28
Рашид Холмуродов. Илм ва маърифатда обрў топган олим.....	29
Аббос Турсунқулов. Рисоладаги инсон, дилкаш сұхбатдош, меҳридарё инсон эди.....	31
Абдували Мусаев. Исимиддин Икромовни эслаб.....	37
Гулчеҳра Имомова. Меҳридарё устоз.....	38
Абдуҳамид Тангиров. Деразамнинг олдида бир тўп ўрик.....	40
Юлдуз Каримова. Кўнгилга йўл.....	42
Нодира Соатова. Хотира буюқdir инсон чин азиз.....	43
Сурайё Эшонқурова. Ёзилажак китобларга ном қўйган олим!.....	46
Жамолиддин Жўраев. Ҳозирги ўзбек адабиётининг моҳир тадқиқотчisi.....	50
Дилнавоз Салимова. Илк такриз ёзишга ундан самимий устоз.....	51
Зухра Мамадалиева. Отадек улуғ инсон.....	54
Тўхтамурод Кўчқоров. Устоз йўлин тутмоқ - шогирд иқболи.....	56
Абдурашид Тўйчиев. Эҳтиром.....	58
Соҳиб Бойсинов. Боғбоннинг устаси гулдан билинар.....	60
Феруза Жумаева. Устозим – офтобим.....	62
Муродулла Жўраев. Эл ардоғидаги устоз!.....	63
Дилором Тошпўлатова. Инсонийликнинг энг гўзал кўриниши.....	65
Паризод Туропова. Устозимга эҳтиромим.....	66
Гулбаҳор Икрамова. Муҳаббатим ҳайтим пойдевори.....	69
Иномжон Собиров. Элда иззат топган устоз.....	73
Шаҳло Ботирова. Тушларимга кириб туринг, дадажон!.....	74

ХОТИРА МУҚАДДАС – УМР АБАДИЙ

Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси, филология фанлари номзоди, доцент **Икромов Исомиддин Икромович** таваллудининг **70** йиллиги муносабати билан унинг ёрқин хотирасини эъзозлаш мақсадида юзага келган эътироф ва эҳтиром мақолалар жамланмаси

“ЎЗБЕК ТИЛИ УСЛУБИЯТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ (1-китоб, 1-шуъба)

Муҳаррир: С.Хошимов

Мусаҳҳих: С.Эшонқулова

Саҳифаловчи: И. Жураев

Нашриёт қофози №AI 242, 04.07.2013 й. Офсет қофози. Босишга рухсат этилди 31.05.2021. Формати 60x84 1/16. Гарнитура «Times New Roman». Босма табоқ 8.0. Адади 100 нусха. Буюртма №32.